

*Шарж*

# ЮЛДУЗИ



3

ЎЗБЕКИСТОН  
СОВЕТ ЁЗУЧИЛАР СОЮЗИ

ТОШКЕНТ - 1946



УЗБЕКИСТОН СОВЕТ ЁЗУЧИЛАР СОЮЗИ

# Шарқ юлдузи

ОЙЛИК АДАБИЁТ ВА  
САН'АТ ЖУРНАЛИ

№ 3



«КИЗИЛ УЗБЕКИСТОН» ва «ПРАВДА ВОСТОКА»  
НАШРИЁТИ  
Ташкент — 1946



## ҒАФУР ҒУЛОМ

### ВАҚТ

(*Укам капитан  
Хамидулла  
Хусайнов менег  
соат соға қилды*)

Ғунча очилгунча ўтган фурсатни,  
Капалак умрига қиёс әтгулик.  
Ба'зидә бир нафас олгундек мұлдат  
Минг юлдүз сүниши учун етгулик.

Яшаш соатининг олтин кағири,  
Ҳар бориб келиши бир олам замон.  
Қоинот шу дамда ўз куррасидан  
Ясаб чиқаолур янгидан жаҳон.

Ярим соат ичидә туғилиб, ўсиб,  
Яшаб, умр күриб, ўлгучилар бор.  
Құз очиб юмгунча ўтган дам қиймат,  
Бир лаҳза мазмұны бир бутун баҳор.

Бир оннинг баҳосин ўлчамақ учун,  
Олтиндан тарозу, олмосдан тош оз.  
Нурлар қадамила чопған секунднинг  
Барини туталмас айханнос — овоз.

Йигит термилади қизнинг күзига,  
Киприк сузилиши, майин табассум...  
Құша қаримоққа мұхур бұлади,  
Ҳаётда икки лаб қовушган бир зум.

Яшаш дарбозаси остонасидан  
Заржыл китоб каби очилур олам,  
Тириклик күркидир меңнат, муҳаббат,  
Фурсатдир — қылгучи азиз, мукаррам.

Бебаҳо дамларынг тирик жөни биз,  
Ҳар они ўтмушнинг юз йилига тенг.  
Улууғ Сталиннинг нафасдошимиә,  
Нафаски, мазмұны фазолардан кейін.

Қатрада осмон акс этганидек,  
Жаҳондай ма'нидор қорачуғимиз.  
Голиб асримизга күёшдай маш'ал  
Замон кўрасининг сўнмас чўғимиз.

Кремль куранти занг урар мудом,  
Минглаб ҳодисалар минутларга қайд;  
Қаҳрамон туғилди, шаҳар олинди,  
Бир гигант қурилди, шарафли бир пайт.

Рейхстаг устига ғалаба туғин  
Қадашда отилган советнинг ўқи  
Ялт этган умрида барқарор қилди  
Башарнинг муқаддас олий ҳуқуқин.

Жуков амри блан мағлуб немиснинг,  
Генерали қўл қўйди, уч секунд фақат...  
Шу мал'ун имзода одамлар ўқур,—  
Миллион йил, фашистнинг умрига ла'нат.

Азиз асримизнинг азиз онлари,  
Азиз одамлардан сўрайди қадрин.  
Фурсат ғаниматдир, шоҳ сатрлар-ла  
Безамоқ чоғидир умр дафтарин.

Шуҳрат қолдирмакка Герастиратдек<sup>1</sup>,  
Диана ма'бадин ёқмоқ шарт эмас;  
Кўпларнинг баҳтига ўзликни жам'лаб  
Шу улуғ бинога бир ғишт қўйсанг, бас.

Ҳар лаҳза—Сталин умридек узун,  
Асрлар тақдирли лаҳзаларда ҳал.  
Умрдан ўтажак ҳар лаҳза учун  
Қудратли қўл блан қўяйлик ҳайкал.

Ҳаёт шаробидан бир қултум ютай,  
Дамлар ғаниматдир умрзоқ соқий.  
Қуёшку фалакда кезиб юрибди,  
Умримиз боқийдир, умримиз боқий.



<sup>1</sup> Герастират — ағжидиевий бир тентак, у, дунёда нов қолдирмоқ учун  
Дизланнинг ма'бадига ўт қўйган.

## КҮЧАТ

Кече түқсон чиқди; наврұз олам  
Күчат—келиниларнинг түйи бошланды.  
Эй, күнгил күеви, сен ҳам жиға ток,  
Чаман чимидиқлар муборак энди.

Лолалар базмига борур өтінгінда,  
Бинафша та'зими ёдінгіда бұлсın.  
Күкламдай мусаффо нағасларніңдан,  
Үду анбарларнинг қадри түкілсін.

Халқымыз, тарихлар яратмак учун,  
Каналлар чиқариб, шаҳар құргандек,  
Шириң номинг минг йил тілларда қолсін,  
Яхши ният блан бир жуфт күчат эк.

Үғіл, қызларимыз бүйінга етиб,  
Ўзи-чун құрганда ошиёну баҳт.  
Шамшоду арғувон хиёбонларда,  
Саломига чиқсін Тошкент—пойтахт.



## УЙГУН

### ХАЁТ ИШҚИ

Тонг бўзарар, ҳаёт ишқига—  
Тўлиб-тошиб қушлар чувуллар.  
Тегарамда ҳаёт қўшиғи,  
Жўшка кирар, янграр, гувуллар.

Ҳаёт қонунинг товуши бор  
Атомларнинг ҳаракатида.  
Гиёҳларнинг ҳаёти мавжуд  
Ёмғурларнинг баракатида.

Капалаклар ҳаёт ишқида,  
Гулдан-гулга қўнар эринмай.  
Янги ҳаёт иштиёқида  
Гулзор ичра булбул чалар иайд.

Озиқ излаб, ҳаёт ақтариб,  
Чумолилар юрар ғизиллаб.  
Яна шу ўй, шу умид блан,  
Бол арилар учар визиллаб.

Униб чиқар ердан гиёҳлар,  
Интилади нурга ғунчаяр.  
Неки тирик, ҳаёт ишқига  
Мафтун бўлиб қолмиш шунчалар..

Менчи? Инсон! Менинг ишқимга,  
Ҳеч нарса тенг келмас жаҳонда.  
То тирикман, ҳаёт севгиси  
Хукмрондир юракда, қонда.

Қиласман деб дун'ёни жаннат,  
Белга белбоғ боғлаганилигим,  
Тақири гул, саҳрони чаман,  
Чўлни бўстон айлаганилигим.

Гулзоримга орð берганим,  
Зеб берганим нур олиб кундан.  
Пахтазорда кечаяю-кундуз,  
Тер тўкишим бариси шундан.

Шу ишқ блан олий саройлар,  
Янги-янги жаҳонлар қурдим.  
Шу ишқ блан, ўлкамни душман  
Босганида, оёққа турдим.

Вабо юклаб ёв қузғунлари,  
Солганида юзимга соя.  
Шу ишқ блан жонимдан кечиб,  
Озодликни қилдим ҳимоя.

Шу ишқ блан қонли жангларда,  
Енга олдим ўлимларни ҳам.  
Шу севгининг қудрати блан  
Зафар ва баҳт бўлаолди жам.

Яна тинчлик, гўзал табиат,  
Жилва қилар ҳуснга тўлиб.  
Мен созимни янгратдим яна,  
Гул ҳаётнинг мафтуни бўлиб.

Нав баҳорда қушлар товушин  
Тинглаганда яна жўш урдим.  
Қўнглимни завқ асир этдию,  
Қарашимни гулларга бурдим.

Барчасида ҳаёт жилваси,  
Ҳаёт мадҳи, ҳаёт қалами.  
Улуғлайди ҳаётни минг бор,  
Гул та'зими, қушлар саломи.

Асир этиб эзгу ишқинингга,  
Синмас рубоб тутқиздинг менга.  
О гул ҳаёт, о ширин ҳаёт,  
Қониб бўлармикин меҳриннга.

АБДУЛЛА ҚАҲХОР  
ҚҮШЧИНОР  
РОМАН

Сўнгги батрак

Кўрмайин босдим тиканни  
тортадирман дардина...  
Кўшик

— Қазисан, қартасан, ахир аслингга тортасан! — деди кампир омборни қулфлаётуб. — Энди жир битди-да! Битта кўйлак иккита бўлди! Увада, ислиқи тўн, чилвир белбогнинг хумориси тутгандир!..

Сидиқжон қайнонасидан бу хилдаги та'наларни кўп эшитган, лекин сра гап қайтармаган эди, бу сафар заҳарханда қилиб:

— Ўзи тўймаганнинг салқити қорин оғритади, онажон, сиёдан ортдию, бизга жир битдими! — деди.

Кампирнинг жиги-байрони чиқди. Омбордан олиб чиққан бир сават пахтаси блан чигиригини кўтариб, вайсаганича, ўз ўйинга кириб кетди.

Сидиқжон ўрнидан туриб кўча эшиги томон йўналган эди, айвонда кўз оғриқ боласини эмизиб ўтирган хотини тўхтатди.

— Тўхтанг, ажрим қилиб кетинг! — деди.

Сидиқжон ялт этиб хотинига қаради. Хотини, ранги ўчган, ўрнидан туриб, болани беланчакга солди ва қаттиқ-қаттиқ тебратабошлади.

— Нима дединг? Ажрим қилиб кетинг. Мен бирон ёққа кетётганим йўқ эдику... Кетгин, демоқчи бўлсанг, тўғрисини айтабер. Менинг бу уйда шу боладан бўлак илинжим йўқ. Бунинг ҳам ярими сеники... Кетгин деганингми бу?

— Райингиздан қайтсангиз, қайтганингиз, бўлмаса мен... Отонамни дейман!

— Ахир отанг розя дедимку! Ўлгани йўқ, кечқурун келади, сўра.

— Рози бўлсалар, бўлаверсинлар, мен рози эмасман.

Сидиқжон индамай кўчага чиқиб кетди.

Кампир уйда жоврар, қизини қаргар эди:

— Э, ўл, ит'ялоқ! Дайди итнинг тумшигини ёғ қилмай ўл! Итга берсанг ошингани, итлар ғажир бошингни! Кошкি ўз бoshingni fajisasi!

Кизи тозуш чиқармай куюниб йиглади. У ўз онасидан юрагыга ништар бўлиб санчиладиган сўзни шу блан иккинчи мартаба эшитаётитти. Илгари, ҳазилми-чинми, „боланг эрингга ўхшамайди“ деган эди. Хотин кишининг юрагидан фарзанд доғи кетса, кетадики, бундай гапнинг алами кетмайди. Энди „ит“ялоқ деяётитти. Бу гапни гар ҳам кўтаролмас, тикка юлишар эди. Броқ унинг тили қисиқ. Айниқса мана бу ғурбат блан бошланиб, ғурбат блан тугаётган кунларда оға-онасига сўз қайтариш эмас, рўпара бўлишга ҳам юраги безиллар эди.

Унинг тили қисиқ бўлишига сабаб бўлган тұнохи шундай содир бўлган эди.

Бундан роса ўн йил бурун мана шу болохонадаги қозноқда тухум босиб ётган фарангги товуқ бирданига қақиллаб, том орқасига — Собиржон қорининг боғига учиб тушди. Киз дувол ошиб, унинг кетидан қувлади. Товуқ тутқич бермай анҳор бўйидаги жингуллар остига кириб кетди. Киз уни ушлаб олгани кўп уринди, жуда қийналиб кетди: қўлларига тикан кирди, юзи ва билаклари тирмаланди, роҳати-бадан кўйлагининг этаги йиртилди. Ўша веқтда Собиржон қорининг қороли бўлган шу Сидиқжон анҳорнинг нариёғида анжир очаётган бўлиб, қизни кузатиб турган эди. Сидиқжон — қорол бола, бу — ўзига тўқ бир одамнинг қизи; икки орани ажратиб турган шундай зўр тогни бир зумда толқон қилиб ташлайдиган „алланима бало“, бир куч бор эканини ким билипти! Киз аввал қўрқди: отаси унинг Сидиқжон блан сўзлашиб турганини эмас, боққа тушганини билса ҳам терисига сомон тиқади. Бу хусусда отасининг қамчисидан қон томар эди. Кейин қиз янги бир оламга кириб, отасининг қамчисини ҳам жингул остида пусиб ётган курк товуқни ҳам унитди. Сидиқжон нинг шўхлигига қарши „ёмон экансиз“ дейишдан бошқа сўз тополмади. Кизнинг ҳаётида бу ҳаддан ташқари катта ҳодиса эди Ҳам ваҳималик, ҳам „алла-қандай — ғалати“ бу учрашу тўғрисида ўзининг сирдош ўртоқларидан бирига сўзлаганида, шундай зўр ҳодиса ҳақидаги гапнинг бир пиёла чой ичиб бўлгунча тугаб қолганига ҳайрон қолди. Шундан кейин Сидиқжон боғда юрган чоқларида қўшиқ айтадиган бўлди. Бу қўшиқлар қизда ўзи ҳам нима эканини билмайдиган ҳислар уйғотар эди. Ҳавф-хатарга юзма - юз келиб, унга чап бериш қандай яхши! Бирнечай ой мобайнида қиз ўзи хоҳлабми, ё Сидиқжон „асти қўймагани“ учунми, боққа яна бирнечаб мартаба тушиб чиқди. Ҳар тушганида шундай катта ишни мудом кўз-қулоқ бўлиб турган ота-онасига билдирамай қилганига завқ қиласар, ўзини бардамроқ ва ақиллироқ сезар, шунинг учун яна тушгуси келар эди. Ҳазил-ҳазил блан бўлиб кетган бу ишнинг бутун даҳшати ўша йили кузда обрўили бир жойдан совчи келиб, ота-онаси катта қалин сўраганда билинди. Никоҳ ва унинг зартаси бўладиган бўтун можаро кўз олдига келиб, аммасининг оёғига йиқилди ва, тақдирга тан бериб, ўз қилмишига иқрор бўлди. Ёпиқлик қозон ёпиқлик қолиши керак эди. Қиз отасининг қаҳо-ғазабидан омон қолди. Онаси куда томонга одам юбориб „қизимиз хоҳламади, ўзининг хоҳла-

гани бор, зўрлик блан иш қилишни замона кутармайди" деди. Отаси эса „меҳнат блан суяги қотган Сидиқжоннинг пешонасини силагим келиб юрар эди, қизим унга кўнгил қўйиш блан бошимни осмонга еткизди" деб даррав тўй ҳаракатига тушди. Қишлоқнинг қаттадан кичигини ҳайратла қолдирган бу тўй ҳақида маҳаллий газета „тушунган ота" сарлавҳали бир хабар ҳам босиб чиқарди. Сидиқжон ичкуяв бўлди. Қиз орзу-ҳавас кўралмаган онасининг дашном ва зихновларидан ўлар ҳолатга етганда, баҳтига, ер ислоҳоти бўлиб қолли. Ер ислоҳоти унинг тилини узун қилди, чунки Сидиқжон бўлмаганда Зуннунхўжанинг тарновбошидаги шоликорлик ери ҳам кетар эди. Шундан кейин Сидиқжоннинг ўғмиши бир қадар унитилди. Кампир „ҳар иш худодан" деб қизини ҳам оқлади Оила бошлиғи — Зуннунхўж; рўзгорни кампир бошқаради; Сидиқжон далага уруғлик ва гўнг элтиб, ҳосил келтиради. Йиллар мана шу хилда, осойишта ўтар эди. Яқин олти ой бўлдик, мана шу осойишталик бузулди ва бунга сабаб, кампирнинг гумонича, Сидиқжоннинг онаси эди.

Сидиқжоннинг онаси **Хадичахола** умрини хорлик, зорлик тортиб ўтказган ҳамма кишилардай тез қариган, лекин ҳамма қишлоқ қарияларидай кексаликка сўз бермайдиган, файратли, тетик, миннатлик ошдан беминнат муштни афзал кўрадиган бир кампир бўлиб, бу ерга бир тош мўлроқ келадиган ўз қишлоғида эридан қолган кичгина бир кулбай вайронада кичик ўғли Обиджон блан тўрар эди. Сидиқжон авъал аравасоз устага шогирд, ундан кейин бу ерга келиб Собиржон қорига қорол бўлиб юрган вақтларида **Хадичахола** уни ўз қаноти остида ҳисоблар эди. Ўғли Зуннунхўжага ичкуяв бўлгандан кейин ўрдак тухумини очган товуқдай бўлиб қолди. Шунинг учун бу ерга жуда кам, йилда бир ёки икки мартағагина келар эди.

Хадичахола бундан яқин олти ой бурун келганида бир қийиқ беҳи олиб келди. У кун оккунча ўтиридио, кейин „кечга қолмай", деб жўнади. Сидиқжон уни кузатиб қайтиб келганида, ток остидаги эски сўрида чочилиб ётган беҳиларга кўзи тушди. Беҳилар унга мунггайиб қараб тургандай туюлди. Сидиқжон ҳаммасини йиғишириб олди-да, айвоннинг токчасига элтиб қўйди. Беҳилар бу ерда ҳам унга ғарифона назар ташлаб, „бизни бу ерга нега ҳам олиб қелди, нега ташлаб кетди; бизни бу ерда ким ҳам қўлга олар эди" деб тургандай туюлар эди. Сидиқжон беҳилардан бирданита тўрттасини олиб еди. Унинг кўзига узундан-узоқ дала йўли, унда якка ҳоргин-ҳоргин қадам ташлаб бораётган онаси кўринди. Нега уни отдами, аравадами элтиб қўймади? Аввали шуки, шунча узоқ йўлдан „болам" деб келган онасига нега „буғун ётиб қол" демади? Унинг юраги ғаш бўлди.

Сидиқжон, шу кечаси уйқуси қочиб, не маҳалгача „бу қилган ишим бефаросатликданми, бемеҳириликданми?" деб ўлланиб ётди. Уйлаб қараса, бу даргоҳга қадам қўйганидан бери ораси, тўй кечасини әтиборга олмаганда, ҳечқачон бу ерда ётиб қолган эмас, уни ҳечким ҳечқачон элтиб ҳам қўймаган экан. Сидиқжон бундан ҳам қўра шуни энди пайқаганига, шу тўғрида эн-

ди ўйлаганига ҳайрон қолди. Буни пайқамасликни, ўйламасликни бефаросатлик эмас, тўппа тўғри бемеҳирлик оқибати дейишга тўғри келиб қолди. Наинки шундоқ бўлса! Сидиқжон бу драгоҳга қадам қўйганида „пешонам очилди“ деган бўлса, „пешонам“ деганила ҳаммадан бурун онасининг баҳтини кўзда тутган эдик! Шундоқ деган одам наинки онасининг қандоқ келиб кетишини пайқамайдиган бир аҳволга тушиб қолган бўлса! Ма'лум бўладики, шундоқ экан. Нима учун Сидиқжон бу саволга жавоб ахтариб, ундан ҳам зўрроқ, ундан ҳам зарурроқ бир савоға йўлиқди: онаси бундан ўн йил муқалдам қандоқ кун кечиради, ўн йилдан бери қандоқ кун кечириб келаётити? Бу туғрида ўйлаганида бултур боҳорда ўн етти кило шоли элтиб берганидан бошқа нағ'и текканлигини эслалмади. Сиаси бу шолини егани ҳам йўқ — сотиб. Обиджонга кўйлак-иштон, ўзига эски бузи маҳси олди; ўзига кафанлик ҳам олиб қўймоқчи бўлган экану, пул етмапти. Сидиқжон онасининг турмуши ҳақида ўйлагани сойин ўзининг бемеҳр уғил, бемеҳр ака чиққанлигини кўрсатадиган далилларга кўпроқ дуч келар, лекин буни сра-сра тан олмас, назарида бу хилдаги ҳарбир далилга қарши ўнлаб сабабузур кўрсатаоладигандай эди. Броқ бу тўғрида ўйлаганида узур бўларлик биронта ҳам сабаб тополмади. Дуруст, янги ўйланган йили эккан ери, ётган кўрпаси Зуннунхўжаники — инига зўрга сиққан сичқон думига ғалвир боғлай олмас эди. Ундан кейинн-чи? Ер ислоҳоти уни экаётган ерига энг камида тенг шерик, бу ерга тўқкан пешона тери ётган кўрпасини беминнат қилгандан кейинн-чи? Ўйлаб қараса, ҳар йили боҳорда „иншоollo“ бу йил куз онамнинг қишлигини фамлаб бераман“ деб ният қилар экану, кузда ҳисоби „миркам икки“ келиб „аттанг“ деганича қолаберар экан. Сидиқжон ҳар йилни бир „аттанг“ блан кузата-кузата, шунча йилни ўтказиб юборганидан ҳам кўра нима учун ҳар йил куз „миркам икки“ келавергани тўғрисида шу ҷоққача ўйлаб кўрмаганига ҳайрон қолди. Нима учун ҳар йил куз „миркам икки“ келаверади? Одамлар ейди, ичади, жўжабердай жонни боқади. Одамлар онасинигина эмас, ўғай акасининг иккала кўзи ожиз бўлиб қолган хотинини ўз қаноти остига олиб ўтиради. Одамлар уй солади, ўғлини тўй қиласи, бирор тўй-ма'рака қилса, йўқлаб бирон нарса олиб боради, яна ортдиради, велосипед миниб юради.. Сидиқжон „одамлар“ деганида ўша Собиржон қорининг собиқ аравакаши, ҳозир узоқлашиб қолган ўзининг эски улфати Ҳайдаралини кўзда тутар эди. Унинг юрагидаги ғашлик борган сойин авж олиб, шу кечаси киприк қоқмай чиқди.

Мана шу сабаб бўлдию, бугун кўраётган кунини негадир ҳануз Собиржон қорининг эшигига юриб кўрган кунларига солиштириб муҳокама қиласидиган ва шунинг учун ҳам ўз турмушидан мамнун бўлиб юрган Сидикжон сўнгги кунларда ўз турмушини Ҳайдаралининг турмушига солиштириб муҳокама қиласидиган ва шунинг орқасида бу турмушидан ҳар куни, ҳар соатда бир нуқс топадиган бўлди. Мана шунинг на ижасида у ноқобил, тўнг, гап кўтаралмайдиган, ишта қўли бормайдиган бўлиб қолди. Лекин

Сидиқжоннинг шундай бўлиб қолишига сабаб Ҳайдарали рўзгоридан ортдириб велосипед миниб юргани ҳолда у онасига маҳси ёки укасига кўйлак иштон олиб бералмагани сингари ҳоллардан туғилган норозилик эмас. бунга сабаб бошқа бир норозилик, ҳеч йўл блан тасалли топиб бўлмайдиган, ўйлаган сойин аланга оладиган бир норозилик эди. Сидиқжон ўзини Ҳайдаралига солиштириб муҳокама қиласлошлати.

Собиржон қорининг эшигига бирга ишлаб, ҳасратлашиб юрган вақтларида Сидиқжон уни сансира, „Ҳайдар“ дер эди, қачондан бери уни сизлайдиган, ўзидан бир ёки икки ёш кичик бўлишига қарамай „Ҳайдарали ака“ дейдиган бўлди? Сидиқжоннинг тўйида ичкарига, ҳатто ўз тенг-қурлари олдига киргани ҳам тортиниб ҳоалида ёш болалар, гадойлар орасида ўтириб ош еган ўша Ҳайдарали қачондан бери тўй-ма’ракада тўрга ўтадиган, қариялар, амалдорлар орасида ўтирадиган бўлиб қолди? Қачондан бери у газетхон, гапдон, самоворнинг тўрида ўтириб чой ичадиган ва Сидиқжоннинг тили келишмайдиган, ақли етмайдиган гапларни айтиб ҳаммани оғзига қаратадиган бўлди? У қачондан бери „Ҳайдарали Усмоналиев“ ёки „ўртоқ Усмоналиев“ бўлиб қолди? Нега „ўртоқ Усмоналиев“ дейилса, жуда келишади, ёпишадиу, „Сидиқжон Соҳибжонов“ дейилса, келишмайди, ёпишмайди, извошга ҳўқиз қўшилгандай кулги чиқади? Нега бундоқ? Ҳайдарали „ўртоқ Усмоналиев“ бўлганидан кейин колхозда авено бошлиги қилиниб сайландими ёки звено бошлиги бўлганидан кейин „ўртоқ Усмоналиев“ бўлдими?

Мана шу хилдаги ғў-мулоҳазалардан кейин Сидиқжон кўзини очиб қараса. Ҳайдаралининг турмуши олдида ўзининг турмуши турмуш эмас, фақат тирикчилик экан. Турмуш — яшаш деган сўз. Яшаш учун ердан тўртиб қуёшгача, бинафшадан тортиб булбулнинг сайрашигача, муҳаббатдан тортиб ғазабгача ҳаммаси керак, ҳаммаси зарур. Умрини яшаб ўтказган кишининг роҳати ҳам, азоби ҳам, хафачилиги ва хурсандчилиги ҳам бир мазмун касб этади, буларнинг ҳаммаси бир бутун анорнинг алоҳида доналаридай чиройли, лаззатли бўлади. Тирикчилик — ўлмасдан тупроғдан ташқари юриш деган сўз. Тирикчилик учун битта устара блан битта қайроқ ҳам кифоя қиласди. Энг яхши тирикчилик қилиб юрган киши энг ёмон олмага тушган қуртдан фарқ қилмайди.

Шундай қилиб Сидиқжон тирикчилик йўлидан чиқиб, яшаш йўлига кирмачки, лекин бу йўлни ўзи тополмас, кимнингдир изидан бориши керак эди. Ҳозир унинг кўз олдида Ҳайдаралининг изидан бошқа из бўлмаганлиги учун шу издан боришга — колхозга киришга қарор берди. Бир куни бу ниятини Зуннунхўжага айтган эди, Зуннунхўжа „сиз менинг ҳам куявим, ҳам ўслимсиз, нима блан вақтингиз хуш бўлса, шуни қилинг“ леди. Сидиқжон унинг сўзига ишонди ва колхозга кириш ҳаракатига тушди. Оилада осойишталикнинг бузулишига, ғурбат бошланишига мана шу сабаб бўлди. Шу важдан кампирнинг жафи яна очилди: Сидиқжоннинг ўтмушини, қизининг қилимишини яна та’на қиласлошлади. Броқ Сидиқжон бу тўғрида Зуннунхўжанинг ро-

зилигини олганлыги учун кампирнинг вайсашларига чандон э'тибор қилмай келар эди, бугун хотинининг „райингиздан қайтсангиз, қайтганингиз, бўлмаса, мен ота-онамни дейман“ дейиши Сидикжонни „она-болага Зуннунхўжани бир рўпара қилмасам, бўлмайди-гана ўшаб қолди“ деган фикрга келтири. Шунинг учун хотинига бир нарса дейишни лозим топмай кўчага чиқиб кетди.

Кечқурун жамоат жам' бўлганда, газабдан кўкариб кетган кампир ети пуштидан қолган уч бойлам васиқани ўртага кўтариб урди.

— Мулла Шарофитдиннинг муҳри бор бу васиқаларда, Муллажон қозининг муҳри бор! — деди васиқаларни титкилаб. — Шундай васиқаларни инобатга олмай Қақирдаги ерни олди, жувон ўлгур исполком! Худоё васиқа кўр қилсин! Кошки ерни тузукроқ одамга берган бўлса — Абдураҳмон ҳожининг қоролига! Орият, ер блан колхозга кириб, энди у киши ҳосилот! Ҳадеб ер беравергани ҳукуматнинг менга ўтказиб қўйгани йўқ. Ер берадиган одам ўзи топиб берсин!

Сидикжон қўчқорнинг шохига ўшаган мўйлабини бураба-кулимсираган ҳолда, ер остидан Зуннунхўжага қаради. Зуннунхўжа пешонасини бир-икки уқалади, сўнгра, соқолини тутамлаб, айвонининг шипидаги қалдирғоч уясига қараган ҳолда,

— Унақа бетамиз одамнинг гапини гапирма, нега ер сенинг измингда бўлар экан? Ер Сидикжонники, хоҳласа — ҳукуматга беради, хоҳласа — кўриқ қилиб ташлаб қўяди! — деди.

— Худо ғазаб қилган бандасини шу кўйга солади, — деди кампир васиқаларни таҳлаётib, — наход киши ўз мулкига ўзи душман бўлса!

— Нега мен душман бўлар эканман, — деди Сидикжон иложи борича мулоийимлик блан — йўлаб гапираётисизми?

— Ха, бўлмаса, жонингиз ачиганими бу? Ерни белингиз қайнишиб топганингизда, жонингиз ачир эди.

Сидикжон қипқизориб кетди ва Зуннунхўжага „гапирсангизчи!“ деганлай назар ташлади. Зуннунхўжа кампирни гап ҳисобламаганини, бунга э'тибор қилмаганини кўрсатиш ва шу блан Сидикжоннинг тафтини босиш учун ёлғондан эснади, кулди.

— Колхоз деса, жунинг тескари бўладиган бўлибсан-да! Колхоз шундай нарсаки, хоҳлаган одам киради, хоҳламаган одам тўпписини яримта қилииб юраберади. Шундоқми, Сидикжон?

— Албаита, менинг бўйнимга бирор арқон солаётгани йўқ. Тушунган одам киради, тушунмаганлар кирмайди. Руҳонийларнинг гапига қулоқ солганлар ҳам кирсайди...

Сидикжон „руҳоний“ калимасини „ҳукуматга қарши“ деган ма'нода ишлатар, бу ердагилар ҳам шу ма'нода англар эди. Бу гапни кампирнинг тилини боғлаш ва назарида дурустгина гап то-пальмай чулди аб ўтирган Зуннунхўжага луқма солиш учун айтди. Броқ, Сидикжоннинг кутганига қарши, Зуннунхўжа қовоғини солиб, тескари қаради ва,

— Ҳаркимининг та'би бўлса, колхозга кирмаган ҳам, кирма, деган ҳам руҳоний бўлмайди! — деб тўнғиллади. Броқ бу блан

Сидиқжонни ранжитиб қўйғанлигини фаҳмлаб, кампирга қараб ўшқирди. — Миянг борми ўзи, Сидиқжон колхозга киргани блан ер колхозга ўтиб кетмайди, ўртада бўлади! — деди.

Кампир васиқаларини кўтариб, вайсаганича уйга кириб кетди.

— Худоё тавба қилдим, бу қандай кун!. Ё қудратингдан, бу қандай одам! Бу қандай одам эканки, ўз мулкини, ўзининг мулкини ўртага солади! Эртага хотинини ҳам олиб чиқиб, ўртага солади бу...

Сидиқжоннинг ранги бўзариб кетди.

— Онажон, — деди, титроқ босиб, — оғзингизга қараб гапиринг! Шу гапингизни бирор эшитса, айбдор бўласиз! Мен даюс эмасман!. Бунақа қўшмачилиқ сизлардан келади. Ин'омжонга „қизимнинг кўнглини ол, эридан чиқариб сенга бераман“ деган кишидан келади.

— Қайси Ин'омжон?

— Қайси Ин'омжон бўлар эди, тоғангизнинг ўғли!

Кампир дарчадан рўпара бўлди.

— Шундоқ деган бўлсан, ажаб қилибман, хўп қилибман, — деди икки қўлини сонига уриб,— уйни уй қилган эрнинг топишию, хотиннинг кўрпа иши! Топишику йўқ, бор ерни йўқотадиган эрга тушиб қолган қизим йўқ!

Зуннунхўжа Сидиқжоннинг тарафини олган бўлиб, кампирга қараб ковуш отди; Сидиқжонга нимадир демоқчи бўлиб оғиз очган қизини бир тарсаки урди; сўнгра Сидиқжондан ўпкалаб, майин товуш блан гап бошлади:

— Сидиқжон, дейман, одам деганга андиша, юз-хотир деган нарса ҳамма вақт керакдир? Мен сизга уй бердим, жой бердим, вақтида туз бердим, пешонангизни силадим... Энди келиб-келиб, мени, онангизни қўшмачи десангиз, дуруст бўлмас. . Онангиз ўша гапни айтибтими, айтмабтими — уни қўяберинг. Айтган бўлса — хотин кишининг, миёси айниган кампирнинг гапи, айтмаган бўлса — бирон душманингизнинг иғвоси. Кампирнинг аҳмақлиги ё бўлмаса душманингизнинг иғвоси учун мени шундоқ дейишга қандоқ тилингиз борди? Хайр, майли, одам жаҳл устида ҳар нарса дейди, мен бунга хафа бўлмайман. Тилини тишлаб олган одам тишини суғуриб ташламайди. Мен бир нарсага ҳайронман: колхозга киришингизга мен рози, хотиннинг блан онангиз ҳам рози бўлганда олам гулистон эди. Энди, хотиннинг блан онангиз рози эмас экан, шуларни хафа қилиш, орага совуқчилик туширадиган гапларга сабаб бўлган ишни қилишдан нима фойда?

— Аввали шуки, дада, бошингни силаганман, деб миннат қилишингизга сра-сра ўрин қолган эмас. Одамга андиша керак, лекин ундан ҳам илгарироқ инсоф керак.

— Хуш, хуш?

— Нима қиласиз, тап кавлаб!. Ундан кейин, бу гаплар орага совуқчилик солса, соларку, лекин менинг колхозга кириш ниятим совуқчиликни солиб қўйган.

— Шундоқ бўлса, нима қиласиз кириб? Кирманг!

Сидиқжон нимадир демоқчи бўлиб икки-уч оғиз ростлагандан кейин тўшиллади:

- Одам дун'ёга чўчқадай семиришу, битдай болалаш учун келмайди. Зуннунхужа унга ялт этиб қаради.
- У нима деганингиз?
- Одамман деганим! — деди Сидиқжон Зуннунхўжанинг кўзига қараб.
- Сизни ким, одам эмас, деди?
- Қишлоқда эси бор одамнинг ҳаммаси айтади.
- Биз одам деб юрар эдик, эсимиз йўқ эканда?
- Сизда бор эс ҳечкимда йўқ. Эшакни яйдоқ миниб бўлмайди-йиқилади киши. Сизнинг, одамсан, деганингиз, менга тўқим урганингиз. Зуннунхўжа ёлғондан қаттиқ кулди.
- Бундан чиқдики, биз золим бою, сиз батрак экансизда?
- Батракнинг ери бўлмайди. Сиз, ер Сидиқжонники, дингизку.
- Бўлмаса, кимники?
- Меники. Одамсан, деганингиз шу-да.
- Ер сизники, деганимиз сизга тўқим урганимиз бўладими ҳали?
- Йўқ, тўқим уриб қўйиб, тўқим сеники, деганингиз бўлади. Зуннунхўжа не машаққатлар блан илжайди.
- Лотинчадан анча соводингизни чиқариб қўйишиптими?
- Ким?
- Билмасам. Домлангиз. Домлаларингиз.
- Менинг домлам йўқ, домлам икки кўзим.
- Зуннунхўжа нима дейишини билмай бошқа йўлга ўтди.
- Қўйинг, Сидиқжон, бу гапларни қўйинг, ярашмайди... Бунақа хафачилик блан бўладиган ишга мён ҳам рози бўлмайман.
- Сидиқжон бу ниятидан қайтмаслигини қандай қилиб икки оғиз гап блан айтишини ва шу блан гапнинг чўзилишига барҳам бериши билмай ўйланиб қолди.
- Зуннунхўжа унинг жим қолишига ўзича бадо бериб, „рози эмасман, деган гапни илгарироқ айтсам, нима экан“ деб ўлади ва рози бўлмаслигининг оқибатини кўрсатиб писанда қилиш, шу блан Сидиқжоннинг тилини узул-кесил боғлаш учун,
- Болангиз бор! — деди.
- Яна нимам бор? — деди Сидиқжон худди унинг жавобини қулоғи блан эмас, кўзи блан эшитадигандай кўзларини катта очиб.
- Сидиқжоннинг бу важоҳати Зуннунхўжанинг ўйини пучга чиқарди. У ҳозир курашда рақибини ёнбошга олиб отган, лекин рақиби тикка тушиб, ўзини ёнбошга олган кишининг аҳволига тушиб қолди. У ўзини тездан ўнглаши ва шу ондаёқ ташаббусни яна қўлига олиши керак эди. Шунинг учун Сидиқжондан баланд келишга тиришиб жаҳл блан,
- Яна нима керак? — деди.
- Яна нимам бор?
- Кирмайсиз колхозга!
- Кираман!
- Кирмайсан!
- Кираман!

— Аұмақ!

— Аұмақ бұлмаганимда шу ақволга тушармилим!

— Фалчан иззат қылсанг, чориғи блан түрга чиқади.

— Фалча бўлмасам, тўпимдан айрилармидим. Айрилганни бўриер, дейди

— Мен бўри бўлдимми?! Ит!!

— Қуллуқ!. Биз ит бўлсак, бўйнимиздаги тилла занжирингиз ўзингизга: янгичасига айтганда мен қизингизни хоҳламайман, эскичаси керак бўлса — уч толоқ қўйдим!

Сидиқжон этагини қоқиб ўрнидан турдию, жадаллаганича кўча эшигига қараб кетди.

Зуннунхўжа ҳам, можарони дарчадан кузатиб турган кампир ҳам бу гапларнинг оқибати шундай бўлишини сра кутмаган эди. Зуннунхўжа шундай гандидики, нима бўлганини тушуналмай қолгандай, қизига қаради. Кампир беихтиёр „Шарофат“ деб юборди. Шарофат отасининг қарашибдан ҳам, онасининг „Шарофат“ дейишидан ҳам фақат бир ма’но англади: иккави ҳам „қайтар“ демакчи эди.

— Тўхта, — деди Шарофат ўрнидан туриб, — кетадиган бўлсанг, болангни олиб кет!

Сидиқжон тўхтади. Хотинининг товушини эшитганида „болангни олибкел“ дегани эмас, унинг сенсирагани қулогига кирди. Уни шу лахзагача ҳам уйга боғлаб турган бир нима бор экан шекилли, хотини сенсирагандан кейин ҳеч нарса қолмади.

— Нима дединг? Болани олиб кетайми?

Сидиқжон унинг жаробини кутмасдан тўғри келдию, болани беланчакдан олди ва бағрига босганича, кўчага чиқди-кетди.

Шарофат гаранг ҳолда аввал отасига, сўнгра онасига қаради; булардан бирон садо чиқмагач, оёқяланг ва бошяланг Сидиқжоннинг кетидан чопди. Сидиқжон болани ҳамон бағрига босганича, кўчанинг ўртасидан жадаллаб борар эди.

— Тўхтанг! Тўхтанг, дейман!

Сидиқжон тўхтади, орқасига қаради.

— Нима дейсан?

— Беринг болани буёққа! Беринг буёққа!

Шарофат юрганича келиб, болани Сидиқжоннинг қўлидан тортиб олди. Бола ингради. Шарофат болани кўтарганича дарвозадан кириб кетгач. Сидиқжоннинг юраги „жиз“ этди, кўзиға ёш келди. Тез-тез киприк қоқиб, кўз ёшини ютди-да, секин бурилиб, анча ергача бошини қуий солгани ҳолда битта-битта қадам ташлаб борди, кейин жадаллади.

**МИРТЕМИР**

## **АМУ ҚИРФОҚЛАРИ...**

Оқ ёлли асов туллор,  
Бебош ва тентак оқин,  
Құмлоқ саҳро әркаси,  
Ва дар'елар серкаси,  
Бешик-бешик түлкүнлар  
Тұлғаниб ён сойларда,  
Жийдалик тұқайларда,  
Қақроқ саҳро лабига,  
Хам бөглар асабига  
Дармон әлтар, жон әлтар.  
Биёбон томирида  
Күпиртучи қон әлтар.  
Эзгу дар'е, шұх дар'е,  
Тошқинларинг шиддаткор.  
Жақон жақон қудрат бор,  
Худди саҳро арслони,  
Ва құмлар паҳлавони,  
Ариллайсан тұнларда.  
Қирғоқ риңг қалтирап,  
Олислар бұлур ларzon,  
Нили мубораксумон  
Лойқаланиб тошасан,  
Тепалардан ошасан,  
Кишло қларни күмасан...  
Шундай завқта чұмасан...  
Мангуберди от сурмиш  
Табаррук, эй, қирғоқлар,  
Темур Малик изларин  
Сақламиш күк яйлоқлар,  
Гулларнинг әтрлари  
Елларнинг қанотида,  
Огахий сатрлари  
Учар хаёл отида...  
Эй бош әгмас, чүнг дар'е,  
Фурурингни синдириб,  
Босқинингни тиндириб,  
Хам сенинг қоқ белингга  
Барыл и сад миндириб,  
Ва бошлиб арий бир дов,  
Сулғумиз сенга жилов!

А. Нель,  
Хоразм.

СОБИР АБДУЛЛА

## КОЛХОЗЧИ ДҮСТЛАРИМ

Софиниб эрдим, бэхор бүлди баҳона дүстлар,  
Ошиқиб, сизлар томон бүлдим равона, дүстлар.  
Үлтириб бирга, бу йилги иш ҳам ижод ҳақида  
Сүзлашиб, сұхбатлашайлик қона-қона, дүстлар.  
Гоҳи күклам, гоҳи ёзу, гоҳи куздан сұз очиб,  
Гоҳ жиддий, гоҳ ҳазил, гоҳ ошиқона, дүстлар.  
Бўлса ким ялқов, ани танқид қилиб сұхбат аро,  
Гоҳи бошлаб мадҳия бир қаҳрамона, дүстлар.  
Чин муҳаббат бирла ишлаб бирга биз кундузлари,  
Кечалар қилсак ўйин, кулки, тарона, дүстлар.  
Барчамиз хам бахтиёрмиз, энг улуғ даврондамиз,  
Туғди, ўстирди бизи шу ҳур замона, дүстлар.  
Топкани гул келтирур, гул топмаган бир бош пиёз,  
Топкани Собирни, дүстликдан нишона, дүстлар.

## ПАРВО ҚИЛИБ КЕТ

Келиб, гулзорима парво қилиб кет,  
Чаманни ҳуснингга тайдо қилиб кет.  
Очиб лаб, ғунчалар багрини доғлаб,  
Бу гулшан қушларин гүё қилиб кет.  
Беріб күп ва'дани, ноз этма келмай,  
Келиб, бир майли исте'но қилиб кет.  
Рақиблар та'наси оғзим очирмас,  
Келиб таңдо, тилим бурро қилиб кет.  
Шукун келганлигинг боққа нишонлаб,  
Вафо гулзорини туғро қилиб кет.  
Кезиб боғимда, қыл сайру томошо.  
Дилингда бўлса меҳр афшо қилиб кет.  
Бу кўнгил торини чертарда, э соз,  
Шинам сұхбат қуриб, ялло қилиб кет.  
Сочиб мушкингни Собир гулшанига,  
Келиб гулзорима парво қилиб кет.

Ж. ШАРИФИЙ

## Н У Р О Т А

Күз очиб кўргани ёлғиз бир ўғил,  
Бойлиги, давлати, куч- қуввати ул.  
Ота дарахт бўлса, у ширин мева,  
Отанинг бўнида сайравчи булбул.

Кетаркан урушга деди: „Отажон,  
Хайр энди, соғ бўлинг, иўрганга қадар,  
Нокнинг гулидай оқ, нуроний соқол,  
Хайр энди, хайр, қадирдан падар.

Мана сизга қолди шу дала, шу ер,  
Шу ширин оила, оғир, зўр меҳнат,  
Звеном сизники, умидим сизда,  
Азиз белингизга қўшилсин қувват“.

Етмишдан ошкан чол, тиши қолмагак,  
Умр бўйи меҳнат, меҳнат кўрган чол,  
Беллари букчайган, лекин бор дармон  
Аста қулиб деди: „Мен ҳали ниҳол“.

— „Ўғлим хотиржам бўл, танам кекса тол,  
Сўзларинг куч берди, кўтарди қаддин.  
Билинар кулфатда одам сараси,  
Отанг ҳам билади эл-юртнинг қадрин“.

Кунлар ўтди, кунлар... Ота далада,  
Эртадан кечгача уради кетман.  
Ахтариб хазина ернинг бағридан  
Чол терни артиб дер: „Ҳали йигитман“.

Бошида парвона колхоз эрлари,  
— „Салом, Нурота“ деб келади раис.  
Мухбир ҳам тинч қўймас саволлар бериб,  
Чол ҳалққа ширин сўз, ранжитмас ҳаргиз.

Қаҳрамон ўғлидан келади хатлар,  
Меҳр-муҳаббатла тўлганди улар.  
Чол бениҳоя шод ботир ўғлидан,  
Ёв яксон булгай, деб дуолар қилар.

Еруғ зал... Қурултой. Одам лиқ тұла,  
Нурларга чүмилган шу улуғ бино.  
Пахтазор даладан ботирлар келган,  
Күзларда нур үйнар, құзлар мусаффо.

Нурота ўтирад түрдә, ҳай'атда,  
Күмуш соқоллари нур сочар залга.  
Чол чиқди минбарга, ўзи ҳайратда,  
Туюларды дун'е боққандай чолга.

— „Меним якка-әлғиз ўғлим, норим бор.  
Жангда жавлон қиласар арслоним бор,  
Ватаним, ўғлим деб билак шимардим,  
Етмишдан ошғанман, иссиқ қоним бор, —

Юз центнер бермасам, мен чол әмасман,  
Сиз менинг номимни Нурота деманг.  
Күп ҳосил олғандан кетда қолмасман,  
Ота сүзи битта — сра ғам еманг“.

Күмкүк бахмал ёпған яшил далада,  
Қуёш қовжиратар, дала тандурдай,  
Нурота звеноси ўтда тобланур,  
Пишиб, маҳкам бұлур пұлат-темурдай.

Оғир кулфат туғди чолнинг бошига,  
Қора хати келди, ёғилди бало.  
Отага күринди дун'е қорснғу,  
Құллари қалтирад, деяр: „Ә олло“.

Нуроний күзидан томди қонли ёш,  
Қордай соқоллари силкинар вазмин.  
Қошлар чимирилар, танда ёнар ўт,  
Үзича дуолар үқир: „Ә омин, —

Илоә душманнинг уруғи битсин,  
Бошига ёғилсін төглардай бало.  
Жаҳаннам ўтида ўртаниб куйсін  
Хама балоларни күраман раво“.

Чолнинг юрагини тирнарди ғамлар,  
Гоҳ йиғлаб, гоҳ оғир нағас олар чол,  
Күзига ҳечнарса күрінмас асло,  
Деярди: „Эй худо шу жонимни ол!“

Ишга бормас құли, титради ҳамон,  
Ахир қандай чидар, йүқ ёлғиз ўғли,  
Ахир сүнді юлдуз, күз қорочиғи,  
Ахир узилдику чолнинг ўнг құли.

Куз олдидан кетмас азамат йигит,  
Хамон қулогида ширин сүзлари:  
„Умид сизда ота, звеном сизники“,  
Кулиб боқкон нурли, йигит күзлари.

Ишга бормас құли титтарди ҳамон,  
Лекин юрагида янги ўт, ёнар,  
Ҳавога учсинми ўғил айтгани,  
Бу зүр жиноятдир, ҳаркимга ҳам ор.

Чол ўйланиб қолди, тушди эсига  
Курутой залидан айтган сүзлари:  
— „Ота сүзи битта, қасам ҳам битта“.  
Далага қаради чолнинг күзлари.

Урди ер күксига зарб блан кетман,  
Гүёки фарзанди ёнида туар.  
Йигитман деган чол гул берар ҳаёт  
Нурота шу чоллар олдида юрар.

---

## МИРМУХСИН

### С Т А Л И Н

Сен улуг отасан. Сенинг меҳрингдан  
Жаҳон-жаҳон одам олади ўрнак.  
Сен яратган чаман—бу мамлакатни—  
Узоқ қит'аларда истар бир кўрмак.  
Шонингдан, номингдан фаҳрланарақ,  
Келажак яшнайди, юксалар насл.  
Нақадар улуғсан ва лекин содда,  
Сен бизга ўртоқ, ҳам отасан асл.  
Сен бизга ўртоқсан, дўст-жонажонсан,  
Сени, ўртоқ, дейди чоллар ва ёшлар...  
Расминга толпинар чақалоқ-гўдак,  
Дилдаги шодлигин баён этгудак...  
Боғбонсан, ниҳоллар парваришингда.  
Чамандан даф' этдинг бало-қазони.  
Халқ бахтин ўйлайсан ҳарбир ишингда,  
Қўтардинг эллардан мотам-азони.  
Сен буюк сардорсан — Генералиссимус.  
Сенинг ҳарбир сўзинг биз учун асос.  
Фронтларда сенинг ҳарбу-зарбингдан,  
Ёв қолди тўфонда бўлиб хору-хас.  
Орқангдан эргашдик қирғин жангларда,  
Зафарга бошладинг. Бўлдик қаҳрамон.  
Чунки, сенинг амринг, сўнмас кўз нуринг—  
Меҳру-ўгитингдан эдик баҳраманд.  
Совет гражданиман, мазмунан чуқур:  
Ҳуқуқим, обрўйим, эрк ва шоним бор,  
Шу кўркам мамлакат — Ватан менини,  
Яна бундан ўзга не армоним бор,  
Бахтиёрман, ҳурман, мағурман, шодман...  
Сенга замондошман, ҳамда ҳамнафас.  
Чунки қуручиман, куйчиман, мардман...  
Булбулман бефифон, бедард, бекафас!  
Энг кенжа ўғилман компартияга,  
Партбилет номерим: ўнимиллионинчи...  
Шунча узоқ масофа наzdимда бироз,  
Орқамга қарайман, талаи... насл бор,  
(Уларда партбилет рақамин сафи—

Хозирги сафлардан бўлади дароз...)  
Орқангдан эргашдик, биз—азамат халқ,  
Олиб чиқдинг баҳтга, топдик шараф-шон.  
Мардона - мардона ташлаймиз қадам,  
Тेरсга оқмагандай бизнинг Зарафшон.  
Сенсан халқимизнинг суюнган тоғи,  
Муборак бу юртнинг пушти паноҳи,  
Сенсан армиянинг сардори, боши,  
Ватавнинг мангулик сўнмас қуёши.

---

### УЧУЧИ ҚИЗГА

Ҳув... этиб паридек учдинг фалакка,  
Билмабман, ишқимни олиб кетибсан.  
Шоҳидан орқангга қанот этибсан,  
Зангори кўзларинг банд этди мени.

Лекин, мен бир йўла айтиб қўяй, қиз,  
Кўп баланд учганда боққил кўзингга,  
Севгилим, эҳтиёт бўлгин ўзингга,  
Қиласин сенга рашк ҳу Зуҳра — юлдуз.

---

## МИРТЕМИР

# ШҮРАЛИ СОЙНИНГ ЯХШИГУЛИ...

О ч е р к

Салқын·шабада гулзорларда чарх уриб, гулларнинг ҳидини ўғирлаб қочмоқда, ясси тепалар орасида юпқа ва енгил чайшабдай ястанган сур туманин тарқатмоқда ва димоғларга атр бўйини урмоқда. Қушларнинг чирқиллаши, эрталабки қийқириқлар ва қайдадир трактор гуруллаши — бутун дала устида баҳор мақомидай ажиб жаранг бермоқда.

Экинзорлар — оширилган хамир сингари кўпид, сўлқиллабётиди. Кўз илғамас пахта майдонлари орасида мева боғлари тугал гуллаган: оқ, қизил, пушти гуллар... дала — узоқдан қарангандা, бутун сепини ёйиб, ўзи тугал ясанган бежирим баҳор келинчагидай кўркам...

Бу — Шўрали сой.

Ўз номига яраша, янтоқзор тепалардан ва сувсиз қақраб ётган алрлардан бири бўлган эди илгари бу жой. Ҳозир Шўрали сойни таниб бўладими? Йўқ. Негаки, Шўрали сойни гўзал ва янги колхоз қишлиғига айлантириш учун анча-мунча меҳнат сарф қилинган эмас. Энди уни Шўрали сой деб аташ ҳам уят. Мана — даланинг бир чети. Бу ер — Яхшигул Отабоеванинг звениоси ишлаётган пахтазор. Яхшигул ўтган йил ҳар гектардан 56 центнердан пахта олди ва бир ўзи 16 минг килограмм пахта териб, республикага машҳур бўлди. Бу йил эса у, 70 центнердан ҳосил олиш ниятида. Яхши ният — ёрти давлат, деган мақол бор. Яхшигул ниятига етади. Нега десангиз, у тўрт йиллик оғир меҳнат тажрибасига эга жафокашлардан бири.

Салқин баҳор эртасида, тўрғайлардан олдин туриб, ўз звеносини бошлаб далага чиққан ва этагига бар уриб, терлаб-пишиб кетман чопаётган бу жувон азмига ишонмаслик мумкини ахир! У, мамлакат бошига оғир кун тушганда ва севгани фронтга жўнаган кунда қўлига кетман-олди. Икки йил олдий кетманчи ва ўзғур теримчи бўлиб, ҳам эри учун, ҳам ўзи учун пешона терини тўқди. Яхшигул тушундики, уйда ўтирадиган вақт эмас, мамлакатга пахта керак, фронтга пахта керак. Шунинг учун у, ўз нормасини тўртдан оширса — оширдики, лекин, кам қилгани йўқ! 42-йилда у звениёвойликка ўтди. Униаг звениоси 10 гектар пахта майдонидан йил сайин ошириб, ҳосил олишни касб қилиб олди. Яхшигул кекса тажрибакор пахта усталаридан ўрганишни айб са-

нагани йўқ. Шунинг учун эрта кузакдан бошлаб, ўз экинзорини ғўзапоялардан пок қиласди, шудгор қиласди, ях қиласди. Қиши бўйи эски деворларни ташиб, гўнг ташиб, ерига озиқ беради. Эрта баҳорда ерини текислаб, яна бир марта трактор блан ҳайдаб чиқади. Об-ҳавонинг ҳарнечук босқинларига қарамай, ҳар йил 20 апрельга қадар чигитни тамом экади. Ундан кейин, ғўзанинг парвариши учун зарур бўлган меҳнат ўз маврути блан бошланиб кетади: ер қатқалоқ бўлиб қолмаслиги учун кул сепиш, ғўза унган замоноқ яганалаш, биринчи чопиқ, вақтида сугориш, культивация... ҳаммаси-ҳаммаси ўз вақтида ўтади. Яхшигулнинг пахтазори шахмат усулида. Негаки, бу усулда экса, ғўзани парвариш қилишда машинани тўла қўллаш мумкин.

Бу йил республикамиз ватанга 1.160 000 тонна пахта беришга ва'да қилганини Яхшигул опа қурултойга боргандада уқиб келган ва ўзи ҳам жони-дили блан бу ва'дага қўшилиб, имзо чеккан. Шунинг учун бу йилги ҳаракат, илгаригига қараганда, тағин кучлироқ, тағин сур'атлироқ ва мазмунлироқ.

Яхшигул ўз ишига жуда ҳам боғланиб қолган, ўз ишини жуда ҳам севиб қолган опалардан бири. Негаки, у колхоз блан бирга ўси, бирга вояга етмоқда. У биладики, мана шу ерлар одам қўлида, меҳнат блан гулламоқда. Яқин ўтмишда шўра ва янтоқ бўсиб ётган бу ясси тепалар, хозир колхоз қишлоғи бўлди. Тепа устида қатор солинган оқ уйлар, боғлар, янги хиёбон кўчалар, гулзорлар, ҳовузлар пайдо бўлди. Мэна бу қақроқ тепалар сийнасидан сув оқизиц учун не-не меҳнат қилинмади дейсиз! Ахир З километр жойнинг тупроғини 4 метрдан кўтаришга ҳам 120 метр жойдан баланд тарнов қуришга туғри келган. Яхшигул ўз ҳиссасини қўшаётган бу донгдор колхоз ҳар йил, янги қўруқ очмоқда, хозир экинзори 1320 гектарга етиб қолди. Шунинг 520 гектари пахтазор, қолганлари эса, шоликорлик, йўнгичқазорлик, сабзавот, боғ ва узумзор... Яхшигул опа ўз колхози блан фахрланса ҳаққи бор. Ахир у Шўрали сойнинг бир ёнбағрида туғилганку, ахир у Шўрали сойнинг кечмишини яхши биладику, ахир Шўрали сойни гуллатишда унинг ҳам пешона тери оз тўкилган эмаску! Бу ернинг обод бўлишига ишонмасдан улоқиб кетганлар ҳам бўлган. Яхшигул опа қийинчиликдан қочгани йўқ, туғилган адридан айрилгани йўқ. Ёшлиги шу ерда ўтсаю, биринчи муҳаббат шу ерда бошланган бўсаю, у қандай кетаолсин! Ҳалол меҳнат натижасида унинг ҳозир уч хоналик оқ уйи, боғи, мулки бор, моли-давлати бор, шони-шавкати бор, эрим қайтиб келади, деган умиди бор, яна, тўй қиласман, деган армони бор... Яхшигул опа ўз колхози блан фахрланса арзигулик. Ахир, Лазарь Мойсеевич Каганович номини ташийдиган бу колхоз республикамизга ма'lум ва машҳур. Оғир уруш йилларида бу колхоз ўз ҳисобидан фронт учун бир самолёт ва бир танк қуриб берди. Тағин тулпор отлар, аравалар, машиналар, пўстунлар, пахталик камзуллар, дон, мева ва пул берди. Чунки, ҳалол меҳнат натижасида колхоз, — мидионер колхоз бўлиб қолди. Унинг данггиллама саройлари, қишлиқ ёслиқ клублари, нонвойхонаси, устахоналари,

тегирмөнлари, ҳаммоли, қизил чойхоналари ва еттийиллик мактаби бутун Янги Йўлга машҳур. 1945—йилнинг ўзида 4 кишилик бир оила даромад тақсимида 98 минг сўм пул, 4 тонна ғалла, 34 килограмм чой, 140 килограмм ёғ, 350 метр газлама ва бошқа буюмлар олди. Яхшигулнинг ўзи эса, бошқа талай мукофотлар ва буюмлардан ташқари, бир тоннадан ошироқ ғалла олди. Колхоз бадавлат, шунинг учун колхозчи ҳам бадавлат. Унинг уйига кирсангиз, кўз қамашади. Пўлат кровать, радио, патефон, гилам, атлас кўрпалар, қўша қўша кийимлар ва эрига аталган шойи тўн, белбоғ, дўппи, каством... Яхшигул биладики, шу катта ўзгаришда. ўсишда унинг ҳам ҳиссаси бор, пешона тери бор. Шунинг учун йўғи бор бўлди, бири икки бўлди. Ҳолбуки, яқин ўтмишда уй қизи эди ва чайлада яшар эди.

У, эридан яқинда хат олди. Эри келади! Қадим одат бўйича Яхшигул опа даладаги қўйларидан иккитасини ҳовлига бойлаб қўйибди. Уйига эса, гурунч ҳам мева-чевалар ғамлаб қўйибди. У чинакам тўй қилмоқчи. Чунки, тўйидан бир ой ўтмасданоқ, эри кетган. У ҳаётни янгидан бошламоқчи. Шунинг учун ҳам бу баҳор Яхшигул яна қунт блан, файрат ва севинч блан ишламоқда. Чунки шу 4 йил давомида ўз севганини афсонавий Ойбарчиндай чидам ва сабот блан кутаолди. У эрининг юзини ерга қаратгани йўқ. Шу 4 йил ичиди, кишининг юзига қаратани уяладиган жувон туппа-тузук ва дангдор пахта устаси бўлди. Кузда бўладиган 4—колхозчилар курултойига Яхшигул янги ютуқлар блан, яқинда келадиган эри блан бормоқчи. Яхшигул опа муродига етади, албатта!

Апрель. Янги Йўл,  
Каганович колхози.



## ШУКРУЛЛА

### ДЕНГИЗДА БИР ТУН

Чўмилмоқчи бўлиб денгиз четида  
Турган парилардек гўёки қуёш,  
Бошга чамбар қилиб олтин нур—сочин,  
Денгизга шўнғиди ёзиб кенг қулоч.  
Шўнғиди оламнинг танҳо париси,  
Майда тўлқинларга кўмилди денгиз.  
Шафақдан уфуқнинг кўзи қизаргач,  
Юпатиб тоғ оша балқиди ой—қиз.  
Пароход силжиди аста ўрнидан,  
Хайрлашган каби ҳилпирав байроқ.  
Меҳр кўзи блан дўстлар қарашиб,  
Қирғоқда қолдилар. Мен кетдим йироқ.  
Саҳоват сандугин кўк очди, денгиз  
Эриган қалайдек, нурга чўмилди.  
Ой нури, пароход сузади беиз—  
Қаймоқ кесаётган пичоқдай эди.  
Узоқларда қолди дўст, Толдиқ—шаҳар  
Кўзга кўринади фақат осмон, сув.  
Ярим кечा бўлди, ой оғди—саҳар,  
Толиқкан кўзларга келмайди уйқу.  
Дўстлар қолдилару, аммо сафарга  
Ёлғиз чиқсанлигим асло сезилмас.  
Севинчларга юрак гарқ бўлиб бутун  
Айрилиқ ўтида куймас, эзилмас.  
Янги дўстлар блан ширин сухбатлар  
Денгиз тўлқинидек олар эди авж.  
Завқларингга яна завқлар қўшади,  
Юлдуз гуж-гуж бўлиб кўкда уриб мавж.  
Кўкдаги юлдузлар сочилган тангага,  
Бир-бир терилгандек камайди, битди,  
Денгиз қирғогида ёнган аланга  
Каби қуёш чиқиб, алвон нур ёйди.  
Шунда пароходим мўлжал қилинган  
Манзилимиэга ҳам келиб етибди.  
Ўйин-кулки блан денгизда бир тун  
Сезмабман хаёлдек ўтиб кетибди.

\* \* \*

Тотув дүстлар ба'зан бўлганида жам',  
Чинни қадаҳларга қўйилади май.  
Улфатлар узатар шароб тўла жом,  
Аммо маст бўламан бир қултум ичмай.  
Таажжуб қилмангиэ, дўстлар, бу ҳолга,  
Чиндан кайфим баланд! Менга қўйманг, бас!  
Кайфим сабабини айтсам: бунгача —  
Мени ҳаёт завқи қилган эди маст.

\* \* \*

Шарросда юз ювиб, мудроқ дараҳтлар  
Гул-чиroy кўрсатиб, яшнади баҳор...  
Азамат тоғларни ошиб, айқириб,  
Пишқириб, оқади малла тўн анҳор.

Умримни баҳорга қиёс этгулик,  
Анҳордек қудратлик шижоатим бор.  
Аммо фикрим, лойқа хаёлотлардан,  
Ифлос тўлқинлардан халос, беғубор.



**ШАРОФ РАШИД**

## **КЕЛИНЧАК**

Икки кун ёр блан күрганингда кун,  
Жудолик кулфати тушли бошингга.  
Жанг томон йўл олди севимли куёв,  
Хижрон тақдирини қўшди ёшингга.

Жон ширин, жондан-да минг бор ёр ширин,  
Жонинини, эй гузал, жангга узотдинг.  
Бўйнига қўл ташлаб, кўзда ёш блан  
Дидорга тўялмай ёрни кузатдинг.

Ўлканинг ҳақи, деб, мардона куёв,  
Жамолинг шавқига тўялмай кетди.  
Васлинг чаманида ягона боғбон,  
Очилиган гулини кўролмай кетди.

Ёр кетди, севгиси улғайиб кетди,  
Қалбидан қарни сақлаб жанг томон.  
Ғалаба шиори севгига гарав,  
Севидир кўксизда ўқ ўтмас қалқон.

Се гида қўшилган Ватан тақлири,  
Севига қасд қилганда одамхўр жаллод,  
— Севгини ҳимоя айламоқ савоб,  
Дедингу ёр блан қилдинг қасам'ёд.

Қасам'ёд айладинг, қўлингла кетман,  
Меҳнат жангига сен бўлдинг бир лочин.  
Қора ер қаҳри глан келди ларзага  
Пахтазор сен учун очди қулочин.

Етмишта немисни ўлдирганда ёр,  
Пахтадан яратдинг каттакон хирмон.  
Шрафга копладинг исмингни жангда —  
Орденга мусассар бўлдинг қаҳрамон.

Қалбинг төг әкан, минг бор оғарин,  
Бардошинг құдрати келтирди ёрни.  
Үч баҳор интизәһ бүлган юраклар,  
Минг марта рози қилди диәрни.

Фалаба құлини узатди сенга,  
Бахтинг бор, эй санам, гүзәл келинчак:  
Чаманлар күксини очди сен учун,  
Чаманда яйрагин, яшиаган чечак.

Мунаввар күзингда иқбол юлдузи,  
Оймомо юзингда бир олам севинч.  
Интизор қалбингда висол кулгиси,  
Хәётнинг завқидан, жонон, түйиб ич.

Ёр келди: янги түй, янги тантана,  
Ёр яна янгидан туғилған күёв.  
Сен яна янгидан янги келинчак,  
Абадий ўлимга кетганида ёв.



ХАМИД ФУЛОМ

ЁШЛИК

Сен ноёб гавҳарим, асл ҳазинам,  
Бахтим, ҳаловатим, зийнатим, дурим.  
Сен борсан, бўлмайман мубталойи зам,  
Эй заб йигитлигим, савлат, фурурим!

Сенинг давлатингда, эй олтин ёшлиқ,  
Ватан деб, ёвларни беомон урдим.  
Сенинг давлатингда у қалам қошлиқ  
Пок рафиқам блан боғларда юрдим.

Мени комсомол деб улуғлади юрт,  
Шарафим абадий, кўнглим мангубоқ.  
Душманга бош эгиб қилмадим сукут,  
Асло адашмадим, ҳақ ўйлим порлоқ.

Сен ташлаб кетмагил чақмоқдай йироқ,  
Юрагимда яша, жонимда яша.  
Асло орамизга тушибасин фироқ,  
Билагимда яша, қонимда яша.

Йўқолган узукдай қайдан излайман,  
Қайси қўналғадан топаман сени?  
Қайси тоғ ва қайси сойдан излайман  
Ҳам қайси жилғадан топаман сени?

Сен блан ҳаётим бўлсин ан'ана,  
Жабҳаларда яна жавлон урайлик.  
Ҳар баҳор ясаниб, қилиб тантана,  
Боғлардан боғларга ўтиб юрайлик.

Улуғ замонамиз бўлсин баркамол,  
Балоғат илмини этайлик ижод.  
Эй ёшлиқ, сен менга мадад ва қурол;  
Бизга мураббийдир энг улуғ устод!

**М. БОБОЕВ**

## **С Е В Г И**

Сенинг кучинг блан дар'ёдай тошдим,  
Күкка яғрин тиккан тоғлардан ошдим.  
Ла'нати ёв блан шердай савашдим,  
Жангда зафар экан бир отинг сенинг.

Үйқисиз түнларда күзга нур бердинг,  
Шавқинг блан дилга бир ҳузур бердинг,  
Мардлар майдонида бир ғуур бердинг,  
Эрга мадад экан қанотинг сенинг.

Дилимда сен бўлгач, ёвга от сурдим,  
Берлин ўғриларин аямай қирдим,  
Бу жангда — ўлимни енгдим. Ўлдиридим,  
Бир тенгсиз куч экан саботинг сенинг.

Учқур лочинларнинг қаногида сен,  
Танкларнинг зирҳли пулотида сен,  
Чавандоз йигитнинг Фиротида сен  
Бунча ранг-барангдир бисогинг сенинг.

Ёвни енгамиэ! — деб минлик биз отга,  
Ошиқ йигит етди улуғ муродга.  
Бу жангима қолди сўнгги влодга,  
Үқисанг, чиқажак саводинг сенинг.

*РАМЗ*

## ҚАНИ МЕНИ КУТГАН ЁР

Тун ярмида келди ёр—  
Дарчамни чертиб. Бедор  
Дарпарданы қиялаб,  
Қарадим такрор-такрор.

Мен уйдаман, ёр боғда,  
Күланкаси тупроғда.  
Ой нури қалтирайди  
Ел ўйнаган япроқда.

Юзларига боқаман,  
Үй наҳрида оқаман,  
Ишқ тұла юрагимни  
Васл ўтида ёқаман.

Ёр мени имлар боққа,  
Сердарахт хилват ёққа.  
Дарчамни қоққан овоз  
Әшитилар қулоққа.

Мен уйдан чиқдим гулгун,  
Шарпа учмас ойдин тун.  
Ел түзғитиб ўйнади  
Сочларимни бус-бутун.

Теварагим дарахтзор,  
Бог ичра меҳмон баҳор.  
Гуллардан сўроқладим:  
— Қани, мени кутган ёр?

Бийсам: кутган ёр эмас,  
Бир гул — дастама-даста.  
Қарадим шоирона  
Вадилга тұлди ҳавас.

*АШИРМАТ*

**Қ Ү Ш И Қ**

Баланд тоғдан оқиб-оқиб сой келади,  
Сой устида ёрга боқиб ой келади.  
Ой нурида ошиқ бўлдим дилдоримга,  
Аста бориб тақлиф қилдим гулзоримга.

Колхозларнинг даласида пахта хирмон,  
Келинчакнинг гулбоғида тўхтар карвон.  
Карвондаги юклар шоҳи, алвон экан,  
Куёвимиз донг чиқарган полвон экан.

Арчаларнинг шохларига қўнди ҳулкар,  
Чашмаларнинг бўйларида ўйнар тулпар,  
Шу тулпарда бориб жангга ёш қаҳрамон,  
Олиб келди этимизга омон-омон.

Тилла узук ярашибди қўлларингга,  
Аскар йигит гул экибди йўлларингга.  
Қатор-қатор ёнар гулхан тўй сеники,  
Эшигига гуллар ўсган уй сеники.

## ХАҚИРИЙ КОЛХОЗ ҚИЗИ

Фаҳр этсанг, арзиди, эй колхоз қизи,  
Эл ичра овозинг кетди Тожихон.  
Сенга тикилгандир барчанинг кўзи,  
Сен берган олтинлар бўлди бир жаҳон.

Ватанг танилдинг хизматинг блан,  
Кўксингда порлайди олтиндан нишон.  
Ғайратинг кўплардан бўлди, зиёда,  
Ордоқлаб бошига кўтарди замон.

Бош бўлиб қолхозда ўртоқларингга,  
Зафарга бошладинг шижоат блан.  
Шунингчун суяди дугоналаринг,  
Сен ҳам ҳурмат қилдинг муҳаббат блан.

Юздан ошиб кетди мўлжалинг сенинг,  
Оғарин, дедилар халқлар номингга.  
Сени табрик қилди улуғ одамзод,  
Тасаддуқ қизгинам, азиз жонингга.

Биз ҳам ҳиссамизни қўшамиз бунга,  
Қолмайди орқада ёшу-кексамиз.  
Бизнинг ҳам сиз каби ҳимматимиз зўр,  
Баҳт шудир зўр давлат — пахта эксамиз.

Ғайратдир, ҳимматдир ва'дага гарав,  
Колхозчи тилида доҳийнинг номи.  
Тожихон, Турсуной, ҳамроҳлар блан.  
Ошириб берилур пахта плани.

Ғанихўрлик қилмоқда доҳиймиз ҳарвақт,  
Бизлар ҳам ишлармиз ёшу-қарилар.  
Пахтани берамиз кутгандан ортиқ,  
Чунки кўп далиллар, имкониятлар.

Кекса Ҳақирийнинг сўзиdir. бу сўз,  
Фурратни бой берманг, йигитлар, қизлар.  
Пахтага бой қилинг Ўзбекистонни.  
Бирлашинг Тожихон ёнига сизлар.

## ЁНГИН МИРЗА ҚАЛДИРФОЧ

Яна учуб келди қалдирғоч,  
Либоси бор қора хонатлас...  
Гулзорларим, оғушингни оч,  
Қушча құнсун! Олсин кенг нафас...

Үйимиэга у кирсин майли,  
Ошиёни бузулмаган, тинч...  
У, қадирдон, шу дуст туфайли  
Үғлим тинмай қилас тиқилинч...

Эй қалдирғоч, баҳордан әлчи,  
Сенға айттар дилда розим бор...  
Меҳмон бўлиб үйимга келсанг,  
Сенға чалиб берар созим бор...

Бошим қолди кўп маломатга,  
Үғлим ҳаркун минг бор сўрайди.  
Мени қўйма кўп хижолатга,  
Рост айтмасам, кўнглим тўлмайди...

Үй шипида турган уянгни  
Қўли блан кўрсатар ҳар кеч...  
Бу саволи эскирмас, янги,  
Үз ҳолимга қўймас, билмай ҳеч...

Бизнинг әлда яшар бир мақол,  
„Бир хонадан ким яларкан туз,  
Салом берсин қирқ кеча-кундуз“  
Шундан, дўстим, ўзинг билиб ол!

Сен үйимга бўлганда меҳмон,  
Үғил кўрдим...қоши — қанотинг!.  
Сенинг каби тансиқ, гиргиттои,  
Уни қизиқтирас ҳаётинг...

Вафодор қуш, сен кеч кузакда  
Кетажаксан юртни этиб тарк...  
Севги кўпурмасдан юракда  
Келажаксан, ўйғонмасдан барг.

Бас кил әнди бу одатингни,  
Боқчамиздан кетмагин ҳечам...  
Узга юртда саодатингни —  
Изламагин, бахт биәда, қушчам!

## **КАМОЛИЙ**

### **И Ш Г А**

Беш йилга план бўлган, мардона бўлиб ишланг,  
Ҳам бир тану, ҳам бир жон, жонона бўлиб ишланг.

Тарбия ўғил-қизга — лозим қарилар сизга,  
Ҳам ота бўлиб бизга, ҳам она бўлиб ишланг.

Роҳатли замон бўлсин, ғайратда план тўлсин,  
Эл-юртим омон бўлсин, ҳамхона бўлиб ишланг.

Ишлашди ҳама бирга, тўлсин бу жаҳон нурга,  
Ёнгандада электрга — парвона бўлиб ишланг.

Сув чиқди биёбонга, айланди гулистонга,  
Чўллар ҳама — бўстонга, жавлона бўлиб ишланг.

Қишлоқу шаҳар янги, мулкимнинг кетар донгги,  
Озода бўлиб ранги, мастона бўлиб ишланг.

Зийнатли иморатлар, халқимга саодатлар,  
Боғ ичра фароғатлар, ҳайронга бўлиб ишланг.

Мулким бўладир жаннат, иш вақти қилинг ҳиммат,  
Чин дилда тутинг ғайрат, фарзона бўлиб ишланг.

Обод этиш элдан, чиқмайди хаёлидан,  
Ҳимматни Камолийдан достона бўлиб ишланг.

## ХАБИБИЙ

### ЁРИНИ КУТГАН ЁР ҚҰШИҒИ

Қошимга уйқыда ҳар кечә дилрабо келади,  
Бошимга соя солиб баҳт учун ҳумо келади.  
Ажаб, қулоғима, ёрим, деган садо келади,  
Кұзимга хокирағи мисли түтиә келади.  
Дилимга соғлигини қайд этиб дуө келади.

Етишмак истаб агар чиқса ёр, ёриға,  
Юракда меҳрин ўти лайливаш нигорига,  
Кутіб күзи күчада интизор зорига,  
Мұхаббат ила юрур, бұлса ўз диёрида  
Сүюнчи мужда олиб, аввало, сабо келади.

Букун қулоч ёзакүр, эй гүзәл шарафли ватан,  
Тотымли меваларин боғбон айласин хирман,  
Ясаб тутарға неча дастан-дастан гул гулшан,  
Безатсан ўзини рангин чечаклар ила чаман,  
Баҳодирона садоқатлик ошно келади.

Ёнимда бўлмоқ учун дам-бадам баҳона қилиб,  
Қаро сочимни силаб, қўлларини шона қилиб,  
Зафар нишонларини кўксидаги нишона қилиб,  
Ҳабибий ше'рин ўқиб, завқ ила тарона қилиб,  
Ширин ҳаётим учун айни муддао келади.

МАШХУР АСҚАР

## ЁДИНГДАМИ

(Армиядан қайтганда)

Ёдингдами, сада татида,  
Биринчи бор учрашганимиз?  
Тұлиб-тошиб юраклар үйнаб,  
Ер остидан қараңганимиз?

Қимтириң әдінг лабиягни аста,  
Синчилөкниң үйнаган бұлиб.  
„Жоним“ десам, уялиб секин,  
Лаббай, дердинг гулға термилиб.

Еш әмасдинг, балқи ёдингда,  
Сутдай ойдин эди у кеча.  
Деган әдінг гулдан олмай күз,  
„Мен сеники токи үлгүнча“.

Сенга гуллар үқиб тасаңын,  
Күтлаганды, шод-дик иккимиз.  
Биласанми, гуллардек яшнаб —  
Кетған эди шуңда ишқимиз.

Күп үтмайин мен жантта кетдим,  
Узатғандың силкиб дастрұмол.  
Деган әдім: „Унитма, ёд эт!  
Ватан учун улиш, бу иқбол“.

Унитишни ор деб билибсан,  
Бошларимга күтарай сени.  
Келажакнинг гул боғларига,  
Вафодорим, оборай сени.

Яна ўша гуллар қўйнига,  
Хашаматли сада тагидан,  
Олиб үтай, гуллар боз қутлаб,  
Поёндоzlар солгай баргидан.

Андалыблар табриқлар бизни:  
Фолиб жангчи, вафодор қизни.

## ЁҚУБЖОН ШУКУРОВ

### ЯЙЛОВДА

(О ч е р к)

70 яшар Оллабуванинг кўпчилик ўртасида бир-икки оғиз танқади Алимардоннинг жон-жонидан ўтиб кетди. Лекин Алимардон буни қизариш блан бир нав'и ўтказиб юбориши мумкин эдику-я, лекин Зулайхо Қобилованинг: „Кечалари мижжа қоқмай қўйларни қўриб, ҳуш'ёр бўлишдан кўра Оққош блан Чўнтарга ишониб, қимизнинг кайфида ўтовда оғнаб ётиш яхши-да“ деган кесатифи Алимардонни терлатиб юборди.

Агар мажлисдагилар айб қилмаса, у шу вақт югуриб чиқиб, иргиб Оқёлдорга миниб, Тошқўрғон тоғларига елдек учмоқчи эди. Лекин у, ҳозирча бу хаёлдан воз кечиб, ўлтиришга мажбур эди.

Оллабува ҳисоб бергандан сўнг колхознинг қўш орденли радиси Мели Раҳмонов сўзлаб, кейинги уч-тўрт йил ичиди колхознинг икки ҳисса ўсгани, чорванинг умумий сони 18 минг 364 тага етгани, бу ишда Оллабува, Йўлдошот ва Нурмуҳаммад акаларнинг самарали меҳнатлари қўшилганини та'кидлаб ўтди.

Раис Йўлдошотанинг ҳар йил пландан ташқари 50-60 қўзи берадётгани ва бирорта қўй ёки қўзини нобуд қилмаганини сўзлаб, деди:

— Энди Алимардонни ёш деб бўлмайди. У ёшликтан эмас, балки ўз вазифасини яхши бажармаганидан бугун ҳаммадан гап эшитмоқда. У ўтган йили болалик қўйларни ўз ҳолига ташлаб қўйгани сабабли, совлиқ қўйлар, эчкилар блан тоқقا чиқиб кетган. Натижада беш қўзи тоғдан йиқилиб ўлган. Икки қўзи блан бир қўйни кечаси бўри олиб кетган. Агар Алимардон ўз ишига мас'улият блан қараб, қўйларни яхши сақласа, ёнида лочиндец икки ити, яроғи бўлатуриб, бўрига қўйни олдириб қўярмиди? Қани бунга Алимардон нима жавоб берар экан?

Сўз Алимардонга берилди. Ўз тенгдошлари ичиди, айниқса Зулайхо олдида ҳеч бундай аччиқ сўз эшитмаган Алимардон ўрнидан турди, нима деярини билмай, тоҳ раисга қараб, тоҳ Зулайхога тикилиб, жим бўлиб қолди. Мажлисдагилар эса, Алимардон нима дер экан, дейишшиб, унга қараб туришар эди. Зада пашша учмайди. Алимардон лоладек қизариб кетган чозидаги терларини рўмолчаси блан артиб, бирнечча минутдан сўз сўз бошлади:

— Түғри, ўртоқлар, камчилигим бор. Мен бу йил бирорта қўй ё қўзини нобуд қўлмасликка сўз бераман. Бу йил 700 совлиқдан 900 қўзи олиш учун Оллабувани социалистик мусобоқага чақираман,— деди-да, Зулайхога тикилди.

Зулайхо илжайиб қўйди.

\*

Тун. Баҳорнинг роҳатбахш шаббодаси кўк майсаларни, гуллаб турган лолаларни силкитиб учурмоқда. Ранг-баранг гулларга кўмилган жилғалардан тараалаётган хушбўй ҳидлар димоққа урилаёттир.

Тоғнинг ёнбағирлигига тикилган оқ ўтов чироғли кўкаламзор адиrlарга яна ҳусн қўшмоқда. Ўтов ёнидан ярим ҳалқа бўлиб оқаётган дар'ё ой нурида кумуш каби товланмоқда.

Кўкда булатлар тўп-тўп бўлишиб, жануб томонга оқаёттир. Ой эса узоқ йўл босиб, ҳаддан ташқари чарчаган ва мазгилига етиш учун тиришаётган кемадек ҳорғинлик блан ғарбга қараб сузмоқда. У гоҳ қопқора булатлар ичига шўнғиб, ер юзини зимиштон этса, гоҳ бирдан булат орасидан чиқиб, ҳамма ёқни кундузга айлантироқда.

Яйлов уйқуда. Ўтов олдидаги ёнбағирликда тўпланиб ётган қўйлар бир-бирларининг ёnlарига бош қўйишиб ухламоқда. Тутулганига бир неча кун бўлган қўзичоқларнинг ба'зилари онасининг биқинига кириб, пишиллаб ухлашда, ба'зилари тамшаниб, тумшуқларини оналарининг қоринларига ишқамоқда.

Аҳ'ён-аҳ'ёнда қўшни адиrlар томондан оч бўриларнинг увлаган овозлари, чап томондаги пистазор тоғлардан кабан (ёввойи чўчка) ларнинг чийиллаган товушлари ва шақалларнинг ёқимсиз увлашлари эшитилмоқда.

Эгасига содиқ итлардан Чўнтар қўйларнинг чап томонида, Оққош эса ўтовга 15-20 метр масофадаги ўнг томонда чегара итидек қулоқларини чимириб, жим ва сергак ётипти.

Тун ярмидан оғди. Ой эса Тошқўргон тоғларининг орқасига аста секин яширинмоқда. Ўтов ичиза уч киши ухламоқда. Алимардон пилпиллаб хира ёнаётган фонус олдига ёнбошлаб китоб ўқимоқда. Агар у ташқаридан бирор шарпа эшитар экан, даррав қўлини ёнидаги қўшоғиз милтиққа чўзиб, узоқларга қулоқ солабошлади.

Орадан бир соат ўтар-ўтмас, ташқаридан гуруллаган овоз эшитилди. Алимардон шошилганидан ўтовдаги дўстларини ўйғотмасданоқ ташқарига югуриб чиққанида ҳаммаёқ тимқоронги эди. Қўйлар чопиб келмоқда. У атрофга бир лаҳза қулоқ солиб олгач, қўйлар югуриб келаётган томонга қараб, қўйлар устидан гумбурлатиб бир ўқ узди-да, чопиб кетди.

Алимардоң қоронгидаги югуриб борар экан, тўсатдан Оққош олишгаётган ун бўрининг бири унга ёпишиди. Алимардон устига жон-жаҳди олиш ташланган бўри уни шошириб қўйди. У бўрини отаолмади, Лекин чаққонлик блан ўзини чап ёнга олди. Бўри

Алимардан этагига оғиз солиб, уни йиқитди. Алимардан эса эпчиллик қилиб оғи блан уни тепди. Шу вақт бир бүрини қаттиқ ярадор қылган Чұнтар Оққош олдига етиб келиб, Оққош орқасындағы әпишган бүрірга үзини отди ва уннинг кекиригидан бүғиб сулайтиргач, Алимардан томонга үқдак учди. Бу вақт Алимардан бүріннинг томогига чант солиб, уни ерга әтқизиб, ниқтамоқда әди. Оққош келасолиб, бүріннинг түмшиғини гажиди. Уч бүрини сулайтирган Оққош блан Чұнтар бирдан кетма-кет тоғ томонға чопиб кетди.

Бу ҳолдан таажубланған Алимардан мильтіғини күттарғанича құйлар томонға юғурди. Құйлар үтөв орқасында паст тексликка түпленіб, гүж бўлиб турар әди.

Итлардан ташвишланған Алимардоң ўтовга чопди. У оғир уйқуда әтган Оллабува блан Нурмуҳаммадни ўйғотди да, баланд ҳайқириқ блан:

— Қашқир, — деб яна ташқарига отилди. У яйдоқ Оқёлдорга арслондек сакраб миниб, итлар кетған томонға елдек учди. У 6-7 юз метр бормасданоқ ўнг томондан Оққош блан Чұнтарнинг вовуллаган товушини эшилди. Алимардан итлар олдига етиб борганида Оққош блан Чұнтар бир совлиқ қўйни ҳайдаб келаётган әди.

Алимардан севинганидан от устидан иргиб тушди да, Оққош блан Чұнтарни бағрига босиб, эркалайбошлади. Итлар думини ликиллатиб, Алимардан юзига түмшүгини суркар әди.

Булар ўтовга етиб келганды Оллабува блан Нурмуҳаммад нима гап ўтганини билмасдан ҳайрон бўлшиб турар әдилар.

\* \* \*

Кеч куз. Алимардан чорвани ҳайдаб, колхозга етиб келганида колхоз идораси олдиде Зулайхо „Қашқадар'е ҳақиқати“ газетасини ушлаб, кулиб турар әди.

Алимардан отдан иргиб тушиб, Зулайхо блан дўстларча сўрашибди. Зулайхо газетани Алимардонга узатар экан, таги қизил қалам блан чизилған жойни кўрсатиб:

— Ўқинг! — деди. У йирик ҳарфлар блан ёзилған қуйидаги жумлаларни ўқиди: „1945 ичи йилда 700 совлиқ қўйдан 873 қўзи олган Фузор райони Фузор қишлоқ советидаги Ленин номли колхознинг донгдор чўпони ўртоқ Алимардан Эрданаев „Шавкатли меҳнат учун“ медали блан мукофотланади“.

Газетадан бошини күттарған Алимартон Зулайхога тикилар экан, Зулайхо ерга қараб илжайиб турар әди.

# САН'АТ ВА ДРАМА ТУРГИЯ

Қардош ўзбек халқининг XX-йиллик  
түйига бағишилайман.

АБДУЛЛА ТОЖИБОЕВ

## ТИКЛАНГАН ГУМБАЗ

(б пардали драматик достон)

Иштирок этучилар:

1. МАСТУРА — чиройлик, йўрмадўз—чепар из.
2. ФАРМОН — уста-мёмор, бинокор.
3. ЗАЙНАБ — Мастуранинг онаси.
4. ҚАТРОН — Фармоннинг отаси.
5. РУСТАМ — Мастуранинг акаси.
6. ХОН — кекса мўнғул хони.
7. БУҒДО — хоннинг кекса маслаҳатгўй.
8. ПОСБОН — мўнғул, шоир, ёш йигит.
9. ЧЎҚАЙ — хоннинг яқини.
10. ЧОПОРМОН — хон хизматкори.
11. ЗУЛАЙХО — Мастуранинг дугонаси.
12. I—АЙФОҚ —
13. II—АЙФОҚ —

Халқ, жаллодлар, қизлар ва бошқалар.

## БИРИНЧИ ИНТЕРМЕДИЯ

Кув эанди ботиб, қошқорайга чор. Кўхна Осиё қал'асининг бир чекаси, боғ ёнидан ўтадиган йўл. Жанг шовқуни эшитилиб турибди. Аллақаётклардан карнай овозлари жараанглаб, кўркунчли хабар билдиримоқда. Саҳнадан шошқин халқ ва қуролли ўзбек аскарлари ўтиб туради. Бир туда орасидан паранжисни очиб тўхтага кекса Зайнабона кўринади. Унинг ҳаяжонда экани маълум бўлиб турибди. У бурилиб орқасига назар солади. Кекса кўзларитан ёш эмас, олов сочилаётгандай ғазабкор. Зайнабонинг қаршисидан қўлига ялонғоч шамшир ушлаган ўғли Рустам пайдо бўлади.

Зайнаб — Рустам, болагинам, Рустам!

Рустам — Он, нега тўхтадинг? Нега хаел?

Зайнаб — Мен, ўйландим, ҳам кетмасга бел боғладим.

Рустам — Йүқ, тұхташинг бўлмайди, она!

Ев яқин келиб қолди.

Зайнаб — Майли болам, келаберсин.

Рустам — Болам десанг, мени ая, онажон,  
Тисланишни ўйламагин бу замон.

Зайнаб — Сен ҳам ўғлим ўз онанғни аягин,  
Бирга олиб кетаман, деб, қистама.

Рустам — Нега? Нечун?

Зайнаб — Етмишга ҳам етти мана ёшим, боқ.

(Энкайиб ердан бир кафт тупроқ олади)

Шу тупроқдан яралғанман, болам мен,

Етмиш йилки, шу тупроқда яшадим,

Етмиш йилки, шу тупроқнинг устида—

Қизигини кўрдим ёшлик кунларнинг.

Жонимга тенг ёр севдим бу тупроқда,

Жигарпорам, сендей ўғил туғдим, мен.

Мастурадай — фариштасимбат қиз туғдим,

Гулини ҳам ўзим ўстирдим.

Қушини ҳам ўзим учирдим...

Осмондаги қуёши ҳам, анҳордаги суви ҳам,

Яхшилигин аяган йўқ, мен учун, болам!

Қўз юмиб жон берар бўлсан,

Ўз еримда ёғали лаҳадим ҳам қазилган.

Йўқ, кетмайман!

Оқ тупроқни ингратмайман.

(Рустамга яқинроқ келиб, овозини ўзгартириб)

Мастура қайда?

Рустам — Кўрганим йўқ! Омонмикан, билмадим...

Зайнаб — Узим топиб оларман (Иғиштирап).

Йўлинг бўлсин болам, букулма! (Кеммакчи)

Рустам — Ундаи бўлса мен ҳам қолай қошингда,

Не кўрсам-да бирга кўрай, онажон!

Зайнаб — Йўқ, йўқ!

Кул тумадим, ўғил туғдим дун'ёда.

Шунинг учун Рустам кўйдим номингни.

Кул бўламан десанг, бунда қоласан.

Ўғлим бўлсанг, элинг блан бирга бўл!

Кўйвор мени (Тупроқ олган кафтини очар)

Озод этгин бу тупроқни, болажон,

Ёвларингга топтагани қўймагин! (Рустам

онаси қўлидаги тупроқни бош эгиб ўпар)

Рустам — (Паузадан кейин)

Тузук она, бизни кут,

Кўксинг тўла қасос блан бизни кут,

Еиқин сочган олов блан бизни кут.

Арслонларни ёзарби блан бизни кут,

Кирон қушни ётириғи-ла бизни кут.

Сенинг учун марди-майдон бўлалар,

Агар жангда уз қонимга белансам,

Душманларим шовқун солиб қувонса,  
Сөвға қылса хонларига бошимни,  
Инграб юриб сүраб олгин, онажон.  
Монглайимдан сұнгги йұла бир үпіб,  
Шу муқаддас тұлпроққа ҳам үзинг күм!

**Зайнааб** — Түзук болам! (Упар, шу замон душман блан түк-нашиб, орқага чекинган үз'ек аскарлари саҳнага киради)

**Рустам** — Хүшқол она! (Она кетар)

Ингитлар, мен бор бунда, тұхтаманғиз!  
(Рустам жуда бақодирлік блан душманнинг илғор тұдасини яланғоч шамшир блан уриб, бирин-кетин қулатади. Душман бироз чекингандай бўлади. Шу пайт Рустам ҳам бурилиб, дўстлари кетган томонга қараб, қопиб кетади).

### Биринчи парда

#### Биринчи манзара

Шаҳар. Бозор майдони. Тун. Айланаза ёнғин кетғап биноларнинг яллуғы осмонға күтарилимоқда. Тепарок жойга ёзилған гилам устида үз ясавуллари ўртасида мўнгул хони кўринади. У атрофдаги ёнғинга хурсанд куз солади. Үз тўдаси блан Чўқай пайдо бўлади.

**Хон** — Хўш, ўраб олдингларми?

**Чўқай** — Олдирмайин кетди, улуғ хон!

**Хон** — Олдирмайин кетди? Бу қалай?

Қамалга ол, демабмидим, айт, Чўқай!

**Чўқай** — Бир гал әмас, уч гал қамалга олдим.

**Хон** — Ҳам уч гал бўшатдим, де?

**Чўқай** — (Яқинлашиб) Уч гал бузиб чиқди, тақсирим!

**Хон** — (Аччиқ блан) Сизлар қайда эдинглар?

**Чўқай** — Бир қошиқ қонимдан кечинг, улуғ хон!

Югурик ёлғиз бўлса, ким блан ўзишади?

Ботир ёлғиз бўлса, ким блан олишади?

Ут қуюни яңтиғ битта ёш ботир.

Ўзин-ўзи аямади майдонда.

Юрган йўлин қизил қонга бўяди.

Отим менинг Чўқай бўлгандан буён,

Қанча-қанча ботирлардан олдим жон.

Лекин бугун ажал блан олишдим,

Ўз ажалим блан ўзим солишдим... (Оёғида туралмай, тебранади).

**Хон** — Ботир Чўқай, ўзинг омон қолдингми? (Яқинлашар)

**Чўқай** — (Зўрга ўзини тутар)

Йўқ тақсири... ярадәрман.. (Кулағ бораётганда, хон ўзи суюб қолади)

**Хон** — (Тоғ'иши) Ев бўлса ҳам асил әкан у ботир.

Йўлдан қайтмас арслон әкан у ботир.

Аттага, қани у ёш ботир меники бўлса...

(Чўқайга) Унинг номи нима әкан? Билдиғми?

Чуқай — (Бошини аранг күтариб) Рустам бўлса керак...  
Хон — (Кўлини сал кўтариб)

Фармоним шу: яна ёнғин кўтариңг!

Чопормон — (Эгилиб) Хўб, ҳукмдор! (Чопормон кетар, шундан кейин қўлига маш’ала кўтариб ўтганлар чопганлар кўп кўринади. Ёнғин яна кучаяди. Атрофдан ўиги яна қаттиқроқ эшишилди).

Хон — (Ёнғинга яна завқ блан кўз солади, у худди ёнғиндан лаззат олаётгандай кўринади)

Ўт... Менинг ўтим... Менинг ёлқиним!

Бу ёнғинлар бари менинг ёнғиним!

Михти бўлса, ўтим блан олишсин,

Куч синасин, ёнғин блан солишсин!

(Аскарларга қараб)

Эй...! Ел, деб шовқун солинг, нўкарлар!

Аскарлар — (Бир овоз блан) Ел! Ел! Довул! Шамол!

Хон — Довулдан ел, елдан довул, гурулла!

Бош эгмас эл тепасига бало сол!

Қадалган түғ елпирасин елларда!

Ёнган олов барин ютсин, кул этсин! (Пауза),

(Мўнгул аскарлари бир тўда аёл ва эркакларни ҳайдаб келишар).

Хон — (Бурилиб) Сизлар кимсиз?

Қатрон — (Олдинга чиқиб) Ўзбеклар!

Хон — Йўқ, ёлтон!

Қатрон — Бўлмаса ким бизлар, хон?

Хон — (Бақириб) Сизми? Тутқун, менинг қулларим...

Зайнаб — (Паранжисини ташлаб, олдинга чиқади ва ўз дўстларига қарайди)

Йўқ, хоннинг ўзи ёлғончи...

Сизлар менинг чин ўғилларим!...

Хон — (Зайнабга қараб) Сен кимсан!

Зайнаб — (Хон кузига тикилиб) Танимайсанми, улуғ хон?

Хон — (Чекиниб) Йўқ, танимайман, айт кимсан?

Зайнаб — Мен онамен! (Пауза)

Сени ҳам туқсан она бор!

Хон — Рост, мени ҳам туқсан она бор.

Броқ менинг онам—бошқа она.

Зайнаб — Оқ сутини бермабиди, сенга у она?

Юрагингни меҳр блан ювмабиди, у она?

Хон — (Бошини чайқаб) Йўқ!..

Умр бўйи ёвдан тайсалмасин деб,

Юрагимни ёлқин блан ювибди.

Умр бўйи ёвни аямасин деб,

Дилни илон қони, блан ювибди.

Мени онам енгизичун туғибди!

Зайнаб — Қаҳирланма, улуғ хон.

Буни ҳам хато сувладинг!

Хон — Цега?

Зайнаб — Барча она, ўғилни енгиш учун туғади!  
Хон — (Кулар) Ҳа-ҳа-ҳа...

Енгиш учун фақат хонлар туғилар!...

Зайнаб — (Бу ҳам кулиб) Демак, менинг ўғлим ҳам хон...

Хон — (Масхаралаб) Хон? Қандай хон? Қай әлга хон?

Зайнаб — У ҳам улуг хонларнинг бири.

Ўз элининг ном олган эри!

Хон — (Масхаралаб) Хўш, у хонинг қайда ҳозир?

Зайнаб — Енгиш сафарида.

Хон — У хон кимни енгмакчи?

Зайнаб — Енгаман деганларни!

Хон — Оти ким?

Зайнаб — Эшитмабмидинг, улуг хон?

Хон — Йўқ!

Зайнаб — (Мағрур) Рустам!

Хон — (Азобланаб) Ҳа, шундай, де, Рустам, де!

Миқти бўлса қайта келсин элига Рустам,

Онасининг хунин олсин ўз қўли блан! (Қилич силтар, шу пайт пардасини отиб ташлаб, ўртага Мастура чиқади, хон Мастуранинг ой юзини кўриб, эсидан оққандай бўлади. Қўтарилиган қўл, аста-секин тушади. Ахири қиличига суюниб, қотиб қолади).

Мастура — (Онасини қулоқлаб) Она...

Зайнаб — (Қизига) Мастурагинам...

Мастура — (Хонга) Онам учун мени чоп,

Қонга хумор шамширинг

Қон-ла ювсин юзимни...

Хон — Сенинг қонинг хосиятлик бўлса агар,

Ўз ёнимда сақлашга мен тайёрман.

Сен гуноҳкор бўлганингда,

Шамшир блан юрагингни тиларман.

(Аскарларига) Олиб боринг!

(Бир тўп ясовул ҳаммасини ҳайдаб кетар, хон орқаларидан тикилиб қолади, кейин Буғдоға)

Буғдо, бу ким? Одамми ё ўзга зот?

Ё кўз боғловчими ёки сиҳргар?

Буғдо — Сиҳргар бўлсин илоҳим.

Хон — (Ёқтирмайш) Бу не деганинг, бу қандай тилак?

Иккинчи бор айтма, эшитмай!

Буғдо — Майлинг, хон эгам! (Бошини эгади)

Жазо бермагин, деб бу сўзни айтдим.

Хон — Сен ўрдасин буз,

Сен бошини уз,

У сенга қулоқ ёссин, шундайми?

Буғдо — Худди шундай, хукмдор.

Урдасин буз, бошйи.уз,

Левинг ҳам ўйлаганим шу.

Хон — Булди! Буғдо! Қолганинга сир сақла! (Бирнечча аскар қўли боғлиқ Фармонни олиб қирар)

Фармон — (Интилиб) Хон қайда? Хон?

Хон — (Сал илгари юриб) Сүзла, йигит!

Фармон — Хон!

Қасосингни мендан ол,  
Аяма, ёндири, ўтга сол,  
Елга совур кулимни,  
Не хоҳласанг, шуни қил,  
Фақат арзага қулоқ сол!

Хон — Арзинг нима?

Фармон — Ёнғинни тұхтат!

Хон — Бу үтінчинг ҳеч кетмайди, эй йигит,

Босилмайди тарқамай ўт хумори. (Ёнғинга қараб)

Ана, қара! Қандай кескин, аёвсиз,

Күкка қараб күтарилар ёлқини.

Сапчимоқда, интилмоқда тұрт томон,

Кенг шаҳарни оғушига босмоқда...

Кимнинг ҳадди сиғар уни тұхтатса,

Күчаларни ўт остига босмоқда.

Құламоқда баланд-баланд кошона,

Бу оловни тұхтаталмас ҳеч банда... (Ұзи завқ блан  
тамошо қиласы)

Арслон каби инграғтан унинг овози...

Әшитасанми, карсыллатиб чайнашин,

Ох, нақадар ұткур олов тишлари... (Ёнғиндан күз  
олмай тикилиб қолады)

Эй, ел чақир, довул чақир, йигитлар!

А скарлар — (Бир овоздан) Ел, ел! Довул, шамол! Ел...

Фармон — (Күзи юмық) Сел, сел!

Хон — (Ялт этиб, Форманга қарайды)

Менга қара, сел сұрама, ел сұра!

Фармон — Аяма хон, ташла әнди үтингга!

Мени ҳам олсин оғушига бу ёнғин!

Анов ёнған саройга мени құша ёндириң.

Қийраган мармар тошлари

Синган сұяғым бұлсан.

Құлаган олтин гүмбази

Күмилган қабрим бұлсан,

Илтимосим шу менинг!

Хон — Сенинг уйингмиди, нега куясан?

Фармон — Үйим әмас, умрим әли, хон.

Буғдо — Ҳа, бу саройни құрган сенмидинг?

Фармон — (Аста) Мен.. мен...

Буғдо — (Хонга) Отоқли уста, шу әкан хоним.

(Фармонга) Үқинма, уста, үқинма! (Күлини епар)

Ер әгаси манов турған улуғ хон,

Кам булмайсан, у тириклик өсіғіл,

Камлік күрмас, уста, сенинг ҳұнаринг,

Яна үзинг довурық солиб дун'ёга,

Ер юзида илгари ҳеч бўлмаган,  
Савлати зўр сарой солиб берасан...

Фармон — (Хуркиб, чекинар) Йўқ, йўқ...  
Уста эмас, энди мен,  
Жоним кетди жаҳондан,  
Ёниб бўлдим, қулайман,  
Ўт ичидা увлайман.

Хон — Қуламайсан, менинг учун соласан сарой! (Қадалиб қараб)

Менинг учун агар сарой, қурмасанг,  
Нега келдинг уста булиб жаҳонга?

Куралмасанг, туғилишинг не даркор?

Фармон — (Эсини иғифиб) Ўртавчига, бузғучига сарой не  
ҳожат? Жавоб бер, хон!

Хон — Хоҳлайманки, отларимга қўра қиламан,  
Хоҳлайманки, яна унга олов қўяман.  
Не қилсам-да, ўз эрким!

Сенчи, уста, ҳунарингни ишга сол,  
Ҳунарингни ишга солу менга хизмат қилиб қол.

Фармон — Йўқ, қўлимдан келмайди, хон.

Хон — (Ёнғинни кўрсатиб) Ановни қандай қургансан?

Фармон — Уними? У—сарой... (Айланиб қарайди)

У чоқда мен тирик эдим,  
Ҳунаримга шерик этим,  
Кўкрагим кўқдан кенг эди,  
Шаввоздарнинг бири эдим,  
У саройнинг парвози, хон,  
Ота-она тилагидан яралмиш.  
У саройнинг тошлари, хон,  
Гўдакларнинг кулгисидан яралмиш, (кўрқиб)  
Қандай бало, ёлқин ўраб олмоқда,  
Мени ҳам гўё ёнғин ютиб бормоқда. (Ёнған уй  
қулайбошлади)

Ажал яқин... (Оғифида туралмай қулаб кетади)

Буғдо — (Бошини сўяб, юрагига қулоқ солади)  
Хушдан кетди.

Хон — Үлдирмангиш, сақлангиш!

Буғдо — Олиб боринг! (Фармонни кўтариб кетишар)

Хон — Буғдо, илгаридан билармидинг?

Буғдо — Ҳа тақсирам.

Эсингдами, амринг блан бу элларда юрганман,  
Эл оралаб, ҳамма ерни битта битта кўрганман.  
Бу устани ўшал кеэда таниб олган эдим, хон,  
Бу ўзбеклар уста деса, аямайди ҳатто жон.

Бу ўзбеклар ўт устасин хондан ортиқ кўради,

(Изъян) Унумтасам, номи Фармон,

Номижетган, Хитойда ҳам буни яхши билади. (Пауза)

Хон — (Шахарга қараб) Бу нима гап? Бу қандай

Буғдо — (Қараб) Ёнғин ўчиргали келган халқ.

Хон — (Бақириб) Садоқ! Садоқ! (Садоқчилар садоқларга ўқ күйиб, отабошлар).

### Иккинчи манзара

Ховуз бошига тикилган ёпик оқ чодир. Орқада турли-туман мева ёғочлари. Чодирга келадиган ёлғиззёёқ-сўқмоқ йўл устида ёш бир пособон — ясоқ турибди.

Шу пайт ёнида икки қуролли одам блан Чопормон кириб келади.

Пособон — Қуллиқ сизга, Чопормон.

Чопормон — (Чодирга қараб) Ҳали чиққан йўқми буёқка? Пособон — Йўқ.

Узоқ турдим бунда кузатиб,

Кўрганим йўқ, дийдорин ҳали,

Онда-сонда овози келар.

Чопормон — Бирор блан сўзлашарми, ё?

Пособон — Ким блан ҳам сўзлашар эди,  
Ёппа-ёлгиз ўтирибди-ку.

Ба'зан инграр, ба'зиде йиғлар,

Ба'зан аянч қўшиқ айтади.

Чопормон — Ихтиёт бўл, ҳеч бегона кирмасин

Пособон — Бегоңанг ким? Айт мен билиб қўяйин.

Чопормон — (Ўқрайиб) улуғ хондан бўлак ҳамма бегона,  
Англамабсан ҳалигача, ай аҳмоқ!

Пособон — (Эглиб) Англаб олдим, қуллуқ сизга. (Чопормон кетади. Пособон ўз-ўзига)

Аҳмоқ, дейди. (Бошини чайқаб) Йўқ, у ёлғон айтади.

Ҳа, албатта, мен Чопормон эмасман.

(Қўлида бирдаста гули блан Зайнаб чодир томонга ўтмоқчи)

Пособон — Тўхта, кимсан?

Зайнаб — (Юзини очиб) Онасиман.

Пособон — Ким бўлсанг ҳам, чекил нари,  
Кўришгали рухсат йўқ.

Зайнаб — Онасиман деяпман-ку!

Пособон — Амр шундай, рухсат йўқ.

Зайнаб — (Аста) Гулларимни бераманда, кетаман.

Пособон — Тўғри келмайди, кампир.

Зайнаб — (Чодирга қараб) Мастура... (Чодирдан Мастура чиқади)

Мастура — (Қўлинни чўзиб) Она.

Зайнаб — Жон болам. . (Иккави қучоқлашади)

Мастура — (Гулларни ҳидлаб) Менинг гулларим...

Зайнаб — Кўп гулларинг, қизим, қуриб қолибди.

Гонг отгунча ухламайдин, сув

Мастура — Мен учун ҳам баҳра олдингми, онағ (Гулларни яна ҳидлайди)

Зайнаб — Баҳра олдим ҳам йиғладим.

**Мастура** — Бекор йиғлабсан, онажон.

Тетик бүлинг, дегандим. (*Күчоқлар*)

**Зайнаб** — Йиғламаслик мумкин бўлсайди ..

**Мастура** — Булбулларнинг овозин ҳам тингладингми, онажон?

**Зайнаб** — Ҳа - ҳа, қизим, йиғлар экан қушлар ҳам...

**Мастура** — Булбул ҳам йиғлайди, денг?

**Зайнаб** — Ўбдан, қизим, йиғлар экан...

Бири шундай йиғладики ёнимда,

Гулзорингни чир айланиб йиғлади,

Қанот қоқиб, ёниб-ёниб йиғлади,

Куюнганин, ўксиганин тушиндим.

Бу дун'ёда гул деганинг номи кўп,

Барчасининг номин атаб йиғлади,

Номин атаб, куйга қўшиб йиғлади,

Йўқларини излаб-излаб йиғлади, (*Кўлини кўтариб*)

Ундан кейин учиб келиб, қўнди қўлимга,

Кўзларидан томган томчи ёш,

Худди ёнган чўғдай ялтираб.

Анча замон сўнмайнин турди...

Бирга-бирга йиғладим мен ҳам.

**Посбон** — (*Яқинлашиб*) Кампир сўзи ҳақиқат,

Етим қолган бўтанинг инграганин кўрганда,

Мен ҳам унга қўшилиб йиғлагандим бир замон...

**Мастура** — Нима учун йиғлавдинг? Нима сезиб йиғлавдинг?

**Посбон** — Ўша йили менинг ҳам онам ўлган эди-да.

**Зайнаб** — Йўқлаб йиғладингми ё?

**Посбон** — Ҳа, шундай (*Яқинлашар*)

Ба'зан тунда хилват жойда ўтириб,

Ўлан айтиб йўқлар эдим, йиғлардим.

**Мастура** — Ўша айтган ўланларинг эсдами?

**Посбон** — Эсимда.

**Мастура** — Айтчи, йигит!

**Посбон** — (*Инграгандай*)

Онаси ўлган оқ бўта

Эртаю кеч бўзлайди.

Инграб чиққан овози

Юрак дардин қўзғайди. (*Йиғламсираб*)

Бўзла-бўзла, мунгдошим,

Тушинаман зорингга.

Инграшайлик қўш етим,

Чақир мени ёнингга. (*Шу пайт довул қоқилар*)

**Посбон** қўчиб тушар)

Бегона кирмасин, деганди,

Жўнанг энди, эй кампир.

**Мастура** — Бу не овоз?

**Посбон** — Ахн ашқари чиқмоқчи,

Бу ўзанинг хабари.

(*Зайнабга*) Ренжиманг, кампир, тез кетинг!

**Зайнаб** — (*Кизига*) Яна айланиб келарман.

**Посбон** — Майли, она! (Зайнаб кетар. Хон ҳурматига қоңылған довул овози ер титратыб, яқиндан эшилаберди. Мастура шошилиб, чодирга кирди. Хон хизматчилари асл гиламлар олиб кел: беймоқда. Шу вақт хон, Бұғдо ва Чопормон кириб келишиді. Посбон ва гилам әйганилар эгилиб ташқары чиқишиди.)

**Чопормон** — (Күллиқ қилиб) Олиб келайми, тақсир?

**Бұғдо** — (Сал құлни күтариб) Тухтайтур.

**Хон** — (Чопормонға) Сен боравер. (Чопормон кетар)

Не фикринг бор, яширмайин айт, Бұғдо.

**Бұғдо** — (Охиста) Улуғ хон!

Ишонганим, суюнганим ўзингсан,

Ҳарқайза ҳам тилагингни тиладим,

Ҳар енгишинг түйин ўзим бошладим.

Шұхратингга дөғ туширап кенгаш берган ерим йүк

Сўзим ростми, айтинг, хон. (Әгилади)

**Хон** — Рост.. Рост. Не сўрайсан хондан, хўш?

**Бұғдо** — (Чодирга қараб) Ўзбек қизидан овлоқ бўл,

Шу — менинг бор тилагим.

**Хон** — (Кулимсираб) Нега бунча чўчидинг?

**Бұғдо** — Бургут кўзлик бу қизни мен биламан,

„Аямайман“ деб ёнади кўзлари,

Кўзларида ўч олови ярқирап.

Оғаси ҳам йўлбарсдайин олишар,

Онасичи, қайрагочдай қаришар.

Бу тутқин қиз сенга ўнғай ёв эмас,

Мени десанг, тухумини қурит, хон!

**Хон** — Улуғ енгиш менинг блан бирга туғилган,

Билмайсанми, мен барини енгишим керак.

Барча кучни ва кучликни тангри мен-чун яраттаг.

(Салмоқдор)

Тенгсиз ботир Чўқаймни ўлдирган,

Рустамни мен тирик ушлаб оламан. (Қизиз)

Тирноғидан қон оқиб, талай элни чолмаса,

Элатига ўт ёқиб, мен учун жанг этмаса,

Тангрим уни нега қирон яратган?

Мени енгиш учунми? (Чўчиб)

Йўқ!. Мумкин эмас! (Бұғдо чўчиб тисланади)

**Бұғдо** — Қуллиқ, ё хон, энди ўзинг билгайсан.

**Хон** — (Уён-буён боқар, кейин чодирга тикилар)

Мастура, бери кел!

**Мастура** — (Кўлида катта оқрўмол, четига кашта тақадиглн ишаклари бдан чиқиб келади, сал бошини сар)

Хўш, улуғ хон?

**Хон** — Хонга арзингнинг айт ўзинг.

**Мастура** — (Тик қараб) Хон менга келдими, ё мен хон бордимми?

**Хон** — (Яқинлашиб) Жавобинг хўб жойида,  
Хонга лойиқ сўз айтдинг. (Енига бориб)  
Энди тингла, мен сўзлай.

**Мастура** — Қаттол хондан хайрлик сўз чиқарми?  
**Хон** — Қаттоллигим юртга аён, сулув қиз,  
Оқсан ҳам тўкилган ёш  
Ўқинтирган эмас ҳеч.

**Мастура** — Тутқин қизга айтаринг ҳам шумиди?  
**Хон** — Йўқ, қанчалик қаттол бўлсам ҳам,  
Менда юрак борлигини айтмакчи эдим.

**Мастура** — Хон юраги не истайди, хўш?  
**Хон** — Мастура! (Рўмолнинг четини ушлар)  
Кўрган замон ҳушимни олдинг,  
Юрагимга ғулгула солдинг,  
Кўз олдимдан ётсам, турсам — кетмайсан. (Иягидан кўтариб, ўзига қаратади)  
Кўзингдаги қасос ёлқини  
Қачон сўнар, сўйла, эй тутқин,  
Сен менини бўласан, бешак!

**Мастура** — Ўзгаларнинг юрагини парчалаш,  
Бу одиллик саналарми, айт, ўзинг? (Хон қараёз колади)  
Юрагимнинг эгаси бор, улуғ хон,  
Таним бунда, жоним ёрнинг ёнида.

**Хон** — Йўқ, Мастура!  
Туғилгансан фақат мен учун,  
Сендай асл ҳечқачон чиқмас менинг қўлимдан.  
Ўзага ҳеч қиймайман, қасам ичай ёнингда.

**Мастура** — Жондай севиб танлаган менинг ҳам ёрим улуғ зот,  
Овора бўлманг, қаттол хон.

**Хон** — Қаҳримни қўзғатмагин, қаҳрим тошни ёради,  
Кечирайин гуноҳинг, сен ҳам ғазабингни бос,  
Эсингни йиғ, Мастура!

**Мастура** — Аччиқ сўз айтдимми, хон? Ёки ўхшаб кетдимми?  
**Хон** — Аччиқ айтдинг, Мастура!

**Мастура** — Мен рост гапни айтдим, хон.

**Хон** — Кучлиларнинг кучлигин таниб, севабилмасанг,  
Миқтиларнинг миқтисин таниб, севабилмасанг,  
Улуғларнинг улуғин таниб, севабилмасанг,  
Сўзинг қандай рост бўлсин?

**Мастура** — Кучликларнинг кучлигин танимайман, дедимми?  
Миқтиларнинг миқтисин танимайман, дедимми?  
Улуғларнинг улуғин танимайман, дедимми?  
(Бошини чайқаб) Йўқ, бувдай деганим йўқ.

**Хон** — Танидингни хўнингни, кучоқ очасанми, айт.  
**Мастура** — Хондан кучлик йўқми, хўш?  
**Хон** — Йўқ.

**Мастура** — Бор, тақсир, бор...  
**Хон** — Қани, қайда кўрсат, қайда бор?

**Мастура** — Мана, тақсир, мана шу. (*Кашта тикадиган нинасины күрсатади*)

**Хон** — (*Хайрон бўлиб*) Бунинг нимаси?

**Мастура** — Нина.

**Хон** — Нина дейсанми?

**Мастура** — Ҳа, нина дейман.

**Хон** — (*Килич дастасини ушлаб*) Масхара қилаяпсанми, сувлув қиз?

**Мастура** — Йўқ, тақсир, йўқ. (*Нинасини қайта кўрсатиб*)

Шу нинада тиккан каштам

Оқ шойига нурин тўкиб,

Барча хондан устун турар,

Бор оламни енгар тамом.

Бутун олам бош эгади,

Бағдод, Миср, Рум эллари

Шу нинадан енгилганин

Ҳечқачон ҳам яширган йўқ. (*Рўмолини ёйиб юборади, унда кашта блан тикилган гўзал яшил гумбаз ва баланд саройнинг суврати ялтираб кўринади*)

Қандай куркам, кўзинг ташла,

Ёнган эди ўшал замон,

Сувратини қайта солдим,

Савлатини эсга олдим,

Энди кимни, кучлик, деймиз,

Одилона айт ўзинг, хон!

**Хон** — Ундай бўлса, нинадан ҳам қизғанаман сени мен. (*Нинани тортиб олиб отади*)

Ҳўш, энди не дейсан? (*Мастура югуриб ҷодирга кирап ва тез қайтиб чиқар*)

**Мастура** — Мана, улур хон, яна бор, яна... (*Яна бир нина кўрсатади*)

**Хон** — Бунисини ҳам йўқотаман. (*Отиб юборади*)

Бўлдими энди?

**Мастура** — Йўқ, бўлган йўқ, бўлмайди ҳам. (*Бир ҳовуҷ кашта ниналарини хон олдига сочиб юборади.*

*Хон жуда ҳам ҳангманг.*

Ҳар ўзбекнинг уйидан,

Ҳар ўзбекнинг қизидан,

Топилади минг нина.

Тугатиш оғир, хоқон.

**Хон** — Газабимнинг олови куч олмоқда,

Айтган сўзинг қадалмоқда жонимга,

Кайрамоқда юрагимни аёвсиз. (*Шамширини суврииб олади*)

Мен шу замон манов шамшир дамидан ҳам

Ўткурман. Темирга сол, тошга чоп,

Музга ур ё ўтга сол,

Ҳаддан ошма, сулув қиз! (*Шамширини қайта солиб*)

*бүрилиб)*

Эй, ким бор бунда?

Чопормон — Бормиз. тақсир! (*Келади*)

Хон — Халқни чақир, бу ёрга тез! (*Чопормон кетади*)

Сузим икки бўлмайди, амрим икки бўлмайди,  
Айтдим — бўлди.

Мастура — (*Сесканиб*) Не демакчи бўласав, хон?

Хон — Эшитарсан, шошилмагин, сулув қиз. (*Буғдо, Чопормон ва аскарлар келиб, саф тузади*)

Довулчилар қаерда?

Чопормон — Ҳей, буёққа. (*Икки довулчи келади*)

Хон — (*Ўзини тутиб, турганларга кўз солади*)

Тайёрланинг эртага тоң отгунча,

Асовлар-ла олишамиз енгунча.

Отланамиз, қон оқажак наизаларнинг учидан,  
Қайтиб қелгач, тўй бўлади албатта.

Тайёрлансан паҳлавонлар,

Тайёрлансан югурик отлар,

Жар солинглар чор тарафга шу бугун,

Отланишнинг олдида (*Мастурани кўрсатиб*)

Хон ёрига — хонимга, фариштадай сулувга

Бош этиб та'зим этинглар! (*Ҳамма та'зим этади, ҳурмат довули қоқилади, Мастура қўрқиб, тисланади*)

Мастура, сулув, омон бўл,

Ёрингни енгиш блан кут! (*Хон ва бошқалар кетади*)

Мастура — (*Ёлғиз, ҳушдан кетган — гарансигандай атрофига қўрқа-қурқа қарайди. Кейин титраб қолади*)  
Нима бўлди... Нималар кўрдим? (*Бир нуқтага қадалиб қолади*). —

Иифи нима?... Йиғлагандан ким юпатади?

Чидаймикин? Чидагандан нима оқибат?

Үлаймикин?... Қуриди дармон... (пауза)

Йўқ, йўқ...

Энг ўнғайи ўлим бўлса,

Шошилмоқлик неҳожат!

Ўткур ханжар ҳарқачон ҳам топилар,

Синган олов ҳарқачон ҳам топилар,

Баланд томдан ташламоқлик ҳам мумкин,

Теран сувда бўғилмоқлик ҳам мумкин,

Сабр қилай... (*Бурилиб, омирана овоз блан*)

Эй посбон!

Посбон — (*Бош эгиб*) Буюринг, хоним!

Мастура — Сен илгари менга посбон эдинг-а?

Бундан буён хизматчимсан, билдингми?

Посбон — Билғандикдан бош этаман, эй хоним. (*Бош эгар*)

Мастура — Уйдай булса, чоп даррав,

Тутқунларнинг ичидан

Үн қыз танлаб олиб кел!

Оқсоч бўлур барчаси..

Посбон — Куллуқ, хоним. (Чиқиб кетади)

Мастура — (Ёлғиз. Оғир хўрсинар, кейин сочилаған нина-  
ларини терабошлар. Олисдан булбул овози  
эшишилади. Булбул овозига жўр қўшиқ  
айтади)

Булбул унинг боғиндан

Наҳот олис кетади?

Айрилардай ёримдан.

Юрак дир-дир этади.. (Булбул овози яқинла-  
шади. Мастура қулоқ солиб, яна қўшигини  
давом этдиарар)

Узоқ кетма ёнимдан,

Нола чекма, сайроқ қуш.

Бир балони сезаман,

Сен учиб ёнимга туш. (Пауза. Мастура ҳали  
ҳам ниналарини терниш блан овора. Посбон  
киради).

Посбон — (Та'зим этади)

Ой блан кун сингари,

Үн қыз бошлаб келдим мен,

Кўринг, хоним.

Мастура — (Ўрнидан туради) Раҳмат, йнгит!

Посбон — (Бурилиб) Келинглар, қизлар! (Зулайхо бошлиқ  
үн қыз кириб келади ва паранжиларини бирин-  
кетин очишабошлайди)

Мастура — Зулайхо (Кучогини очади)

Зулайхо — Мастура! (Кучоқлашиб кўришади, бошқалар  
ҳам ўз нафбатида қучоқлашиб соглиқ сўрар.  
Лекин бир паранжилик қиз, юзини очмай  
турар)

Мастура — Бу ким? Нега юзин очмайди?

Зулайхо — Номаҳрамдан уялиб турибди,

Юзин очса, даррав танийсан!

Посбон — (Кулимсираб) Мендан уялармикан?

Зулайхо — Худди Шундай.

Посбон — Эҳе, бўлмаса мен чиқиб турай. (Кетар, Зулайхо  
паранжилик қизнинг бошидан паранжисини  
юлиб олади, яна бир қиз сачвонини олиб таш-  
лайди, ўртага Фармон келиб чиқади).

Фармон — Дилбарим..

Мастура — (Кўзлари юмуқ) Жоним! (Узоқ ўшишар)

Хастасимон, нечун бунча юлғунсан?

Фармон — (Оғир) Хастаман...

Олтин гумбаз ийқилганда, мен ҳам бирга ийқилдим,  
Жоним ёнди, бу кенг дун'ё тор келди мен си-  
қилдим.

Жоним кетди, сенинг-чун гавдам қолди шекиллик.

Мастура (*Құлидан ушлаб*)

Дармоним йүқ, дардим оғир, ҳушим кетган, мажнуман...

Күз олдимдан үтда ёнган сарой асло кетмайди,  
Гүё ҳануз ўша олов юрагимни қовураг,  
Холсиз жонни ёт күрмагин,

Бир юпанчим, бир таянчим энди ёлғыз ўзингсан...  
(*Ииғламсираб*) Нима қилдим, не қолдирдим дун-  
еда.

Мастура — (*Чодирдан қашта тикилған рүмөлни олиб икәди*)

Фармон!

Сени үйлаб соғинганда, бекор ўтирганим йүқ,  
Сенга атаб тиккан әдим бир шойи рүмөл,  
Мана, энди соға қиласай, қабул эт! (*Рүмөлни берар, Фармон ва қызлар рүмөлга қараб, қотиб қолади. Кейин уни күзига суртади ва бурилиб Мастурага қарайди. Пауза*)

Фармон — Мастуражон! (*Яқынлашади*).

Менинг күзларимга қараби,

Хеч нима күринарми?

Мастура — (*Күзларига қарар ва бирдан қувониб кулимсипар*).

Қызлар, Фармон күзларига күз солинг! (*Кизлар Фармоннинг икки күзига қарашиби*)  
Күрдингларми?

Зулайхо — (*Кулимсираб*) Ҳа күрдик.

Овозлар — Күрятпиз, ҳа ажойиб.

Фармон — Хүш, нима экан, Мастура?

Мастура — (*Фармоннинг күзларидан күзини олмай*)

Ярқираган күзларингдан ажаб парда очилиб,  
Алланечик ва аломат қизғич ёғду сочилиб,  
Үёғидан күринмоқда ажаб гүзал бир олам,  
Ўша олам шу'ласини ёғдирмоқда күзларинг...

Зулайхо — Түғри, Фармон, гүё сенинг икки күзингдам,  
Икки қүёш болқиб кулаётгандай.

Фармон — Сенинг совғанг, сенинг ипак рүмөлинг,

Ез кунининг қуёшидай ярқираб,

Сўнаётган күзларимга нур қуиди

Ва музлаган қоним қайта тошмоқда,

Мен үзимни жуда бардам сезаман.

Ишонмасанг, ушлаб күрчи қўлимни... (*қўлини берар*)

Мастура — (*Қўлини ушлаб*) Томирларда қои қўпириб оқмоқда...

Фармон — Кароматлик совға бўлди бу рўмол,

Кутарбди гушган гумбазимни қайтадан

Кутарбди кароматлик ҳунаривг...

Умидимнинг узуқ-узуқ ипларин

Қайта бошдан уламоқда бу илар... (*Мастура-нинг қўлини юзига босиб*)

Мени ютган ўпқонлардан қутқариб ол, азизим!  
Мени босган балолардан қутқариб ол, азизим!  
Ёруғлиққа бошла мени!

**Мастура** — Ҳай қизлар! (*Энтикиб*)

Айланамиз — айғоқ тўлға, қалин ёв,  
Панжасига оған бир темир қуршов,  
Темир қуршов ўртасида биз тутқун,  
Олдимизда ажал туар, ортимиз тумон,  
Бугун тирик, бугун бормиз, эртага гумон.  
Бошга қандай бало келар эрта, белгисиз... (*Фармонни қучоқлаб*)

Келинг, қизлар, олдингизда севганимга қўшилай,  
Онт ичаман яратганинг номидан,  
Фармонимнинг ҳалолиман, ёrimан,  
Гувоҳ бўлинг, эй қизлар!

**Қизлар** — (*Оҳистароқ*) Биз гувоҳ.

**Фармон** — Етги дўзах оташини бошимизга тўкса-да,  
Ютаман, деб аждаҳолар оғизларин очса-да,  
Сенинг блан бирга бўлгум, сен меники, Мастура,  
Ажраталмас иккимизни ажал ҳам...

Гувоҳ бўлинг, жигарлар!

**Қизлар** — Биз гувоҳ! (*Ҳамма қиз қучоқлашиб турган икни ёшни ўртага олиб, қучоқлашар. Пауза*) Биз гувоҳ...

(Давоми келаси сонда)



177

# Ф О Л Ъ К Л О Р

## ХАЛҚ ҚҰШИҚЛАРИ

Ленин йўли йўл экан,  
Юрдик, қизил гул экан,  
Эркин қувноқ яшашга  
Жуда тұғри йўл экан.

Бизнинг даламиз чаман,  
Унда қувнаб учаман.  
Яша, Сталин, яшал  
Юртимиз қылдинг чаман.

Сталиннинг сўзлари,  
Мамлакатда кўзлари,  
Советларнинг баҳтига,  
Эсон бўлсин ўзлари.

Кўпайтирди молимиз,  
Яхши бўлди ҳолимиз.  
Эсон бўлсин Сталин,  
Бизнинг жонажонимиз.

Норинда сув бор экан,  
Чўллар сувга зор экан,  
Чўлларни обод қилган,  
Доҳий Сталин бор экан.

Канал ариқ қаздирган,  
Сирдар'ёни түстирган,  
Мамлакатни ўстирган,  
Эсон бўлсин Сталин.

Ленин йўлин ўргатган,  
СССРни гуллатган.  
Канал йўлин кўрсатган  
Эсон бўлсин Сталин.

Биз ишлаган бу чўллар,  
Чаманзор бўлур, дўстлар,  
Доҳиймиз мираббоши,  
Олтинзор бўлур, дустлар.

Ишбошимиз Сталин,  
Сўрамиз меҳнат болин,  
Чарчашибликни билмаймиз,  
Мадоримиз Сталин.

Сталинни иззат қилинг,  
Раҳбар билиб хизмат қилинг.  
Бизга берган давлатини,  
Туганмас не'мат билинг.

Колхоз йўли йўл экан,  
Кўрсак, қизил гул экан,  
Қизиқтириб ишлатган,  
Ҳалол меҳнат шул экан.

Колхоз йўли кенг экан,  
Эркак, хотин тенг экан,  
Колхозга а'зо бўлган,  
Мой блан бол ер экан.

Кўринг ғўза гулини,  
Билиб эккан йўлини,  
Бир миллиондан оширап,  
Колхозлар планини.

Ҳаводаги қалдирғоч,  
Мен ҳам сендеқ учаман:  
Кўнгил қўйдим меҳнатга,  
Колхозим бўлди чаман.

Колхозимиз даласи,  
Пахта блан яшнайди,  
Сталиннинг даврида,  
Ҳамма қувноқ яшайди.

Пахта экинг йўл блан,  
Агроном усул блан,  
Колхозларни яшнатинг,  
Безанг тул-сунбул блан.

Колхоз эккан ғузаси,  
Үт босмасин марзаси.  
Пахта плани ошса,  
Тула тураг кассаси.

Гулбоғи боғим-боғим,  
Энди ўчмас чироғим,  
Далаларим яшнатган,  
Менинг бу пахтазорим.

Қуёш чиқар мўралаб,  
Пахта гулини тараб,

Завқим ошиб кетади,  
Ўз меҳнатимга қараб.

Пахтажон дўндиқ-дўндиқ,  
Кулиб-кулиб боқади,  
Яшнаб дала юзлари,  
Гул — чечаклар тақади.

Бу йилги эккан ғўза,  
Бултургилардан тоза,  
Центнер ётмишга етса,  
Колхозлар қилас маза.

(Ўзбекистон Фанлар Академияси Тил ва Адабиёт институти-  
нинг фольклор материаларидан)

## УЧ ОГАЙНИ ТАХМИНЧИ

(Эртак)

Бир чолнинг уч ўғли бўлар эди. Бир кун чолнинг қазоси етиб ўлди. Орадан уч-тўрт йил ўтгандан сўнг, чол ўғилларининг ҳоли танг бўлди. Учовлари бир уйга кириб ўй ўйлаб ётаверишиди. Бирорнинг хизматини қилгани номус қилишди. Бир кун: „Одамлар бизга та'на қилишади. Та'на ўлимдан ёмон. Бўлак ерда гадойлик қиласак ҳам ҳеч ким танимайди. Бир сабаби тириклик қилиб юрамиз“ деб қарор қилишди. Улар неча кунлик йўл овқатини фамлаб, чўлу, тоғларда қирқ кун юрди. Оби-овқатлари тамом бўлди. Оч-ташна борарди, кўзларига бир шаҳарнинг дараҳти кўринди. Севинишди: „Улардан ўтдик, элга ётдик“ дейишди. Оёқларининг оғриганига қарамай, тез юриб кетар экан, шаҳарга яқин етганда каттакани тўхтаб қолди. Укалари орқасида эди. Каттаси олдиди эди, укаларига қараб айтди: „Биздан илгари бир туютиб кетибди“ деди. Беш-ўн қадам босишиди. Ўртанчаси айтди: „Биздан илгари юрган туюнинг бир кўзи кўр экан“ деди. Тағин нарироққа юриб боришиди. Кичкинаси айтди: „Уша туюнинг устида заиф киши бор экан. Қорнида баласи бор экан“ деди. Тағин бироз йўл юришиди, орқасидан бир қилич тақсан йигит етиб келиб, улардан босиб ўтаверди. Учаласига қараб-қараб ўтди. Бу уч кишининг каттаси айтди: „Ҳа ўртоқ, „йўқ“ йўқотганимидингиз?“ деди. Ҳалиги отлиқ тўхтаб,—„йўқ“, йўқотдим,— деди. Уч оғайнининг каттаси яна айтди:

— Йўқотганингиз туямиди?— деди.

„Йўқ“ йўқотган айтди:— йўқотганим туютиб эди — деди.

Каттаканининг сўзи тамом бўлди. Ўртанчаси айтди:

— Туюнинг бир кўзи кўрмиди?— деди.

— Ҳа бир кўзи кўр эди,— деди.

Кичкинаси айтди:— Туюнинг устида заиф киши бормиди? У заиф киши оғир оёғликмиди?— деди.

У „йўқ“ йўқотган йўқчи:— Менинг молим сизларда экан. Қайга қўйдиларинг?— деди. Булар айтди: „Туюнгни биз кўрганимиз йўқ.. „Кўрмасанг, молимнинг тусини қайдан биласан?“. Улар айтди: „Биз тахминан айтдик. Туюнг шуёқса кетибди, тезроқ бориб истагил“. Мол эгаси: „Молим сенларда, юрларинг“, деб учовини ҳайдаб кетди. Бораётган шаҳарга, пошшонинг олдига ҳайдаб олиб борди. Буларни ўрдадан ташқари қўйиб, пошшонинг олдига ўзи кирди. Бу учовининг леган сўзини пошшога айтди. Пошшо:— Сен айтмай туриб, ўзлари молнинг тусини айтган бўлса, мол шуларнинг қўлида,— деди. У „йўқ“ йўқотган йигит шу пошшонинг йигити эди. Тоққа қўчсан эди. Хотинини туга миндириб қўйган эди. Ўзи кўчдан адашган, туюлан хотини йўқелган эди. Пошшо, ҳалигиларни ҳайдаб кел, деб йигитнинг ўзига буюрди. У чиқиб,

пошшонинг олдига киринглар, деб уччаласини ҳайдаб, пошшо-  
нинг олдига олиб кирди. Пошшога булар та'зим қилди. Пошшо  
айтди: „Эй ўғрилар, бунинг туясини қайга қўйдинг?“.

Булар айтди: „Биз туяни ўғирлаганимиз йўқ“. Пошшо айтди:  
„Мол эгаси, тия кўрдингми, деб сўрамаслан мол тусини эгасига  
айтибсан. Тағин туяни кўрмадим, дейсан“. Булар айтди: „Эй пош-  
шо, биз йўқчиликни кўп тортиб, уй ўйлайвериб, тахминчи бўлиб  
қолган эканмиз Туяни тахминан айтдик“.

Пошшо: „Ҳе—ҳе, кўрмаган нарсани тахминан билса, бўла-  
дими?“ деб вазирига қаради. Пошшо вазирига тожикилади. Ва-  
зир туриб кўча тарафга чиқиб кетди. Ўрданинг орқасидаги боғ  
иҷидан бир катта сандиқни бир замбилга солиб, икки ҳаммолга  
кўтаририб, ўрданинг этак тарафига келтириб қўйди. Узоқдан  
туриб пошшога тожикилади. Бу уччаласи ҳам ўша замбил кўта-  
риб келган кишиларга қараб турар эди. Пошшо:

„Эй ўғрилар, ху ўша сандиқда нима бор?“ деди. Каттакани  
туриб: „Нима бўлса? Ўша сандиқда бир дона анор бор“— деди.  
Пошшо: „Олиб кел!“ деди. Ҳаммол сандиқни кўтариб, пошшо  
олдига олиб келиб қўйди. Пошшо сандиқнинг ичини очиб қаради.  
Ўша катта сандиққа битта анор солиб чиққан экан. Пошшо анорни  
олиб, бу учовига кўрсатди. Туя йўқотган йигит ҳам турувди.  
Пошшо айтди: „Мана кўрдингми, булар ўғри эмас экан — тахмин-  
чи экан. Бор! Туянгни истаб, бўлак тарафдан топгил“. „Йўқ“  
йўқотган чиқиб кетаверди. Пошшо қошида турган кишилар ҳай-  
рон қолди. Буларни ўтқизди. Қорнилари оч эди, пошшо бир ла-  
ган нон олиб чиқиб қўйди. „Олинглар, меҳмонлар, тўйиб олинг-  
лар“— деди. Булар уччаласи бир-бирига кулиб-кулиб қараб, рў-  
молга туғиб олди. Пошшо,— мендан ҳайқмай нега кулиб қўй-  
ди — деб ўлади.

Яна бир товоқ ош олиб чиқди. „Олинглар, мусофиолар, енг-  
лар“ деб олдиларига қўйди. Бир луқмадан олишди, учови бир-бири-  
га қараб, секин-секин кулиб қўйишиди. Пошшо ўйлади: „Булар  
ўғри, буларнинг қўлидан ҳар иш келади. Яна мендан қўрқмай  
мазак қилиб, овқатимни ейди. Булартга жавоб берай, қоронги  
бўлиб қолипти. Кўчадаги чойхонага чиқиб ётар, орқасидан чиқиб  
пойлайн. Ўртада ўтган ишларни гаплашар, шояд туяни қўйган  
жойини гапирса“.

Уларга пошшо жавоб берди. „Сизларда гуноҳ йўқ, қаерга  
борсангиз, боринглар“ деди. Бу учови пошшонинг ҳақига дуо  
қилиб, чиқиб кетди. Бориб, чайхонага киришди. Эшиқдан кириб,  
тактага суюниб ўтиришди. Чой олиб ичабошлишди.

Пошшо бир чопонни ёпиниб, ўзини танитмай, дўконнинг ташқа-  
рисига келиб: „Учови гаплашса, гапини эшитай“ деб ўтириди.  
Каттакани айтди: „Ўтмуш кишилар айтган — туя кўрдингми — йўқ,  
деб. Кўрдим дедим — тутилдим, кўрмадим дедим — қутилдим“.  
Уртанчаси айтди: „Ўз уйим деб гапирига — томорхада киши бор.  
Тилингни тийиб юр — нима дейишингни билмайсан, деб ўтга ялар гапириб ўтган“.  
Кичкинчи айтди: „Худо сақлаган ерда бало йўқ. Анорни топма-

танды, үлардик“. Каттаси айтди: „Пошшони нима фаҳмладила-  
ринг?“. „Сенчи!“ деди укалари.

Каттаси айтди: „Пошшони мен құлвачча фаҳмладым. Құлвачча  
бұлсаям нонвойнинг боласи экан. Бундан бошқа бизга ит әмган  
қўйнинг ёғига ош қилиб берди“.

Пошшо бу сўзни эшишиб, туриб кетди. Энасининг олдига кириб,  
сўради: „Мен құлваччами ё пошшоваччами?“ Энаси айтди: „Шун-  
ча вақтдан бери сўрамаган сўзни нега сўрадинг?“ Пошшо айтди:  
„Мен ўзимнинг ким әканимни билмасдим. Шунга сўрадим“. Энаси  
айтди: „Менинг эрим шул мамлакатга пошшо эди. Бизнинг ўрта-  
мизда бола бўлмади. Ўрдамида хизмат қилиб юрган нонвой хиз-  
маткоримиз бор эди. У келган меҳмонга нон чиқариб турар эди.  
Уннинг хотини бўйида бўлди. Кечаси бевақт туғиби, ўғил экан,  
ерга тушган ҳамоно нонвой ўзи боланинг киндигини кесиб, эски  
латтага ўраб олибди, түққан хотин жон бериби. Пошшо блан  
иккавимиз ётган эдик. Нонвой қоронғида олдимиизга у гўдакни  
кўтариб, йиғлаб кирди: „Хотиним туғди, ўзи ўлди. Бу ўғил бола  
қолди. Шуни сизларга берсам, бирорвз тарбия қилдириб, ўғил  
қилиб, олсаларинг. Мен камбағалман, бир энагачига берсам, буни  
боққан хотинга бирарнимга берганни менда ҳечнарса йўқ“ — деди.  
Нонвойга пошшо иккавимиз туриб қасам ичирдик, бу бола мёни-  
ки деб ҳаргиз айтсанг, уласан, дедик. Болани нонвойнинг қўли-  
дан олиб, сут бериб, сандиққа солдим. Қорнимга эрта блан бир  
эски увадани бойладим. Бир кишига бир сиқим зар бериб, пошшо  
хотини қариганда бўйида бўпти, деб хабар тарқатдим. Уч-тўрт  
кун ўтгандан кейин у боғани сандиқдан олиб, увадани ташладим.  
Пошшонинг хотини ўғил туғди, деб севинчи олдиридим. У бола  
катта бўлди. Мактабга бердим. Пошшо ўлди, мулки сенга қолди.  
Ўша бола, сенсан“.

Пошшо меҳмонларга ош қилганды бир бойнинг қўрасидан  
қўй олдириб келиб сўйган эди. Энасининг олдидан чиқиб, қўй  
эгасига киши юборди. Бойни айтдириб келди. „Сиз бизга ит эн-  
ган қўйни берганмисиз?“ — деди. Бой „мен билмайман, қўйни  
боққан қўйчи билади“ — деди. Қўйчини олдириб келди. „Бизга ит  
әмган қўйни берганмисан?“ деб сўради. Қўйчи айтди: „Утган Йили  
кор қалин тушди. Қўйлар оч қолиб, абгор бўлди. Бир қўй елин-  
сиз туғди. Энасининг сути бўлмади. Бир ит туғиб боласи совуқ-  
да ўлган эди, ўшал қўзини шу итга эмиздим. Йигирма кунда  
қўзи ўтга кириб, ўт еб кетди. Шу қўзи қўй бўлди. Билмадим,  
кўп қўй ичиди сизга ўша қўй тушган бўлса, тушгандир“.

Пошшо қўйчивон блан бойга жавоб берди. Пошшо: „Тахминчи-  
нинг айтган сўзи рост келди“, — деди. Эрта блан томғ отди. Уч  
оғайнини пошшо яна ҳайдатиб келди. Ўрда ичига олиб кириб,  
уларга таом берди. Сўнгра деди: „Меҳмон Йигитлар, сизлардан  
тап сўрай! „Иўқ“ йўқотган — тия кўрдингми? — демасдан, — йўқот-  
танинг туюмиди — деганинг қайсингсан?“. Каттаси ўрнидан тўриб:  
„Тақсир, мен“ деди. Пошшо айтди: „Таянинг эгаси йўқотган нарсаси  
тия әканини айтмай туриб, унинг тия йўқотганини қайдан билдинг?“.

У айтди: „Биз кедётган йўлда тия юриб келган эказ“ — учала-

миз, биэдан илгари түя ўтибди, деб келаётган эдик. Түя эканини изидан билдик". Пошшо сўради: "Туяниң бир кўзи кўр, деганинг қайсириинг эди?". Ўртанчаси: "Тақсир, мен" — деди. Пошшо айтди: "Туяниң бир кўзи кўр эканини кўрмасдан қайдан билдинг?". У айтди: "У йўлниң бир томонидаги ўтни еб кетаверибди, бир ёғидаги ўт турибди. Шундан билдимки, туяниң бир кўзи кўр экан". Пошшо: "Туяниң устидаи заиф киши икки қат, деганинг қайсириинг?" деди. Кичкинаси ўрнидан туриб: "Тақсир, мен" деди. Пошшо айтди: "Туяниң устидаи заиф киши эканини, қорнида боласи борлигини кўрмасдан қайдан билдинг?" У айтди: "Иўлда таяни чўктириб, таядан тушибди. Кум устига ўтирибди. Ўрнидан турипда икки қўлини қумга босиб турибди, яна таяга миниб кетибди. Шундан оғир оёқли заиф киши эканини билдим".

Пошшо айтди: "У санлиқда битта анор борлигини қайдан билдиларинг?". Каитаси туриб айтди: "Бизлар бошқа бир мамлакатданмиз. Мусофирикни ихтиёр қилиб чиққанмиз. Йўқчилик азобини тортдик. Ҳарбир нарсага разм-еолиб, ўйлаб гапиришга одатландик. Ҳаммол кўтариб келган сандиқ енгил эди. Ҳарҳолда сандиқ куруқмасдир, ичиди бирар нарса бордир, деб ўйладим. Сандиқнинг кичкина ёригидан анорнинг пўсти курингандай бўлди. Анор бўлгандаям, кўц эмасдир, деб тахмин қилиб, бир дона анор борлигини гапирдим". Пошшо айтди: "Хўш, пошшонинг қулвачча, нонвой бўласи эканлигини қайдан билдиларинг?". Ўртанчаси: "Мен жавоб берай,— деб ўрнидан турди. — Эй пошшо, биз сандиқдаги анорни топганда сиз одил пошшовачча бўлсангиз, бош-оёқ сарпо берар эдингиз, от-анжом берар эдингиз, учовимизни уч иқлимга ҳоким қилиб юборар эдингиз. Пошшонинг олдидда заҳарли тиф дамида, рост бир сўзни айтмоқ осонми? Пошшога мулк писандми, зар писандми? Ҳазинангиздан нарсалардан, мулкингизнинг баридан бир лагандаги нон баланд кўринди. Киши аввалдан нима нарсадан баҳра топиб келган бўлса, ўша нарса оламда ҳамма нарсадан кўзига юқори кўринади. Сизнинг тахту-бахтингиздан, мулку-شاҳрингиздан, нон ортиқ кўринди. Шундан наслингиз нонвойлигини билдик". "Ит эмган қўйнинг ёғини қайдан билдингиз?" деди. Кичкинаси туриб айтди: "Олдимизга ош келди — думогимизга итнинг иси келди, бу ёғда итнинг иси борлигини сезиб, ит эмган қўй бўлса керак, шунинг ёғидир, дедик". Шундан кейин пошшо айтди: "Менинг қўлимга бир гуноҳкор тушса, гувоҳнинг сўзи блан жазога буюраман. Ҳақ бўлса, яхши, ноҳақ бўлса, уволи гувоҳнинг бўйнига. Мен ҳам бир кишича овқат ейман, лекин билиб-билмай қанча қон тўкаман. Яхши ёмонни билмай иш қилаверсам, менга ҳам жазо бордир. Битта жонимга жабр қилмайин. Бир куним бўлса, ўтар. Сизлар яхши ёмонни, оқни-корани ўз ақилларинг блан топиб олар экансизлар. Энди юртнинг ихтиёрини сизлардай донишмандларга топширганим тузук. Колмиш умримий ўзимча ўтказай".

Пошшо тахминчининг катласини ўз ўрнига қўйди, икки укасини икки ёнига вазир қилди, ўзи бошқа бир ёқда жўнаб кетди.

Айтуди: Усмон Маматқулов

# ТАНКИД ВА ТАҚРИЗ

ХОМИЛ ЕҚУБ

## АБДУЛЛА ҚАҲҲОР НОВЕЛЛАЛАРИ

(Иккинчи мақола)

### Ўтмиш ҳаётни ёритучи ҳикоялар

А. Қаҳҳор ўтмиш ҳаётдан олиниб ёзилган ҳикояларида ажабиб равшан типларни яратди. („Миллатчилар“, „Бемор“, „Анор“, „Үгри“, „Тамоша боғ“ кабилар). Бу жиҳатдан „Үгри“ новелласи айниқса характерлидир. Унда чор мустамлакасидаги маҳаллий ва рус амалдорларининг қиёфаси ғоят реаль ва жонли чизилади. Амалдорларнинг камбағал дәхқонларга қилган қўпол муомалалари түгри кўрсатилади. Ҳикояда Қобилбобо ҳўқизининг ўғирланиши тасвирланади. Лекин „ҳўқиз ўғриси“ кенг ва чуқур символик образ даражасига кўтарилиди. Меҳнаткашлар ҳўқизининг ўғирланишидан манфаатдор ҳақиқий ўғрилар — элликбоши, амин ва приставларнинг асл башаралари яққол гавдалантирилади. Социаль зинанинг пастдаги амалдорларидан тортиб то юқорисигача ҳаммаси (қанча юқорилашган сари шунча кўп миқдорда), халқнинг ҳўқизинигина эмас, унинг бор йўғини, ҳатто кучи, меҳнати, ҳуқуқи, эркини ҳам куппа-кундиз куни ўғирлайди. Ҳикоянинг символик ма’носи ва аҳамияти шундан иборат. Зотан элликбоши ҳалқумини ҳаром қилиб порани егандан кейин, ҳўқизни топиб беришни аминга солади, амин топилажак ҳўқизнинг „суюнчи-чашинаси“ ни олгандан кейин приставга, пристав камбағалнинг сўнгги „бойлиги“ни сўриб олгач, яна—аминга, амин яна—элликбошига ҳавола қиласди. Элликбоши Қобилбобони йиртқич пахтафурушга топширади. Пахтафуруш, чолнинг ҳолига „ачиниб“, унинг ер-сувига кўз олайтиради, бор буд-шудини тортиб олиш учун бир эмас, балки иккни ҳўқизни унга „гарав“га беради. Бу „саҳоват“нинг логик хотимаси малум: пахтафуруш шаксиз шу „яхшилиги“ учун камбағал дәхқоннинг қўл-оёғини боғлаб, ўз „капитал“ига қул қилиб қўяди. Бу идеяни автор бадинӣ, ихчам ва реалистик образларда ҳаёттый кўрсатади. У, одамларнинг ҳаракати ёки бир-икки сўзи блан характерини равшан чизиб кўяди. Бурунсизлиги ҳам аллақаңдай ма’навий камчилигини ифодлаган элликбоши ўз „үгрилий“ни йиҳоятда усталиқ блан ва бидинтирмай олиб боради. „У, оғилга кириб, тешини, ҳўқиз боғланган устунни диққат блан кўзди кечирди: Негадир, устунни қымирлатиб ҳам кўрди, сўнгра Қобил-

бобони чақирди ва понг товуши блан деди: — Ҳўқизинг ҳечқаёқ-қа кетмайди, топилади!... Элликбоши ўғри тешган ени яна бир кўрди. Қобилбобо қўл қовуштириб, унинг кетидан юрар ва йиғлар эди.

— Йиғлама, йиғлама, дейман. Ҳўқизинг оқпошшо қўл остидан чиқиб кетмаган бўлса, топилади. Элликбоши ҳўқизни жуда нақд қилиб қўйди—гўё у кўчага чиқса, бас— ҳўқиз топилади. Бу „худо ёрлақағур“ шунчалик қилгандан кейин бирима бериш лозимда. Бекорга мушук офтобга чиқмайди... Қобилбобо ҳамёнини қоқишириб, борини элликбошига берди, яна қанча дуо қилди. Элликбоши бетўхтов аминга хабар қилмоқчи бўлиб кетди. Лекин Қобилбобонинг карманини қуритиш учун атайнин „юмшоқ“ гапириб, чолнинг қўйинини пуч ёнгроққа тўлдирган, тилёғлама өлликбоши кейинроқ сурбетлик блан Қобилбобога шундай деди: „Гумонингизни айтинг, бўлмаса! Ким олганини мен билмасам, авлиё бўлмасам! Олган одам аллақачон сўйиб саранжомлади-да!..“ Ноҳотки кичик бир амалдор оддий меҳнаткашни шу қадар хўрласа, шу қадар таҳқир қилса!

Амин ҳам ўзига хос типик сўзлар блан ўзининг қўполлиги, нодонлиги, тама'хур башарасини кўрсатади. Унинг тилидаги файри мантиқий фикрлар ва иккничи шахс ўринига учинчи шахс қилиниб айтилган гаплар ҳам унинг табиатига жуда мос келади ва характеристерини равшан очади. „Амин чинчалогини иккинчи бўғиниғача бурнига тиқиб кулади.

— Йуқолмасдан илгари бормиди? Қандақа ҳўқиз эди?

— Ола ҳўқиз...

— Яхши ҳўқизмиди? Ё ёмон ҳўқизмиди?

— Қўш маҳали...

— Яхши ҳўқиз бирор етакласа, кетаверармиди?

— Бисотимда ҳеч нарса йўқ...

— Ўзи қайтиб келмасмикан?... Бирор олиб кетса, қайтиб келавер, деб қўйилмаган эканда! Нега йиғланади? А? Йиғланмасин! Қобилбобо ерга қараб тек қолди.

— Қидиртирасмикан а?— деди амин чинчалогини этигининг остига артиб, — суюнчиси нима бўлади? Суюнчидан чашна олиб келинмадими?“

Бу кетирилган парча А. Қаҳҳорнинг киши образини персонажнинг нутқи воситаси блан очишга — нутқий характеристикага жуда моҳир эканини кўрсатади.

А. Қаҳҳор ўтмиш ҳаётнинг айрим томонларини ёритган бошқа ҳикояларида („Миллатчилар“, „Тамоша боғ“, „Анор“, „Бемор“ да) ҳам максималь типикликка эришади.

### Символик хотимали ҳикоялар

А. Қаҳҳорнинг айрим ҳикояларининг хотимаси символик маънога эга. „Кўр кўзнинг очилиши“, „Гумроҳ“, „Бошсиз одам“ ҳикоялари шу жумладандир.

„Кўр кўзнинг очилиши“да Аҳмад полвон образида ҳалқнинг

мард фарзандларидан бири гавдалантирилади. Аҳмад полвон ҳалқ-нинг иродасини ижро этиб, қўрбошининг вазири, миллатчи Ис-ҳоқ афандини болта блан чопиб ташлайди. Бунинг учун қўрбоши уни сўйдирмоқчи бўлади. Лекин у, ўз тақдиригининг меҳнаткаш омма тақдири блан боғланганини сезади. „Аҳмад полвон туғилган куни ҳечким тўй қилган эмас, аммо у, оламдан кетса, аза тутилади. Унинг товушига қулоғини динг қилиб, тақдирини ўз тақдиридай ҳис қилган ўзи сингари камбағаллар кўп. Бунинг ўлим хабари уларга ўзлари устидан чиқарилган сғир бир ҳукмдай эши-тилади“. У, қўрбоши орқасидан кетган қолоқ, онгсиз йигитлар „кўзини очиш“, уларни босмачиларга қарши қўзғатиб, Совет ҳукумати тарафига ўтказиш учун бор кучини, ақл-фаросатини сарф қиласи, ўзининг бир бармоғини ихтиёрий равишда жаллодга кестиради, ҳатто икки кўзини қурбоя қилмоқчи бўлади. Милтиқ ўхталиб турган йигитларга қизғин сўзларни айтади: „Йигитлар, бу одам ўзининг душманига бир бармоғи блан икки кўзини бера-ётир, деб ҳайрон бўлманглар. Сизлар аввал ўзларингга-ўзларинг ҳайрон бўлинглар. Чунки сиз унга ўзларингни, aka-ука, ота-бо-лаларингизни бериб, ўз қишлоқларингни хароб қилиб юрасизлар. Ўзларингга-ўзларинг ўқ отасизлар... Фақат орамиздаги фарқ шундаки, мен нима учун шу ишни қилаётганимни биламан, аммо сизлар билмайсизлар. Икки оғиз ҳақиқатни сизларга етказиш учун гўштимни танимдан ранда қилиб шилиб ташланса, суюклиримни пўлат чиғириқлардан ўтка-илса ҳам, менинг орқамда қол-ганилар севинадилар“. У, бир кўзи кўр қўрбошининг кўзини очиш баҳонаси блан унинг бошпни ёради ва ўз жонини қурбон бериб, босмачилар ўртасидаги „ўз баҳтларига ўзлари ўқ отучи“ леҳқон йигитларни улардан ажратиб олади, „ўзаро отишув“ни бошлайди, босмачилар кучини синдиради. Демак, „Кўр кўзни очилиши“ символик ма'нода олинган. Фаросатли, зийрак, қўрқмас Аҳмад полвон иложсиз аҳволда ҳам ўзини йўқотмайди, имконият борича душманнинг заиф томонидан фойдаланади, ўзининг ҳалокатига рози бўлиб, кўпчиликни қутқаради, кўпчилик „кўзини очади“.

Бундай символик хотима А. Қаҳҳорнинг дастлабки ҳикояларидан „Гумроҳ“ ва „Бошсиз одам“ да ҳам кўрилган эди. ☐

„Гумроҳ“да босмачилар ичига қўшилиб кетган йигит ўзининг ҳалққа зарарли йўлга кирганини англайди. „Ҳамроҳи“ — ашаддий босмачини ўлдириб, шаҳарга жўнайди. Қоронги кечада йўлда адашади. Елкасига иккита милтиқ осиб, совуқ еган, очиқсан ҳолда бир техникнинг уйига киради ва унинг ёрдами блан „йўлни топиб“, шаҳарга кетади. Ҳикояда йигитнинг адашиши ўз ма'носидан ташқари аллегорик — символик ма'нода ишлатилади. Босмачиларга аралашиб юриши унинг ҳақиқий адашиши эди. Кўчада адашиши эса шу адашлшининг „ин'икоси“ эди. Бу ҳол техникнинг йигитга айтган шу гапларида очиқ ифодаланади. „Ҳа, ҳа, йўлдан адашганиман, гумроҳман, дениг, гумроҳ... Аммо илгари чинакам әдашган кансиз. Бу адашувиңгид адашш эмас. Энди түрги йўлга тушдингиз“.

„Бошсиз одам“ ҳикоясида Нисобуси бетапни, берган, миясиз“

куёви Фаҳриддин блан қизи Меҳридан бола бўлишини сра истамайди. Меҳрининг бўйида бўлишининг олдини олиш учун „қанча дори-дармонлар қилди. Ҳатто у дуохонга учта дўппининг пулини бериб, банд ҳам қилдирди“. Лекин бандлар, туморлар, қайтарма сувлари кор қилмади. Меҳри икки қат. Энди болани тушириш керак. Нисобуви „Меҳрни кўрпага ўраб, янги қилинаётган кигиздай юмалатди. Корнига ястиқ блан урди, устига чиқиб ўтири. Ундан кейин Меҳри онасига „мени қўйқисдан қаттиқ қўрқитинг“ деб маслаҳат берди. Буларнинг ҳечқийиси фойда бермади.

Нисобуви қаердандир янги бир маслаҳат топиб келди: қорнини силаш, болани эзид ўйқ қилиши, кимдир, ўргатган.

Нисобуви роса ўн етти кун деганда ишигини натижасини кўрди. Ўн саккизинчи куни кечаси Меҳри тўлғониб чиқди. Эрталаб ўрнидан туроалмай кишини қўрқитадиган бир аҳволга тушиб қолди. Меҳри уйнинг у бошидан бу бошигача „дод“деб юмалайди. У ҳуфтонгача қолмайдиган кўринади“. Меҳри касалхонага юборилади. Бу ерда унинг боласини олиб ташлашади. Чақалоқ ўлик ва бошсиз эди.

Чиркин бид'ат натижасида чақалоқнинг бошсиз туғилиши „миязиз-бошсиз“ Фҳриддин хислатининг „акси“, „тимсоли мужасами“ эди.

### Ижобий образлар

А. Қаҳҳор урушдан аввалги ҳикояларида кўпроқ салбий тилларни яратди ва бунда ҳақиқатан реалистик образларни гавдалантираолди. Аммо у ижобий типларни тасвирилашда салбий типларда кўрсатган маҳоратини кўрсатаолмайди. Социализм учун курашучи кишиларнинг ижобий хислатларини бўрттирганда, уларнинг индивидуаль чизгиларини етарли ёритиб бермайди. Мураккаб ҳаёт ичиди тарбияланган ижобий қаҳрамонларга ҳам илакишиган камчиликлар А. Қаҳҳорнинг айрим ҳикояларида ўқучининг кўзидан четда қолади. Улар бирмунча идеаллаштириладилар ва бир'ёнклама бўлиб қоладилар. Бунга қарамай А. Қаҳҳор тараққиётимизнинг етакчи тенденцияси асосида пайдо бўлган янги мумтоз ма'навий хислатларни қабартиб кўрсатабилди. Социалистик қурулишимизнинг актив қатнашчилари образини ҳам яратди.

„Рўдапо“да эски урф-одатларни, эскича ҳаёт тарзини ўзгартишини истамаган, тутган ерини кесадиган ўжар чолга унинг социалистик ахлоқ нормаларини згаллай бошлаган ўғли Обиджон қарши кўйилади. Чол аввалдан унашиб қўйилган бир қизга ўғлини уйлантироқчи бўлади. Обиджон қизни севади. Лекин унинг олдида кечикирилиши мумкин бўлмаган катта ижтимоий вазифалар туради. У никоҳни кейинга суришни истайди. Отаси эса қайсарлик қиласиди. Колхоз бригадири Обиджон отасининг ҳарқанча тўсқинлигига қарамай, социалистик ватан томонидан олдига қўйилган ишларни бажаришга киришади. У, пахта чопигини муваффақиятли суратда олиб чиқиш блан бирга, станция блан қишлоқ орасидаги беш чақиримлик йўлга тош тердириш ташаббусини ўз

устига олади. Давлатнинг ёрдами ва колхознинг кучи блан бу ишга киришади, қат'ий ирода, гайрат ва уқуви орқасида ишни бажаради.

Обиджоннинг ташаббуси (ҳикоя 1933 йилда босилиб чиққан) сўнгги йилларда жуда улуғ миқ'есда авж олган катта Фаргона канали ва бошқа қурулишлардаги қолхозчилар армияси ташаббусининг, улуғ халқ ҳаракатининг дастлабки куртаги эди. А. Қаҳҳор колхоз қурулишининг ажойиб фазилатини, ижодий қудратини, келажакда муқаррарий ўсадиган хислатини ўтқир мушоҳида кучи—сан'аткорлик фаҳми блан олдиндан пайқайолган. Обиджон учун социалистик меҳнатга ҳалол муносабат, қилаётган ишининг самарасини англаш, халқ кучини уюштирабилиш, ишни бошлашда ва охирига етказишида ташаббус ва гайрат кўрсатиш характерлидир. Социалистик ҳаёт Обиджонларни тобора кўплаб ва ёрқинроқ етиштириб келди.

Ёзучининг социалистик қишлоқ кишисининг янги хислатини олдиндан кўрабилиши бу образни яратишдаги бирёзламаликни босиб кетди.

Автор бу ҳикоясида колектив меҳнат пафосини, меҳнат иштиёқини ҳаққоний равишда чизади. „Колектив кўп бош бир тана-га айланди. Кундузи блан қуёшнинг иссиқ, куйдиручи ҳарорати остида иш тинмайди Бир неча киши тош ётқизиш учун ўрин ҳозирлайди, бирмунча ишчи чўнқайиб олиб, тош ўнатади, яна бирмунча киши ётқизилган, кундаланган тошлар устига майдаланган тош сепиб, устидан қум сочади... Қуёшда оппоқ бўлиб тарашалар ҳар ёнга учади, ойболталарнинг жаранглаган товуши, пой тешаларнинг шипиллаб ёғочни ялаши эшитилади“.

А. Қаҳҳор „Мастон“ ҳикоясида қийинчиликлардан қўрқмайдиган, атроф шароитга ҳуш'ёр қараб иш қиласиган бақувват, дадил, мардона ажойиб қиз—Мастон образини яратди. Мастон эрининг қўлида хўрланган Турғунойни мактабга жойлаштириб, баҳтили, эркин ҳаётга олиб чиқмоқчи бўлади. Лекин бунинг учун катта даштдан ўтиш, довон ошиш ва йиртқич бўрилар макони Чўки-Бўри қирини ошиш лозим. Даشتда икковининг биттаю-битта оти мункиб кетиб, ҳалок бўлади. Турғуной тамом ҳолсизланади. „От мункиб кетганда эгарнинг устидан думбалоқ ошиб тушган“, „ўйноқи кантардай абжирлик блан ўзини ўнгариб олиб, Турғуной ёрдамига келган“ эпчил қиз (Мастон) эса барча оғирликларни ўз устига олади, ҳаётини ўртоғидан аямай, лекин имкон борича беҳуда ўлимдан қутулиш йўлини қилиб, ахир Турғунойни фалокат, баҳтсизлик ва ўлимдан халос қиласиди. Чунки, унингча, ожизлиқ киши учун хўрлик ва ор ҳисобланади: „Чунки одам, шу одам, битта бармогининг ҳаракати блан азамат дар ённинг изини ўзгартиришга, тоғларни чангдай тўзитишига қудрати етадиган одам—ўзини ожиз ҳис қилса, бу ожизлиқ бир оёқ ва ғиб қаноти илон оғзига кириб қолган чумчук боланиңидан ошиброқ тушади“. Ҳақиқатан, одам боласи нақадар қудратли! Халқнинг жасоратли, қизи, колхозчи Мастон образида ирода кучининг қудрати, куч-қувватнинг гўзаллиги, романтикаси акс

этган. Башарти гүзалликда куч бўлмаса, у пуч бўлиб қолади. Гүзаллик—инсон ҳаётини баҳтли қилишга, озодлик қозонишга йўналтирилиши керак. Бўлмаса, унинг ма'носи қолмайди. Турғуной соҳибжамол, гўзал жувон, лекин у баҳтсиз бўлиб яшаб келган. Чунки у гўзаллик блан баҳт ўртасида айнан тенглик, бевосита боғланиш борлигига ишониб келган. Унинг бу соҳта қарашига Мастон зарба беради. Баҳтни четдан кутиш эмас, балки ўзи яратишга маслаҳат беради.

Мастон ёлғиз ўзи учунгина баҳт яратиб қолмайди, балки дўстига, коллективга ҳам баҳт яратиш учун интилади. Унинг бу фазилати Турғуной учун кўрсатган инсоний ғамхўрлигида счиқ ифодаланади. У, Турғунойни баҳтли қилиш учун бутун қийинчиликларга кўнади. Ҳечқандай ёрдамни ундан аямайди. Даشتда Турғуной чарчаб, ҳолдан кетганда, Мастон ўзининг ҳориши, қийналишига қарамай, қоронги тунда уни етаклайди, ҳатто опичиб, баланд тепаликка олиб чиқади, бор кучини сарф қилиб, уни бўриларга емиш бўлишдан асрайди ва оғир қийинчиликларни ўтиб, уни колхозга олиб боришга эришади. Ҳарқандай қийинчиликка чидаб, уни босиб ўтиб, олдига қўйган мақсадига етишга интилиш Мастон учун характерлидир. Ёзучи бунда Мастон характерининг етакчи чизгисини бўртиради ва уни белгили социаль тип даражасига кўтаради.

Бу хусусият ҳикоянинг бадиий тўқилмасига ҳалал берадиган ва'зхонлик элементлари нуқсонини (Мастонга эрлар блан хотинлар муносабати тўғрисида узундан-узун сўз берилишидаги камчиликни) анча ювив ташлайди.

Лекин А. Қаҳҳорнинг эски оинг (хусусий мулкчилик) салқитларининг совет кишилари зеҳниятидаги пассив кўринишларини ҳам курсатиши характерлидир. „Ҳар ишнинг ўз маҳкамаси бор“ ҳикоясида совет бурчини тор доира блан чеклаб қўйган „тепса-тебранмас“ Сулаймонов образи берилган. У совет манфаати, ҳалқ манфаати учун ишлагандай кўринади. У советларга хиёнат қилучи, жосусларга хизмат этучи тилёлама қўрқоқлардан нафратланади. Лекин ўзи ҳар ишга дадил, жур'ат блан киришмайди. Ҳаркимнинг ўз иш соҳасидан бошқа ҳечнарсага қарамаслиги кераклигини илгари суради, ҳар ишни „ўз маҳкамаси“га топшириб қўяди. Ўзининг бу ҳаракатидан келиб чиқадиган зарарни ўз „териси“ устида синаб кўргандан сўнггина, ўз „гуноҳи“ни сезади. Демак, ҳикояда юраксизлик, тепса-тебранмаслик, истиқболсизлик, тор амалиётчилик хислатларининг ҳақиқий кенг ишга тўсик бўлиши, ҳатто зарба бериши тасвирланади ва онг ҳам характердаги бу камчиликларни, эскилик салқитларини тугатиши зарурлиги илгари сурлади.

„Кийиз атикуча“ да ишчи—ударник Қодир образида бўшанглик, ҳуш'ёрсизлик, гўлликнинг оқибати кўрсатилади. Бу хислатни Кенжа ва Қодирнинг бошига фалокат жетиради ва уларнинг куни мөшдек очиб қўяди. Кенжани чайқов бозори ниҳангари „қўлга тўширади“, Қодирни ахлоқий а маший жиҳатдан бузган, заводдан заводга кўчиб юручи, қўнимсиз, иш ёқмас, прогул

чи, спекулянт Набигул тузоққа илинтиришга интилади. Лекин улар ҳар икквлари ўз заифликларини сезадилар. Бу эса уларни ҳуш'ёр бўлишга йўллайди.

### А. П. Чеховдан ўрганиш

А. Қаҳҳор майдо ҳикоя техникасини эгаллаган, кичик воқиа ва детальлардан катта бадиий умумлашмалар чиқараоладиган ёзучидир. У, европали ва рус проза усталаридан, айниқса буюк А. П. Чеховдан кўп приёмларни ва бадиий тип яратиш воситаларини, ҳикояни ихчам қилиб тузишни ўрганди. Ҳатто айрим ҳикояларида тип-образлар жиҳатидан ҳам ўхашалик кўрилади. А. Қаҳҳорнинг „Ҳар ишнинг ўз маҳкамаси бор“ ҳикоясида Сухсурев ва Иршод домла деган шахслар ҳақида сўз боради. Булардан, айниқса биринчиси — Сухсурев А. П. Чехов яратган машҳур Беликовни эслатади („Филоф бандаси“ ҳикоясида). А. Қаҳҳор ҳикоясида Сухсуревни ундаги персонажлардан Сулаймонов шундай та'рифлайди: „Бу одам ғалати экан: янгиликдан қўрқади, қандай янгилиикка учрамасин, „тагидан бир чатоги чиқади, яхши бўлса, шу маҳалгача одамларга малум бўлмасми?“ дейди. Янгиликкагина эмас, шуни ўйлаб чиқарган кишига ҳам шубҳа кўзи блаи қараб юради, одатда бўлиб юрган нарса бўлмай қолса ҳам, хавотир қиласди. Қайси йили Бухорога борган эди, ланж бўлиб қайтди. „Ажаб, — дейди, — Бухорода ришта йўқ, юз йиллардан бери давом этиб келган нарса бирданига бўлмай қолса, кишига ғалати та'сир қилас экан“. Сухсуревлар ўтмишдаги Беликовларнинг чеваралари, узоқ авлодлари, салқитларидир. Улар ҳозирги шаронтда прогрессга, жамиятнинг олдинга қараб тараққий этишига ўзбек бўлиб қолдилар, ҳалққа душманлик позициясини ишғол қилдилар. Буюк Сталиннинг XVI партия с'ездидаги ўнг оғмачилар тўғрисида гениаль равишда олдиндан айтиб қўйган машҳур сўзи сўнгги вақиалар блан тасдиқланди. Беликовлар авлоди ватан хоини, ҳалқ душмани бўлиб чиқди. Мешчанларча ўз қобигига бурканган, ҳарқандай янгиликдан қўрқучи, тараққиёт душманинг тарихий тақдиригининг нақадар ифлослиги малум бўлди. Бу эса Сухсурев образида ҳам очиқ акс этди.

А. Қаҳҳор шу ҳикоясида Сухсурев блан бирга ҳар нарсадан чўучучи, қўрқоқ Иршод домла образини беради. У, „киши блан сўзлашганда, мудом ҳаммага малум бўлган ҳақиқатлар тўғрисида гапиради, масалан: палағда тухумни еб бўлмайди; ер шари ўзининг ўқи атрофида шимолдан жанубга эмас, балки гарбдан шарққа қараб айланади; ёзда қор ёғмайди...“. Иршод домланинг ҳеч мустақил фикри бўлмайди, лекин сохталик блан ўзини қатни фикрлар айтиоладиган одамдай кўрсатади. Үнинг ҳар нарсадан ҳадиксираши, қўрқоқларча лаганбардорлиги энг чека нуқтасигача етади. Лекин „мана шу одам, қўрқоқликда мисли бўлмаган Иршод домла жосус бўлиб чиқади“. Ҳикояда Йўлдошев Иршод домла турқини шундай характеристирлайди: „Демак, қўрқоқлик бир ниқоб экан. Арбадан тонгдан нарсалар тўғрисида жўрттага қўрқиб,

ваҳимага тушиб, катта жиноятларни бемалол қилгани кишиларни ғафлатга солар экан. Қўрқоқликнинг бир томони шу, иккинчи томони ҳам бор, бу — дилдагининг тилга чиқувидан эҳтиёт“. Еу эпизод жирканч Беликовлар авлодининг янги — социалистик ҳаёт шароитидаги қабиҳ, халққа заарли ролини равшан гавдалантиради.

А. П. Чехов яратган унтер Пришибеев малум сиёсий тузум туғдирган зеҳисиз, қўпол маҳлуқ эди. Кўр-кўронада солдатчилик ундағи бор-йўқ кишилик фазилатини ситиб чиқарган эди. У миясига михланган крепостниклик хулқ-атворидан сра воз кечалмайди: бошлиқларга нисбатан лаганбардорлигини ва ўзидан пастларнинг тумшигини ерга ишқашни ҳеч тарқ этаолмайди. Одамлар ўртасида бундан бошқача муносабат бўлиши унинг ақлига сифмайди.

А. Қаҳҳорнинг уруш даврида ёзилган „Ишқал“ номли ҳикоя-фельетонидаги немис ефрейтори Гоппи Бейер образи Чеховдаги мустақил мулоҳаза юргизишга лаёқатсиз, расво буйруқларни баҗаришга куччанучи унтер Пришибеев образини өслатади. Гоппи Бейер фашистлар тартиби туғдирган одамларнинг қабиҳ хулқ-атворини гавдалантиради. Гоппи Франциядаги урушдаёк қўймичидан найда еб, чўлоқланиб қолган. У одамийлик қиёфасини батамом йўқатган, у на хаёв на номусни билади. Унинг мияси мустақил ишлаш салоҳиятини йўқотган. У „юқаридан тушган“ бўйруқларни механик равишда ижро қилишнингина билади, туйғисиз „машина“дай ҳаракат қиласди. Унда ақл эмас, инстинктив тамойиллар устун туради. У ҳайвоний хирс блан Эльвира номли қизга хуштор бўлади. Қиз унга илтифот қиласмиади, уни „қирқоёқ“ лақаби блан мазак қиласди. Ўзини „соф орий жинси“ дан ҳисоблаган Гоппи ундан ўч олиш қасдига тушади, бошқа бир танноз қиз — Эльзага уйланади. Бу блан ҳам аламдан ёзилмайди, ўч алангаси ёнади. Ҳамма фашист музассасалари каби қабиҳ бўлган „Аҳолини болалатиш маҳкамаси“ топширган, „Гоппи алоқа қилиши лозим бўлган аёллар рўйхати“ ичидаги қайсар қиз Эльвира номини кўриб, шодлигидан қичқириб юборади. „Севги“си соҳта бу одам оиласини поймол қиласди. Хотини Эльзага сурбетлик блан: „Мен ҳозир Германия учун муҳим ва му‘табар разифанинг ижросига киришмоқ учун кетаётиман.. Бу вазифа сенга мендан талоқ бўлиш ҳуқуқини бермайди“ дейди. Нақадар разиллик!...

Топпи гитлерчилик системасининг итоаткор қули! У ҳарқандай расвогарчиликка чидайди: унинг кўз ўнгига „севгани“ Эльвира, хотини Эльза, ҳатто синглисининг номуси барбод килинади.

Ақл-фаросат, мустақил муҳокама ва инсоний туйғилардан бебаҳра бу автомат одам фашистлар Германиясининг беҳад маనавий тушкунлишини кўрсатади. Гоппи — гитлеризмининг маҳсулли, у ўзича на ташаббус қилаолади, на ижод этаолади. Гоппи — „тепасида туручилар“нинг ишораси блангина ҳаракат қиласидаги қўпол кучнинг умумлашмас тимсолидир. У фашистлар Германиясининг типик унтер Пришибееви эди. Чехов унтерини билган одам ундан беш баттар қабиҳ ва разил көвнидан ефрейтор Гоп-

пини таниди. Фашист „тарбиячилари“ Пришибеевдаги оз-моз „фа-  
зилат“ни ҳам ситиб чиқарып, янада чиркин шаронтда Гоппи қи-  
әфасида қайтадан тирилтирган әдилар.

Фельетон-жыкова ғоят ихчам қилиниб ёзилган. Шахсларнинг  
тили индивидуаллашган, уларнинг гапларидаги такрорлар улар  
оиги ва фаросатининг маҳдудлигини қабартади.

А. Қаҳхорнинг „Мастон“ ҳикоясида Чеховнинг „Чўл“ деган  
повестининг та'сири кўрилганидай, „Бемор“ ҳикоясида „Ўйқиси  
келади“ асарининг та'сири анча яққол кўрилади: Чеховнинг „Ўй-  
қиси келади“ сида крепостной деҳқоннинг ёш қизи хўжайнинг  
чақалоқ боласини кеча-кундуз аллалаб, ахир қаттиқ уйқи босиб  
келган пайтда, уйқи аралаш чақалоқни ўлдириб қўяди. А. Қаҳ-  
хорнинг „Бемор“ ида хўжайнинг қарам камбағалнинг ёш қизи ўз  
касал онасини кундузлари елпиш, кечалари дуо қилиш блан овора  
бўлади. Ҳикоя онанинг ўлими блан тугайди. Она „кўзини юмди.  
Шу юмганча қайтиб очмади—саҳарга бориб, узилди. Сотиболди  
қизчасини ўлик ёнидан олиб, бошқа ёққа ётқизаётганда қизча уй-  
ғонди ва кўзини очмасдан, уйқули товуш блан одатдагича дуо  
қилди.

— Худоё, аямди дайдига даво бейгин...“.

Ҳар икки ҳикоянинг ғамгии, ма'юсона тонда бориши, малум  
шароит натижасида қўзгаладиган та'сиротларга катта аҳамият  
берилиши ҳам бу асарларни бир-бирига яқинлаштиради.

А. Қаҳхорнинг „Миллатчилар“ ҳикоясида ит можароси орқа-  
ли бойга лаганбардорлик қилучи миллатчи-жадидлар (Мирзабах-  
ром ва Тавҳидий) образини очиши А. Чеховнинг кучук можаро-  
си орқали генерал Жигаловга хушомадгўйлигини билдириган Очу-  
мелов образини очишига („Хамелеон“) ўхшашиб кетади. Очуме-  
ловнинг генерал ҳақида ҳурмат блан гапириши икки миллатчи-  
нинг бойваччани сийлаб гапиришини эслатади. Итнинг кимники-  
лиги тўғрисидаги иккиланишлар ҳар икки ҳикояда ўзига жой  
олган.

А. Қаҳхор А. Чеховнинг ижодий ва стилистик хусусиятлари-  
ни ўзлаштиришга интилди. У адабиётда қат'ийлашиб қолган ан-  
дозалардан ва сун'ийлиқдан нари қочади. Уни характернинг тип-  
тиқ хислатлари қизиқтиради. Ортиқча тафсилотларни чўзиб  
утримасдан, тасвирда максималь ихчамликка эришади.

Лекин А. Қаҳхор ҳикояларини Чеховнидан ажратадиган  
муҳим моментлар бор. Биринчидан, уларда турли давр ва та-  
моман бошқача муҳит акс этдирилган. Обивательликнинг рас-  
во ва разиллигини ёрқин ва чуқур кўрсатган Чехов барibir  
порлоқ ҳаётга эришиш йўлини топаолмай, қайғига ботади. У  
одамзод ҳаётининг ма'носи ва мақсади тўғрисидаги масалаларни  
уртага қўйсада, бу масалаларни ҳалқ илиб етмайди, ҳақиқат, адоп-  
ти ва тенглик асосига қурилган, янги жамиятга олиб боручи йўл-  
арни кўрмайди ва одамларнинг ма'носиз ўтаётган турмушини кў-  
риб, уни тоғдай ғам босади. Очиқ мақсадга интилучи ҳалқнинг баҳт-  
саодат йўлиши, ма'ноли ҳаётини ўз куз ўнгидага кўриб тўрган А.  
Қаҳхор эса обивательларни фош ва танқид қилар экан, қайғига

ботмайды. Хотин-қизлар озодлигининг душмани ва тұхматчи Мулла Норқұзилар, бақамдай айниб туручи, ўз бошлиғининг оғига бош қүйишга тайёр туручи Камолхонов, Низомиддинов ва бошқаларнинг разилігі социаль тузумнинг етакчи тенденцияси блан боғланмаган. Булар эски муносабатларнинг қолдиқлари бўлиб, уларнинг кулгили ҳолати совет воқи'лиги фонида ўз бема'шилигини яна чуқурроқ кўрсатади. Мулла Норқўзининг ўзбек совет хотин-қизларини қоралаш учун келтирган „факт“ лари унинг ўз расволигини, қолоқлигини намойиш қилиш учун айнома бўлиб чиқади. У дейди: „Сотиболдининг хотини дориҳонада ишлайди, ҳар куни мингта одам блан сўзлашиб, муомала қиласди, ахир биттаси бўлмаса, биттаси кўз қисади-да! Мелиқўзининг хотини автобусда кондуктор; ба'зан ярим кечада келади. Иши эрта тугаган куни ҳам ярим кечагача юрса, айшини қиласа, эри билиб ўтириптими? Иzzатнинг синглиси бўлса, артист — халойиққа қараб, муқом қиласди. Норбўтанинг қизи докторликка ўқийди, мингта ошнаси бор, десангч! — Эркакларнинг ичиде бўлгандан кейин, ни ма бўлар эди“. Мулла Норқўзининг қизгин кураш блан эришилган ажойиб ютуқларни, ҳарбир совет гражданининг каттадан-кичигига қадар онгига сингиб, аксиома бўлиб қолган ҳақиқатларни салбий қилиб кўрсатишга уруниши унинг ўзини китобхон назаридага кулгили, тушунчаси паст, бефаҳм одам қилиб қўяди. Замонализмнинг порлоқлиги персонажлар характерини очища, тўқнашишлар орасида тадрижан едириб юборилади. Шу „Майиз емаган хотин“ ҳикоясида бу нарса ҳикоянинг хотимаси блан ҳам очиқ ифодаланади. Унда ўн икки ёшлардаги бир қиз девордан кесак кўчириб олиб, Норқўзига ўхталиб, дейди: „Хе, ўл, турқинг қурсин! Бошингга солайми шу блан! Маҳаллада сасиб, ўқучи қизларга кун бермайсану, ўзинг нотўғри иш қиласан...“ Булар, кимдир, бироннинг Мулла Норқўзи „бошига оғир тегирмон тоши“ бўлиб тушган аччиқ кесатири блан тугайди ва уни тамомила фош қилиб қўяди: „Ҳа, бу кишининг хотини майиз емаган!“.

Бошқа ҳикояларида ҳам ўжарлар разолати ёрқин совет воқи'лиги фонида янада чуқур хис қилинади.

А. Қаҳҳор ҳикояларининг яна бир фарқли ҳусусияти шундаки, уларда ўтмиш салқитлари танқид қилинганда, миллий колорит равшан ва тўғри кўрсатилади. Миллий колорит фақат тилдагина эмас, балки ҳикояларда тасвир қилинган ҳалқ турмушининг тарихий-маҳаллий ҳусусиятларини кўрсатишда, ўзбек урф-одати, характери, ҳулқи ва майний хислатларини гавдалантиришда ҳам ифодаланди. А. Қаҳҳорнинг ҳарқайси ҳикоясида бу нарса очиқ кўринади.

Демак, А. Қаҳҳор тақлидчилик йўли блан бормайди. У, А. Н. Чехов асарларида ижодий равишда ўрганади. У ўз ҳикоялари учун мустақил мушоҳада қилган ва чуқур билиб олган ҳодисаларни материал қилиб олади ва уларни ўз қарашлари блан ёритади. Фақат ҳаётий, ихчам образлар яратишда улув рус новеллистининг образ вужудга келтириш усули ва стилистик приёмларидан фойдаланади.

## A. Қаҳҳор ҳикояларининг бадиийлиги

А. Қаҳҳорнинг достлабки ҳикояларидағи камчиликлар — сиёсий ва'зхонлик, публицистик нұтқ тез барҳам топади. У ҳикоя санатини яхши әгалаб олади. У энди ўз фикрини фақат образлар блан ифодалайди. Унинг ҳикояларининг "об'ектив" лиги кишини ҳайратта қолдиради. У, китобхонга насиҳат қилиш, уқтириш йўли блан әмас, бадиий образ блан тас'ир этишни а'ло кўради. Ҳарбир ҳикояда қўйилган масаланинг батамом ҳал қилинишини китобхон ихтиёрига ташлаб қўяди. У, ҳикоясида тасвирланган персонажлар устидан ҳукм чиқармайди, воқиаларни худди ўзи кўргандай, "холис" гувоҳ каби сўзлай беради. Унинг бу об'ективизми фикрсизлик, танланган мавзу'ни охиригача ўйлаб етмаслик натижаси әмас; бу об'ективизмнинг натуралистик тасвир блан ҳечқандай алоқаси йўқ. Ҳарбир ҳикояда ёзучининг муайян фикри, ўз қараши бор, унинг воқиаларга бўлган муносабати аниқ. Фақат мораль, ният ҳикоянинг бадиий тўқилмасидан тутишиб, қалқиб чиқиб турмайди. "Ўғри" ҳикоясида ҳўқизи ўғирланган Қобилбобонинг ноҷор аҳволи, эллико боши, амин ва приставнинг унга бўлган муносабати яққол кўрсатилади. Аммо на шўрлик Қобилбобо аҳволининг аянчлилиги ҳақида, на қаҳри қаттиқ майдада амалдорларнинг расвониги ҳақида алоҳида уқтириш қилинмайди. Автор ўз ниятини ўқучидан пинҳон тутади. Ҳулосани ўқучанинг ўзи чиқаради. Автор эса ҳулосани тўғри чиқариш, ўтмиш жафоси ҳақида жонли тасаввур олиш учун унга ёрдам беради, ўтмиш ҳаётнинг моҳияти ва ма'носи тўғрисида ўйлашга, тасвирланган ҳодисаларни идрок этиш, фаҳмлашга ва умумлашма фикрлир чиқаришга уни мажбур этади.

"Анор", "Миллатчилар", "Бемор", "Тамоша боғ" ва бошқа ҳикоялари ҳаммаси шу асосда ёзилган. "Бемор" да автор уқтирилмаси йўқ. Ўтмишда камбағаллар кечирган азоб-уқубатли ҳаёт, маданиятсизлик, ирим-сиримлар, хурофий урф-одатлар, қолоқлик тўғрисида та'лим берилмайди. Ҳукмнома китобхонга ўқиб туширилмайди. Ликин ҳикоя ўқучида бениҳоят ма'юсона кайфият қўзғатиши блан унинг руҳида чуқур та'сир қолдиради. Камбағалликнинг даҳшати тоқатни-тоқ қиласди. Бундай ҳаёт тарзини туғдирган шароитнинг манфурлигини чуқур ҳис этдиради. Бунга ўлаётган касал хотин оиласининг иложсиз ҳолатини "ўзидай" кўрсатиш блан эришилади.

"Анор" да Туробжоннинг бошиқоронги хотини кўнгличи таскин топтириш учун бойининг боғидан анор ўғирлашга мажбур бўлиши меҳнатининг роҳатини кўрмаган, армон блан яшаган ёш одамлар ҳаётининг саҳифасини сра айнитмай равшан кўрсатиб беради. Ахир руҳланиб, куйинчоқлик блан, лекин ўзини аралаштирамай "холис" чизилган сурат шунчалик бўлади-да!

Ёзучи ўз ҳикояларида фақат картина чизади, айрим ҳодисаларнинг суратинигина солади. Лекин китобхон бу картиналарда узбек ҳаётини, ҳалқ ташвиши ва қайғисини кўради. Сан'аткорнинг одамларнинг дарди учун куйинишини сезади.

**А. Қаҳхор ҳикояларининг бадиийлигига далолат қиласидаги иккинчи бир хусусияти уларнинг одатдан ташқари ихчам, лўнда тузилишидадир. Бирорта ишора ва имо, ҳикоянинг тони, қаҳрамонларнинг кайфияти, хафагезак ёки хушчақча манзара, кичик бир деталь блан қаҳрамоннинг аҳвол-руҳияси, ички ҳаёти ёрқин очиб берилади. Ёзучи қаҳрамоннинг таржимаий ҳоли, унинг тўла характеристикаси, унинг хотиротларини сўзлаб ўтирамайди. Ҳикояни кўшинча тўппа-тўғри воқиадан бошлаб, бир-икки штрих блан қаҳрамонларнинг ички дун'ёсидаги мураккаб ўзгарышларни кўрсатабилади. У воқиаларнинг юзага келиши ва ривожининг бутун тарихини кўрсатиб ўтирамайди, балки воқиаларнинг обий кўринишларини тасвирлаб қўяқолади, равшан, характерлива та'сир қолдиручи детальларни қабартади.**

А. Қаҳхор ўз қаҳрамонларининг туйғиси, ҳасрат, севги, хурсандлик ва бошқаларни бошлича ташқи обстановка, манзара, табиат лавҳаси, қоҳрамоннинг нутқи блан беради. Бу яна ихчамликка йўл очади. „Бемор“ да ёзучи касалнинг озиб кетгани тўғрисида даб-дурустдан гапирмайди. Тўрт яшар қизча инқиллаб ётган „онасининг юзини карахт, нимжон, хира пашшалардан қўрийди“. Пашшаларнинг карахт, нимжонлиги онанинг қайси аҳволда ётганилигидан дарак беради.

А. Қаҳхор обстановка ва табиатни тасвирлайшда майдада жузларга кўпроқ ёпишади. Картина вужудга келтириш учун ҳодисанинг бевосита ўзини эмас, ундан қоладиган изларни чизади. А. Г. Чехов биродарига шу сатрларни ёзган эди: „Масалан, башарти сен синиқ бутилка шишининг тегирмон тўғонида чарақлаган юлдуздай жимиллаб турганини ва итнинг қопқора сояси коптоқдай юмалаб кетаётганини ёзаолсанг, ойдин кечанинг тасвири ҳосил бўлади“. Бу фикрни у „Чайка“ асарининг қаҳрамони, омадсиз шоир Треплёв оғзида яна қайтаради. Тригорининг ёзучилик приёмлари ҳақида у дейди: „Тўғонда синиқ бутилканинг оғзи ялтираб туради ва тегирмон паррагининг сояси қорайиб кўринади, мана шу блан унда ойдин кечанинг тасвири тайёр бўлади“.

А. Қаҳхор ҳам шу йўл блан бориб, буюм ва ҳодисанинг ин'икосини беришга катта аҳамият беради. Еруғлиқ та'сирни остида нарсаларнинг кўзга ташланishiга диққат қиласиди. Зотан буюм ё обстановканинг айрим қисми умумий нарса ё бутун обстановкага нисбатан яқолроқ кўзга ташланади. Буни А. Қаҳхор яхши билади. „Ошиқ“ ҳикоясида „ошиқ-ма'шуқ“ кечаси дарахт тагида бир-бирига муҳаббат изҳор қилишади. Уларғиришира кўзга кўринади. Аммо „хотинининг балдоғи ой нурида йилтирайд“. Буюм ва ҳодисани жуз' ёки ин'икос орқали кўрсатиш бошқа ҳикояларда ҳам учрайдай. „Ҳар шамол хуруж қилганда сув зарраларида қуёш товланиб, „Ҳасан-Хусанинг камалаги“ пайдо бўлади“ („Ҳар ишнинг ўз маҳкамаси бўр“). „Мачитдаги кекса бақа терак орқасидан қўтаришган қизғич ўт, кўкда оловли из қолдириб, жуда юқорилади ва гўё осмонга урнлгандай чилпарчин бўлиб „пўп“ этди“ („Анор“). „Қуёшнинг қизғич нури тог чўйқинарига элтин

суви югуртириб, қорониликни олтин супурги блан супурди“ („Мастон“).

Әриқ сочучи нарсалар туфайли соя, дөғ түшиб туради. Шу сабабли әрүг пайтга ишора қилиш учун соя ҳақида гапириш ва соя орқали вақтни билдириш мумкин: „Салмоқли қадам ташлаб бораётган бу икки йұловчининг қисқа соялари катта-кичик тош, қуриган янтоқ ва турлы дашт усимвиллари устида әғилиб, букилиб борар әлі“ („Мастон“). Даشتда юриб кетаётган икки кишининг соясидан қүёшнинг тикка келган, қизиқ пайти англашилиб туради.

А. Қаҳхор ҳикояларида күриш орқали сезиладиган картиналар блан бирга эшлиши орқали олинадиган та'сиротлар, ин'икослар ҳам берилади ва бу белгилі кайфиятни кучайтади: „Бутхона құнғироғи кечки ибодатга чақириб, оғир ва узун дараптади“ („Тамоша бөг“). „Шипнинг қаеридир қырсы этди, қаердадир калтакесак, чирқиллади. Турабжоннинг құлғы жинғиллади“ („Анор“). „Бу битта тош соң саноқсиз тошларни әргаштириб, шарақлаганича түшиб кетди ва унинг акс садоси не вақтгача тунги қорониликни тұлдириб турди“ („Мастон“).

Ба'зи та'сиротлар ноаниқ, жуда хира ва мужмал бұлиши мумкин. Буны А. Қаҳхор күпинча „шекиллик, қандайдир, аллақандай, кимдир, нимадир, негадир, нучукдир, қаеққадир“ сүзлари блан ифодалайды. Лекин шу арзимаган ташқи деталь орқали ҳодисанинг ички динамикасини очади, ипотаниш мұхит, номалум нарса, майда ихтирос, бетайин түйғи ва чакана характеристики күрсатади: „Қаердандир, уста Кулолнинг кампири пайдо бўлиб, офицернинг оғига йиқилди“ („Тамоша бөг“). „Тепакал бир киши лунжини тұлдириб, нимадир, чайнаб утирипти“; „Хотин күзини очди, негадир аччиғи келди“; „Айб кондукторда ҳам әмас, бу хотинда ҳам әмас, у кишида ҳам әмас,—деди, кимдир,—айб күпчилик биээрқакларда“ („Холис таклиф“). „Унинг хурраги ҳам, нучукдир, адабийроқ әди“ („Сан'аткор“). „Нимадир, гурсиллаб ерга тушди, нимадир, синди“ („Майиз емаган хотин“). „Қодирнинг ғаши келди шекиллик, кечгача қовогини очиб қарамади“; „Ростдан ҳам шундай қылғанга үштайман“ деб үйлади шекиллик, паст тушди“; „Набигул, қаеққадир, кетиб. Қодир унинг акаси блан ёлғиз қолди“; „Айтиб әдим, шекиллик“; „Аллақандай бир терговчини чақыртириб (чақириб ҳам әмас) хұб сұккан әмиш“; „Күзи жөндирайди — ниманидир кутади, нимадандир умидвор“; „Сұхбатдан, нучукдир, файз кетди“; „Әшиги олдида, кимдир, қопқора ҳайкалдай бўлиб тұрар әди“; „Бу әрталаб ишни катта қылмоқчи шекиллик, деб Қодирни вахима босди“ („Қанотсиз читтак“).

Броқ бу усулларни құлланиш А. Қаҳхор учун мақсад әмас. Ёзучи қаҳрамоннинг кайфиятни бериб, бирнече ғылда мудаған жағдай, қарқандай зұракиilikdan холий образ яратиш учун бу усуллардан фойдаланади.

А. Қаҳхорнинг усталик блан тил воситаларидан фойдаланиши яна айни муддаға хизмат этади. М. Горький 1900' йилда А. Чеховнинг „Жарликда“ повести ҳақида шуларни ёзған әди:

„Бу, ишлатилган сўзларга қараганда мазмунни анча катта бўлган асарлардан биридир. Чехов стилист сифатида „сўзларни сиқиқ, фикрни кенг қилиб ёзиш сан'ати“ни олий даражада ўзлаштирган, замонимизнинг ягона сан'аткорлари дандир“. А. Қаҳҳор ҳам бу принципни маҳкам ушлади У бирнече сўз блан ҳодиса ё образни китобхоннинг кўз ўнгидаги гавдалантиради. „Ўғри“ ҳикоясининг бошланишида икки сатрда ҳам воқиани очади, ҳам унга бўлган муносабатни билдиради, ҳам ўзбек деҳқони оиласининг ҳаёт тарзини тасвирлайди, ҳам ўтмишла унинг тирикчилигига нима муҳумлигини кўрсатади: „Кампир тоңг қоронғусида хамир қилгани туриб, ҳўқиздан хабар олди. Ҳўқиз йўқ, оғил кўча томондан тешилган... деҳқоннинг уйи куйса куйсан, ҳўқизи йўқолмасин. Бир-икки қоп сомон, ўн-ўнбешта хода, бир арава қамиш—уй. Ҳўқиз топиш учун неча замонлар қозонни сувга ташлаб қўйиш керак“. Бунда сўзлар нечоғлик сиқиқ бўлса, ма'но шуқадар зич.

Бундан ташқари ҳарбир социаль гуруҳнинг ўзига маҳсус ифодаларни ишлатади. ҳарбир шахсни ўз тили блан гапиртиради ва унинг сўзлаган сўзи орқали характерини очиб қўяди:

„Камолхонов мулойимлик блан кулди.

— Биламан, ўртоқ Сулаймонов, фақат қийин булган учунгина сизнинг олдингизга кирдим. Сиз энди, қийин, деб... ўзингизни камтарин тутаётисиз-да. Эшакни яширсангиз, ҳанграб, шарманда қилади. Тағин кўнглингизга келмасин, мисол учун айтиётиман, азбаройи очиқлигим учун... Сиз араванинг гупчагини ерга кўмсангиз, худо урсин, бодринг кўкариб чиқади“ („Икки ёрти бир бутун“). Калтафаҳм, хушомадгўй Камолхонов образи учун бу гаплар ғоят ёпишиб тушади ва унинг характерини тўлиқ очади.

„Рақиб“ ҳикоясида бир чолнинг қўшниси унинг „ити келиб турганини билмасдан арра сўраб кирган“да айтган гапи унинг қўланса, ўжар, бадфе'лигини жуда яхши характерлаб беради. „У аррани олиб чиқиб:

— Мана, жуда яхши арра, кеча тишлаб, ўткирлаб, ҳали битта гаврон ҳам аралаганим йўқ. Ўткир, аммо сенга бермайман. Ҳув, падарингга ла 'нат!“ — дейди.

„Миллатчилар“ ҳикоясида жадидлар журнали — „диний, ахлоқий, адабий, мужаллайи миллый“нинг ношири ва муҳаррири Мирза Баҳром ҳикоясининг тили лексика ва гап тузилиши жиҳатидан келтирилган парчалар тилидан кескин сувратда фарқ қилади. Мирза Баҳром ёзади: „Бир фақир бир бадавлат одамга ҳамсоя эрди. Бир кун онинг ўғли фақирнинг ўйига бориб кўрдики, ул одам, бола-чақаси блан аллақандай таомни еб ўлтурибдур. Андак замон тикилиб туриб, ул таомга майл қилди. Аммо буларнинг ҳечқайсиси ани таклиф қилмади. Бола йиглаб, ўз ўйига қайтди. Отаси йиглаганининг боисини сўрадилар. Ул бола, фақирнинг таомга таклиф қилмагонидан шикоят қилди. Отаси буюрдики, филхол анвои лазиз таомлардан пиширгойлар“. Ҳатто ҳикояда Мирза

Баҳромнинг китобий тили блан оғзаки гапи ўртасидаги нозик-тафовут ҳам кўзга ташланиб туради:

—Итку, итлигини қилмоқда,—деди Мирза Баҳром ўрнидан туроётисб,—сизга ҳайровман! Нима ҳожат?

Иккави йўлга тушди. Анча ерга индашмасдан боришиди. Гапни Тавҳидий бошлиди:

—Я'ни сен ҳам ит деганингизму бу?

Мирза Баҳром ундан ма'во чиқишини сра кўзда тутмаган экан, ўсал бўлди.

—Иўқ, йўқ, асло! Агар шундай ма'но чиқса, мендан ўтибдур. Ма'зур кўрасиз. Мен айтмоқчи бўлдимки... ит танимади, я'ни зўр блан танимади беҳуда". Икки миллатчи-жадиднинг гапида, мояросида уларнинг қарashi ва фикрининг маҳдудлиги равшан сезилиб туради.

Персонажларнинг бундай характеристик гапларини биз юқорида айrim ҳикояларни текшириганимизда, кўп келтирган эдик. Бўйерда шу мисоллар блан чекланамиз.

**А. Қаҳҳор жумлаларни ихчам, содда тузади, мураккаб гап тузилишлари ва оғир ифодалардан қочади.**

„Туробжон чиқиб кетди. Бир пастдан кейин кўча эшиги очилиб, ёпилди.

Хотин узоқ йиглади. Эрига қаттиқ гапирганига пушаймон бўлди. Ўзини қарғади, ўлим тилади. Йигидан толиб, ташқарига чиқди. Қоронғи. Узок-яқинда итлар ҳуар әди. Кўча эшигини очиб, ўёқ-буёқка қаради. Жим-жит. Гузар томонда фақат битта чироқ милтиллар әди. Самоварлар ётган. Қайтиб уйга кирди“ („Анор“). Бу қисқа жумлалар картина ва кайфиятни нақадар яхши бераолади.

„Сотиболдининг хотини оғриб қолди. Сотиболди касални ўқитди— бўлмади. Табибга кўрсатди. Табиб қон олди. Бетобининг кўзи тинадиган, боши айланадиган бўлиб қолди. Бахши ўқиди. Аллақандай бир хотин келиб, толнинг хипчини блан савади, то-вуқ сўйиб қонлади... Буларнинг ҳаммаси пул блан бўлди: бундай вақтларда йўғон чўзилади, ингичка узилади“ („Бемор“). Бу қисқа-қисқа, содда, аччиқ гапларда қанча ҳақиқат, қанча ҳаёт, қанча урф-одат бор!

Бунинг устига А. Қаҳҳор ҳикояларида сўзларнинг ўрни-ўрнига қўйилганини, тасвирий воситалар (ўхшатиш, сифатлаш ва истиоралар) нинг енгил, содда ва айни чоқда оригиналлигини қушиш лозим. „Бирнеча минут жимлик бўлгандан сўнг, йигит гапнинг сархонасини янгилади“; „Қишлоқда, бўлмай қолган жуворидай якка-дукка, унда-бунда қозон, кетман чалинган овозлар эши-тилади“ („Яна ой қачон куяди“). „Икки саводсиз одам топиш булас учун гўё тош асридан қолган асбобларни кидиришдай әди“ („Мирза“). „Пакана, ғунда, вужуди ажайдан дарак бериб тутған жаллод көнгуб, унинг елкасидан тортид“; „Ўзини саркардалардан паст ҳиғ благан йигитлар касал ғурраидай қунишгай“; „ўнбошининг бошига, қаидайдир милтиқнинг қўндоғи зарб блан түшиб, ковоқдай ёрди“ („Кўр кўз инг очилими“). „Пастда

миз, ҳам ёш булишига қарамай, тепакал бир киши лунжини түлдириб, нимадир, чайнаб ўтирибди. Ёнбош ўринларнинг юқорисида хушбичим, қора ва узун сочли, арчилган тухумдекгина бир жувон ётибди“ („Холис таклиф“). „Новча, буқчайған бир йигит ўртага тушиб, уни орқага судрар эди“ („Қанотсиз читтак“). Бу оддий сўзлар объектнинг характеристик чизгиларини нақадар тасвирий кўрсатади.

Ниҳоят, А. Қаҳҳорнинг халқ ифодалари, мақоллари ва оталар сўзидан кенг ва ижодий равишда фойдаланганини айтмасдан ўтиш мумкин эмас.

„Кўлида олтти соат, ҳусн бу қадар. Менинг нимамга ишқбоз бўлади? Бир балоси бўлмаса, шудгорда қўйруқ на қилар?“ („Ошиқ“). „Нима бўлдию, уста Абдураҳмон киши қўйгандан Нисабуви майл берсаолди. Бу тўғрида ба'зилар: „Нисабуви илгари-ям уста Абдураҳмон блан дон олишиб юрар экан“ деган гапни қилишди. Ба'зилар: „Бечора нима қилсин, иккита боласи бор. Уста Абдураҳмоннинг ҳам ўлган хотинидан битта ўғли бор. Вақти келгандан тили узун бўладиган иш қилипти-да“ дейиши („Бошисиз одам“). „Сабр қилинг-да — гўшт суюксиз бўлмайди“; „Яхши бузоқ булиб, икки онани эмаман, дейди. Шу чакки“ („Мунофиқ“). „Ўлғундай беҳис, тепса-тебранмас экансан-да!“; „Бошним кал бўлса ҳам, кўнглим нозик“ („Қанотсиз читтак“). „У бутун маҳаллага отнинг қашқасидай малум бўлиб қолди“ („Мирза“). „Ўроқда йўқ, машоқда йўқ — хирмонда ҳозир бўлганлар бошларингни айлантирганлар“ („Кўр кўзининг очилиши“). „Қуруқ қошиқ оғиз йиртади“; „Ўйнашмагил арбоб блан — сени урар ҳар боб блан („Ўғри“). „Асал отликқа йўқ, ҳали биз пиёда-ку!“; „Туробжоннинг тепа сочи тикка бўлди“ („Анор“). „Тавба, молнинг оласи тошида, одамнинг оласи ичиди бўлар экан-да!“ („Ҳар ишнинг ўз маҳкамаси бор“). „Мингта хушомадгўйни ҳўл олиб бориб, қуруқ олиб келаман-а!“ („Икки ёрти-бир бутун“).

А. Қаҳҳор ўз ҳикоялари композициясини ихчам қилиб уюштиради. Воқиалар ёзучининг асосий фикрини, ниятини очиб беришга ёрдам қиласидиган миқдорда олинади. Воқиага кам алоқадор бўлган тасвирларга йўл қўйилмайди. Унинг ҳикоя қилиш манерасида сийқалик йўқ. Ҳикояни аҳ'ён-аҳ'ёнда табиат тасвири блан бошласада („Миллатчилар“), бу тасвир foят қисқа бўлади ва бир-икки жумладан ошмайди. Ба'зан воқиага кириш учун кўпrik бўладиган кичик бир муқаддима блан ҳикояни бошлайди, лекин уни тезлик блан воқианинг тугунига ва ўсишига олиб боради. Кўплинча сюжетнинг ўсган еридан воқиани бошлаб юборади („Гумроҳ“ да техник йигитнинг лабига тўппончанинг тиравиши блан, „Мастон“ да отнинг мункиб йиқилиши блан бошланади) ва воқианинг ўсишига тўсқинлик қилучи ваз'иятларни тез-тез бартараф қиласоради.

Абдулла Қаҳҳорнинг новеллаларида ҳаётнинг бир кўриниши, бир можаро олинади ва шу можаро доирасида характеристикнинг бир-икки мўҳум хислати очилади. Киши онгидаги ҳисклик ва хусусий мулкчилик салқитлари — бўшанглик, иккюздамалик,

худжомлик, мансабпаратстлик, хушомадгүйлик, құрқоқлик, ижти-  
мойиң бефарқылар, хотинларга паст назар блан қараң, манманлық  
ва ҳоказолар ҳамда одамзоднинг ижобий фазилатлари — фидо-  
корлик, ватанпарварлық, садоқат, ишчанлық, ҳалоллық, меңнат-  
парварлық ва ҳоказолар — ҳаёт блан түқнашиб, ўз моҳиятини  
күрсатади.

Еэучи шу тахлитда ҳаётнинг бир манзараси, бир можаросини  
ихчам қилиб тасвирилашга интилганлигидан, аксарі ҳикояларида  
воқиани бир рамка ичига олишга, қолиплашға ҳаракат қиласы.  
„Ошиқ“ ҳикоясида Бадалжон исмли йигит бегона хотин блан  
учрашади, икковлари бир-бирларига ишқ-муҳаббат изхор қилиша-  
ди, Бадалжоннинг хонасида хотин бирдан ғойиб бўлиб қолади.  
Бадалжон ундан ажралади. Учрашиш-ажралиш ҳикоя тузулишида  
рамка бўлиб хизмат этади. „Мунофиқ“да Низомиддиновнинг сўз  
учун минбарга чиқиши ва ундан тушиши ҳикоя учун қолиплаш ро-  
лини ўйнайди. „Кийиз этикча“да Кенжанинг умид блан бозорга  
бориши ва ундан ноумид қайтиши, „Мирза“да Боқимирзанинг бош-  
қа шаҳарга келиши ва ундан ўсал бўлиб жўнаб кетиши, „Кўр-  
кўзининг очилиши“ да Аҳмад Польоннинг жаллод қўлига тушиши  
ва ўзи ҳалок бўлсада, ундан қутилиши, „Миллатчилар“да икки  
миллатчининг конторадан чиқиши ва пивохонага кириши, „Ҳар иш-  
нинг ўз маҳкамаси бор“да икки дўстнинг кезишга чиқиши ва у  
ердан қайтиши ва ҳоказолар қолиплаш (рамкалаш) учун хизмат  
этадилар ва ҳикоянинг тузилишини ихчамлаштирадилар.



## АДАБИЙ ЧОРШАНБАЛИК

Икки йилдан берин Тошкент ёш ёзучиларининг адабий семинари (чоршанбалиги) давом этиб келмоқда. Семинар ўз ишини қўйидагича олиб бормоқда,

Биринчидан, ёш ёзучиларинг илмий ва адабий савиасини ошириш мақсадида олимлар блан учрашув бўлиб турни ва уларнинг малум тема устидаги лекциялари тингланди. Шу жумладан СССР фанлар академиясининг корреспондент-а'зоси, профессор Е. Э. Бертельнинг „Узбек классик адабиётига оид“ илмий лекцияси, Ҳомил Ёқубнинг А. Қадор ҳикоялари ҳақидаи доклади, доцент Маковнинг „А. Сурков ва К. Симоновларнинг ижоди“ ҳақидаи доклади, доцент Ҳамид Сулаймоновнинг „Фарбий Европа адабиётида новелла усталари“ мавзузидаги лекцияси, доцент Краснобаевнинг „Совет ёшлигининг ахлоқи“ ҳақидаи лекциялари эшитилди.

Иккинчидан, семинар, илғор ёзучилар тажрибасидан ўрганиш маъносида, улар блан учрашувлар ташкил этди. Ёзучи Ойбек „Навоий“ романни устида қандай ишладим“ деган мавзуда ўзининг ижодий тажрибаларини гапириб берди. Ёзучи Faур Ғулом ўзижолий тажрибларидан гапириб, ёш, шундайма жуда яхши маслаҳатлар оғорди. Орденли ёзучи Абдулла Қадор ҳикоя ёзишдаги тажрибалари ва ёзучи Ойдин „Бадий очерк“ ҳақида сукбат ўтказди.

Учичидан, адабий семинар бо илб чиққон асарлар устида муҳокамалар ўтказди. Бунда муҳокамага қўйилган асарларнинг бадий ютуклари ва нуқсонлари мисоллар блан кўрсатиб берилди. Шу жумладан, Темур Фаттоҳвинг „Япроқлар дегач церлар тўплами (докладчи Миртемир), Зулфиянинг „Хижрон кунларизда“ шे'рлар тўплами (докладчи Ойбек), Ҳамид Ғуломнинг „Ҳайкал“, „Салют“ номли ше'рлар тўплами, Мирмуҳсиннинг „Вафо“ деган ше'рлар тўплами (докладчи Темур Фаттоҳ), Туроб Тўланинг „Табассум“ деган ше'рлар тўплами, Ёнғия Мирзанинг „Вафо“ поэмаси (докладчи Ҳ. Ёқуб), Шуҳратнинг „Фарзанд“ поэмаси (докладчи Миртемир), Шукрулла Юсуповга Толибий ше'рлари муҳокама қилинди.

Асар устида авторга тегишли маслаҳатлар бериш тартибида 10 мартадан ортиқ семинар мажлисизда шоирларнинг явги ше'рлари ўқилди ва муҳокама қилинди. Проза бўйича Ойдиннинг ҳикоя ва очерклри, Сайдадаҳмаднинг ҳикоялари муҳокама қўйилди.

Адабий чоршанбаликдан бирида бадний ўқиш ўтказилди. Бунда отоқли шоирларнинг энг яхши ше'рлари ўқилди. Ёш шоирларлик чироғливи, та'сирли қилиб ўқишга ургатиш мақсадида бундай бадний ўқиш кечалари ўтказиш ҳам семинарининг тематик планига киритилди.

Ёш ёзучиларниң адабий семинарига Ойбек, Уйгун, Гафур Гулом, Абдулла Қаджор, Шайхзода, Миртегмир, Ойдин ва Ҳомия Ёқуб ўртоқлар яқиндан ёрдам бермоқдалар. Семинарда драматик асарлар ҳам таҳлил қилинib түрзи ва драматургиянынг тажрибалари ўрганиб турилди. Чоршабалик мажлисларидан бирида Әйгун ва И. Султон ўртоқларниң „Алишер Навоий“, Шайхзоданиң „Жалолиддин“ асарлари ўқилди. Авторлар асарни ёзишдаги тажрибалари, таризий манбасынан қандай фойдаланиш түғрисидаги тажрибаларини вайтиб бердилар.

Шунингдек Сайдадмадниң „Ошиқма-шуқлар“, Турсун Собирий ва Фулемовларниң „Дилором“ деган пьесалари ўқиб чиқилди ва муҳокамасыда ўртоқ Яшин ёшларга ўзининг жуда яхши маслаҳатларини бўрди. Семинар мумкин қадар ёш ёзучига ижодий кўмаклашиш, асар устида жиддий ишлашига уни илҳомлантириш, билим берниш мақсадини кузатди.

Яқинда, семинарда М. Ҳакимниң „Оталар“, Б. Ҳалиловниң „Гумон“ деган бир пардалик пьесалари муҳокамага қўйилди. Сўзга чиққанлар театр соҳасида бир пардалик пьесаларга бўлган катта ихтиёжни қондириш мақсадида иккни ёш драматург томонидан қилинган бу ижодий

ҳаракатни олқишиладилар. Бир пардалик пьеса ёзиш — анча ижодий меҳнат талаб қиласи. Ёш драматурглар мавзу'ни яхши танлаганлар ва воқиа ҳам киши характерларини биркаладар типиклашибурганилар. Лекин ҳар иккни асар камчиликлардан холи эмас. Уларда киши характеридаги хусусиятлар етари очилмаган. Авторлар ўртоқларниң маслаҳатини самимий қабул қиллилар.

Семинар бизда кўпдан берли оқираб келаётган болалар адабиёти бўйича ҳам иш олиб бормоқда. Семинар мажлисларидан бирида ҳозирда марҳум шоир Зафар Диёрниң „Софя“ китоби муҳокамага қўйилган эди. Китобниң болаларга мос, содда тил блан ихчам, қизиқарли воқиаларни ўз ичига олган кичик поэмалари („Боғбоя“, „Хўрэз нега қичкирадитонг пайти?“), қўшиқлари ҳакида сўзлаган ўртоқлар ўша вақтда шоир Зафар Диёрга ўзларининг энг яхши тилакларини айтган эдилар.

Шукур Са'дулланинг „Шоҳиста“ деган шे'рлар туплами, Қуддус Муҳаммадийнинг болалар учун ёзган ше'рлари ҳам таҳлил қилинди. Авторларга жуда яхши маслаҳатлар берилди.

Навбатдаги мажлисларниң бирида доцент Маковниң „Маяковскийда ҳажа“ ва доцент Ҳоди Зарифовниң „Ёзучилар фольклордан қандай фойдаланишлари керак“ деган лекциялари тингланади.

## МУНДАРИЖА

<i>афур Ғулом — Вакт</i>	3	<i>Ёнған Мирза — Қалдиғоч</i>	36
Күчат	5	<i>Камолий — Ишга</i>	37
<i>Ўғун — Ҳаёт ишқи</i>	6	<i>Ҳабибий — Ёрини кутған ёр құшиғи</i>	38
<i>Қаҳдор — Құшчинор (роман)</i>	8	<i>Машхур Асқар — Әдиягдами</i>	39
<i>Қиртемир — Аму Қирғоқлари</i>	17	<i>Екубжон Шукуров — Яйловда</i>	
<i>Обир Абдулла — Колхозчи дүстларим</i>	18	(очерк)	40
Парво қилиб кет	18	<i>Сан'ат ва драматургия</i>	
<i>К. Шарифий — Нурота</i>	19	<i>Тожибоев — Тикланган гумбаз</i>	
<i>Армұхәен — Сталия</i>	22	<i>Фольклор</i>	
Учучи қизға	23		
<i>Қиртемир — Шұрали сойниңг Яхшигули</i>	24	<i>Халқ қүшиқлари</i>	59
<i>Цукрулла — Денгизда бир түн</i>	27	Уч оғайни тахминичи (эртак)	61
Тотув дүстлар	28	<i>Танқид ва тақриз</i>	
Шарросда юз ювіб	28	<i>Хомил Еқуб</i> — А. Қаҳдор новеллалари	65
<i>Цароф Рашид — Келинчак</i>	29		
<i>Самид Ғулом — Ёшлиқ</i>	31	<i>Адабий ҳаёт</i>	
<i>А. Бобоев — Севги</i>	32	<i>Адабий Чоршанбалык</i>	
<i>Амз Бобојон — Қани меви күтган ёр</i>	33		
<i>Ширмат — Құшиқ</i>	34		
<i>Сақирий — Колкоз қизи</i>	35		

**РЕДКОЛЛЕГИЯ:** Ойбек (мас'ул мұхаррир),  
*Ғафур Ғулом, Яшин, Уйғун, Абдулла*  
*Қаҳдор, Шайхзода, Ж. Шарифий,*  
*М. Ашрафий, Сәме' Абдуллаев.*  
*Мас'ул секретари: Ҳ. Еқуб.*

На узбекском языке

## „ШАРК ЮЛДУЗИ“

№ 3

*Орган Союза Советских писателей  
Узбекистана*

Объединенное издательство „Правда Востока“  
и „Қызыл Узбекистан“

Ташкент—1946

хәёт этил и 2/VII-46 № да. Р 01575. Қороз формати 80 × 110 мм. Босма лист 5, Б. Бир листта 450-0 ҳарф. Зир же 3010. Байдес 5 сум.

Ташкент. „Қызыл Узбекистан“ ва „Правда Востока“  
нашриети босмахонаси. Заказ № 276.



